ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 27 НОЯБР, № 48 (3204) ЖУМА



АМИР ТЕМУРНИНГ ОЛТИН ҲАЙКАЛИ ВА ЕТТИ СУРАТИ

2-БЕТ

Тўра МИРЗО

ФАРҒОНА ТОНГ ОТҚУНЧА

ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИГА МУСАДДАС

Имкон дедим, имконим бегона тонг отқунча,
Уйғон дедим, исёним уйғона тонг отқунча,
Елвораман дил ёриб осмона тонг отқунча,
Айридурмен, ғайриман жаҳона тонг отқунча,
Ҳижрон ўтиға бағрим сўзона тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, жисмим бирёна тонг отқунча.

Озод менми, озодлик илкини тутолмасдин,
Нокас менми, бир нафас нафасни ютолмасдин,
Пастдаман, қафасдаман, ҳавасга кетолмасдин,
Қнл кўприкка тикилдим тик бўлиб ўтолмасдин,
Ман Вомиқу Узро — сан, васлингга етолмасдин,
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отқунча.

Зўрим йўқдур, ҳузур йўқ,борим фақат озорим,
Куйим йўқдур, уйим йўқ, офтоб нури деворим,
Завқ келмайди, ҳақ келмас, тарқамайди ғуборим,
Улфатим йўқ, суҳбат йўқ, қулфатдир ёлғиз ёрим,
Раҳм айла бу ҳолима, эй, кўзлари хуморим,
Ҳажрингда бу кўнгиллар вайрона тонг отқунча.

Тун ўрайди, ўртайди ўртик бу хаёлимни,
Оҳ дейман, оға дейман қарға, зоғни, золимни,
Хўп дедим, хўплар дедим, бермадим саволимни,
Кимса кўрмас, юрт кўрмас, кўрмасмен камолимни,
Ҳеч кимга деёлмасман бу арз ила ҳолимни,
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отқунча...

Ёғийга очма қучоқ, зоғ, қузғундан ҳазар қил,
Уйғонмоқдан, ёнмоқдан миллатимга хабар қил,
Тўрт ёқни ёрлақадинг, Туркистонга назар қил,
Турк тик бўлсин, ўзбекни ўзини бек, сарвар қил,
Ахшомда жамолингни шаъмини мунаввар қил,
Айтай санга ҳолимни, парвона тонг отқунча.

Йил ўтар, йиллар ўтар, ўксик дилни тирларман,
Оҳлимен, ёғий келар ёлғону яшиқларман,
Тўра Мирзо ошиқман, эрксизликдан сиқтарман,
Оллоҳ-Оллоҳ, мадад бер, бошимни очиқларман,
Найлайки, иложим йўқ, ҳар кўчада йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отқунча.

5-БЕТ

ЛАПАРНИНГ ҒАМЗАЛАРИ, КАРАШМАЛАРИ, ШЎХЛИКЛАРИ



6-БЕТ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшод Отабоева, хонандалар Инобат Жониева ва Шоҳиста Парпиева

С. МАҲКАМОВ олган сурат

ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Олмос АҲМЕДОВА:

УМРБОҚИЙ ШОИР

Атоқли ўзбек шоири, академик Ғафур Ғулом шеърларидан бирида:

Ҳаёт шаробидан бир
қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир
умрзоқ соқий,
Қуёшку фалакда кезиб
юрибди,
Умримиз боқийдир,
умримиз боқий, —

деб ёзганида минг карра ҳақ эди. Зеро, шоирнинг ҳаётдан кўз юмганига чорак асрдан ошган бўлса-да, унинг асарлари, қилган ишлари, қолдирган ижодий, илмий мероси туфайли номи боқий. Халқ қалбида ўзига мангу ҳайкал тиклай олган шоир таваллудига келгуси йил 90 йил тўлади. Бу сана республикамизда катта тантана сифатида нишонланади.

Шу муносабат билан ҳафталигимизда «Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллиги олдидан» деб аталган рукни очар эканмиз, унда шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи янги топилмалар, замондошлари, шогирдлари хотиралари, ёдномалар, ижодига бағишланган янги тадқиқотлар, тўй муносабати билан амалга оширилаётган ишлар хусусида таништириб боришни мақсад қилиб қўйдик.

Хўш, айни кунларда тўйга тайёргарлик борасида нима ишлар қилинмоқда, ижодий ташкилотлар қандай режаларни мўлжалламоқдалар? Мухбиримизнинг Ғафур Ғулом уй-музейининг директори, шоирнинг қизи **Олмос АҲМЕДОВА** билан суҳбати ана шулар ҳақда борди.

— Ғафур Ғуломнинг 90 йиллик тўйига тайёргарлик энди бошланди. Шу кунларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳам, Адиблар иттифоқи ҳам тўйга тайёргарлик кўрувчи юбилей комиссияларини тузадилар. Ўзбекистон Фанлар академияси унинг адабий-танқидий мақолалардан иборат тўпламини нашр этиш ниятида. Маълумки, шоирнинг 12 томдан иборат академик нашри чоп этилган эди. Лекин бу нашрга унинг кейинги йилларда топилган баъзи асарлари кирмай қолганди. Шуни ҳисобга олиб, Фанлар академияси унинг ўн учинчи томини чиқаришни режалаштирган. Қўлёзмалар институти эса маданият муассасалари билан ҳамкорликда шоир ижодига бағишланган турли анжуманлар ўтказишни мўлжалламоқда. Уй-музейимизда ҳам бу тўй муносабати билан катта ишларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйдик. Жумладан, «Ғафур Ғулом уй-музейи» деб номланган альбом-китобча, «Сизга инъом менинг» деб аталган шеърлар тўплами нашр этилди.

Шулардан кўриниб турибдики, ҳали тўй олдидан қилинган ишлардан кўра режалар кўпроқ. Бу режалар ҳам шоир тўйини халқ ўртасида кенгроқ нишонлаш учун етарли деб бўлмайди. Зеро, халқ дилидан мустаҳкам ўрин олган, салкам ярим асрлик умрини юртини улуғлаш, адабиётини, тарихини, маданиятини юксалтиришдек ишларга сарфлаган Ғафур Ғуломнинг 90 йиллигини катта тантана қилса арзийди. Бунинг учун эса юқоридаги



ташкилотларнинг саъй-ҳаракатидан ташқари, ҳукумат доирасида ҳам тўйни нишонлаш учун тадбирлар белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўғри, Ғафур Ғуломнинг номини абадийлаштириш, асарларини нашр этиш, меросини тадқиқ қилиш борасида кўп ишлар қилинган. Лекин шу билан бирга аввал белгиланган, аммо кўп йиллардан бери амалга ошмай келаётган режалар ҳам борки, улар тўй муносабати билан бажарилса, яхши бўларди. Жумладан, шоир номидаги метро бекати устидаги хиёбонга унинг ҳайкалини гиклаш тўғрисида қарор чиққан, эди, ҳануз бу амалга ошмади. Шунингдек, шаҳар ҳокимияти Ғ. Ғулом уй-музейи атрофини ободонлаштириш, музей ёнида «Шум боланинг чойхонаси»ни қуриш тўғрисида қарорлар қабул қилганди. Булар ҳам ҳамон қарорлигича турибди.

Шоир таваллуди кунларига оз фурсат қолди. Шу сабабли ижодий, илмий ташкилотлар ҳам тайёргарликни кучайтиришлари керак. Асарлари нашрлари, уларнинг тарғиботи яхшиланса, шоир ҳаётига бағишланган ва асарлари асосида видеофильмлар яратилса, илмий сессиялар, китобхонлар конференциялари уюштирилса, ҳар йили май ойида Ғафур Ғулом кунлари ташкил этилса, Ёзувчилар уюшмасининг шоир номидаги мукофотини бериб бориш изчил давом эттирилса, кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўларди.

Табиийки, бугунги кунда бу ишларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун модий маблағ талаб қилинади. Бунинг учун Ғафур Ғулом номида фонд очиш зарур. Ҳукуматимиз бу фондни очиш учун имкониятлар даражасида ёрдам беради деб умид қиламиз. Бу ишимизга ижобий таъсир кўрсатарди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир гапни айтиб ўтишни истардим. Кейинги йилларда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар билан баробар қатор улкан ижодкорлар шаънига доир гап-сўзлар бўлди, улар ҳаёти ва ижодини бугунги кун нуқтаи назаридан туриб тафтиш қилишлар бўлди. Бунда енгил-елпи муҳокама юритмай, етти ўлчаб бир кесмоқ керак. Ахир, улар нимаики ёзган бўлсалар, халқ учун яратдилар-ку! Қолаверса, улар меросини ўрганганда ижодига чуқурроқ назар ташлаб, ўша шоир яшаган давр нуқтаи назаридан мулоҳазалар юритиш зарур. Ғафур Ғулом ижоди ҳам ана шундай теран тадқиқ этилиши керак. Ғафур Ғуломнинг тўйи юртпарварлик, миллатпарварлик байрами бўлажак.

ҚАДИМ ЙЎЛЛАРДА ЯНГИ ҲАЁТ ИЗЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси расмий ташриф билан Эрон Ислом Республикасида бўлиб қайтди.

Жаҳон ва минтақа иқтисодида ўз ўрнига эга, Осиёдаги йирик давлатлардан бири, кўркам Эрон билан халқаро майдонга эндигина чиқаётган жозибали Ўзбекистон ўртасида икки томонлама муносабатларни тиклаш кўпдан кутилаётган эди. Бу фақат давр талаби бўлибгина қолмай, аждодларимиз муносабатларида ҳаёт синовидан ўтган, олис тарихга эга иқтисодий, ижтимоий алоқаларнинг турли сабабларга кўра узилган ришталарини қайтадан боғлашга бўлган маънавий эҳтиёж ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсонжоний ўртасидаги Олий даражадаги учрашувларда ҳамда давлат бошлиқлари ўртасида иқтисодий-маданий ҳамкорлик юзасидан олиб борилган музокараларда ана шу ғоя етакчи ўрин тутди.

Учрашувлар ва музокаралар чоғида шартнома ва битимлар мажмуасининг имзоланиши ўзбек-эрон ҳамкорлиги ривожи учун мустаҳкам пойдевор қўйди. Чунончи, савдо-иқтисодий, фан ва маданият, сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялашга оид шартнома ва битимлар икки томонлама муносабатлар истиқболига кенг йўл очди.

Томонлар иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида минтақадаги барча давлатларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва бунинг учун қўшни мамлакатларда барқарорликни таъминлаш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш, халқаро ҳуқуқ ва қоидалар устиворлигига эришиш юзасидан бир фикрга келдилар.

Ихчам қилиб айтганда, Президентимизнинг Эронга расмий ташрифи дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон снёсий-иқтисодий ҳаётида яна бир муҳим қадам бўлди.

Менгзиё САФАРОВ

ОРОМГА ИЛИНЖ БОРМИ?

Инсоният ҳамиша ғала-ғовурлар ичида, ўзгаришлар жараёнида ҳаёт кечириб келган. У ҳаётда осойишталик ҳукм сурган даврда ҳам тинч турмаган, ўзи учун янгиликлар ахтарган. Бугун эса ўзгаришлар чинакам бўй кўрсатаётган давр. Табиийки, бундай жараённи тарих саҳифаларига сингдириш қийин кечмайди, лекин уни бадиий идрок этиш, бадиий ҳақиқатга айлантириш осон эмас. Айни пайтда, турмушда ҳукм сураётган иқтисодий танглик, маънавий кемтиклик, етишмовчиликлар ижод аҳлини янада кўпроқ ўйлантиришга шубҳасиз. Хўш, шундай шароитда улар қалбидан нималар кечмоқда, нелар ҳақида ўйламоқдалар? Бугун вилоятда яшаётган ижодкорлар аҳволи қандай? Ёзувчилар ташкилотининг вилоят бўлимлари уларга қандай имкониятлар яратиб бермоқдалар?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлимининг масъул котиби Менгзиё Сафаров безовта дунё ва одамлар ҳақида сўз юритади.

ГАПНИНГ РОСТИ, бировга дардингни айтиб дийдиё қилиш, ё ишингни айтиб мақтаниш ўнғайсиз. Лекин, начора, ижодкорлар қисматига ё ўзиникини, ё бошқалар ташвишини, қувончини ўзиниқидай қилиб айтиш, ёзиш чеки тушган.

Тўғри, бўлимимизда амалга ошираётган ишларимиз кам эмас ва бошқалардан ёмон меҳнат қилаётганимиз ҳам йўқ. Айтайлик, Шафоат Раҳматуллаевга ўхшаш истеъдодли ижодкорларимиз ўнлаб йиллар дурустроқ китоб чиқаришни орзу қилиб юришди. Вилоятда «Жайҳун» нашриёти иш бошлади-ку, омад куліб боққандек бўлди. Шаҳоят «Гулоб» деган тўпламини чоп этди. 20 минг нусхада. Қўлма қўл бўлиб кетди. Касаба уюшмалари вилоят қўмитаси адабиёт соҳасидаги 5 минг сўмлик мукофотига тавсия этилди. Республика нашриётларида ўнлаб йиллар чанг босиб ётган қўлёзмалар муаллифларининг юки енгиллашди. Ҳатто баъзи олғирлар учта, бештагача китоб чиқаришга улгуришди. Вилоят музикали драма театри жамоаси маҳаллий адибларга имкониятлар дарвозасини ланг очди. Шавкат Пардаевнинг асарлари ҳатто республика театрлари саҳналарига йўл олди. Истеъдодли адиб Хуррам Мақсадқуловнинг асари шу кунларда томошабинларга тортиқ этилади.

Яқинда ижодкор ўқитувчилар танловини ўтказдик. Республика кўригига қатнашишга 5 ўрин берилган экан — жанжал бўлиб кетди. Кўплари ўз ҳисобидан бориб иштирок этишди. Термиз дорилфунунида эса ижодий марказ тузилди ва иш бошлади. Маданият жамғармаси билан ҳамкорликда ойнома чиқармоқчимиз. Ижодкорларнинг юбилейлари, ўтаяпти ва ҳоказолар. Ишқилиб, режалар бор. Тангани бир томони шундай. Унинг иккинчи томони эса дил ранжитади. Бу ҳасрат мачойи шоир Абдимурод Раҳмонов қалб рози:

Аё, дўстлар, мен
тенгилар катта-катта
шоир бўлди,
Ҳеч бўлмадим деган
ҳам қофияга
моҳир бўлди.
Баъзи шоир эмасларнинг
китоблари чиқди
қатор,
Битта китоб чиқариш
ҳам ман фақирга
оғир бўлди.

Давомн еттинчи бетда

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ГАЗЕТАСИ МУҲАРРИРИЯТИГА

УРУМЧИДАН МАКТУБ

Ўзбеклар ва дунё

Ассалому алайкум, севимли қардошлар!

Аввало, ҳур ва мустақил Ўзбекистонимизнинг чинакам истиқлолият шарофати ила абадий гуллаб-яшнамоғини, қудрат топиб юксалмоғини Оллоҳ таолодан тилаймиз. Шинжонг Уйғур Автоном районида истиқомат қилиб турган ўзбек халқи номидан бутун ўзбек халқини, ўзбекистонликларни истиқлол билан муборакбод этамиз.

Сониян, мазкур мактубимиз ила воқиби асрорингизга шуни маълум этамизки, Шинжонг Уйғур Автоном районида 1988 йили «Ўзбек тил-адабиёти илмий жамияти» таъсис этилган эди. Мазкур жамият ўз низомномасига кўра Шинжонгда яшаб келаётган қарийб 20 минг ўзбек аҳолисининг маданияти, маорифи, урф-одатлари ва миллий-тарихий анъаналарини тадқиқ этиш, ўзбек миллати қадриятларини жорий эттириб, миллатлар ўртасидаги баробарлик ҳуқуқларини муҳофаза этиш, ўзбекларнинг Шинжонгдаги осор-атиқаларини таъмирлаш, ўзбек халқининг маданият намояндалари фаолиятларини хитой тилида мамлакатга танништириш ҳамда турфа илмий ишларни олиб бориш каби вазифаларни зиммаларига олганлар.

Жамият таъсис этилгандан сўнгги йиллар мобайнида Шинжонг Уйғур Автоном районида яшаб келаётган ўзбеклар учун «Ўзбекларнинг тарихи», «Ўзбек тили тазкираси», «Шинжонг ўзбек адиблари», «Фурқат асарлари» каби китобларни нашр эттирди. Севимли шоиримиз Фурқат асарлари, севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи хитой тилига таржима қилинди. Ёркент шаҳрида Фурқат мақбарасини таъмир этишда ташаббускор ва иштирокчи бўлди.

Хуллас калом, Шинжонг Уйғур Автоном районидаги ўзбек илмий жамияти Ўзбекистондаги Халқ академияси дастурида қайд этилган илмий муаммолар сингари ишларни амалга оширади.

Шинжонг Уйғур Автоном райони ҳукумати ишларимизга баҳолн қудрат мададлар бермоқдалар.

Энди, сиз қардошларимизга илтимос шулки, илмий ишлар ҳамда миллатимизнинг маданият тараққиёти ишларида ўзаро мулоқотларни кенгайтирсак, нашр афкорларимизни ўзаро юборнб туришсак жуда саховатли иш қилган бўлар эдик.

Бу илтимосимизни қабул қиласизлар, деб ишонч билдирамиз.

Сониян, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Фан ва турмуш», «Гулистон», «Ўзбекистон овози», «Мулоқот» каби нашрларни икки йилдан бери ўқиб келар эдик. Кўп афсуски, 1993 йилга муштарий бўлишга имкон бўлмади. Ана шу нашрлардан иккитадан юборнб туришга бўлармикан?

Хитой Халқ Республикаси Шинжонг Уйғур Автоном райони, Ўзбек тил-адабиёти илмий жамияти.

Бош котиб: Қодир АКБАР

Бош котиб ноиблари: Талъат НОСИРИЙ, Дўлқин МАҲМУДЖОН

РЕДАКЦИЯДАН: Бугун мустақил Ўзбекистон билан дунёнинг турли нуқталарига сочилган юртдошларимиз ўртасида алоқа кўприклари барпо бўла бошлагани ғоят қувонарлидир. Айниқса, хорижий элларда адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз, энг муҳими, тилимизнинг ҳомийлари пайдо бўлаётгани ва бу каби ишларда улар ўз юртлари — Ўзбекистон билан алоқалар ўрнатишга интилаётганлари қалбларимизда катта умидлар туғдиради. Шинжонг Уйғур Автоном районида таъсис этилган «Ўзбек тил-адабиёт илмий жамияти»нинг олиб бораётган ишларидан хабар топиб, беҳад хурсанд бўлдик. Биз бу жамият билан ҳар томонлама ҳамкорликлар ўрнатишга тайёрмиз. Ва ўйлаймизки, бизнинг бу фикримиз жавоб мактуби сифатида газетамиз саҳифалари орқали етиб боради. Ўзбекистон ва Хитой Халқ республикаси, хусусан, Шинжонг Уйғур Автоном райони ҳукумат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро борди-келдилар ҳам бу алоқаларимизнинг яхшиланишига имкон яратиб беради, деб ўйлаймиз.

Юқорида номлари кўрсатилган нашрлар обунаси масаласига келсак, аввало, Ўзбекистон Алоқа вазирлиги хориждаги юртдошларимизнинг республикамиз матбуот органлари билан танишиб боришлари учун имконият яратиб беришларини истар эдик. Қолаверса, хоҳ тижорат, хоҳ зиёрат учун Шинжонг Уйғур Автоном районига бораётган юртдошларимиздан ҳафталигимиз билан «Ўзбек тил-адабиёт илмий жамияти» ўртасида ҳамкорликларини кучайтиришга ёрдам беришларини сўрар эдик.

А/О 01 265522/1 РУС

ТЕЛЕГРАММА

ОС ДУРВАЗЫК ХОР ХАНКИНСКОГО 19
32 21/11 1000=

ТАШКЕНТ 63 ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ 32 УЗБЕКИСТОН АДАБИЕТИ ВА САНОТИГАЗЕТАСИ УРТОК ИБРАХИМ ГАФУРОВГА=

АЛДИМ ГАЗЕТАНИ Ч 5 КИЛ КУН КЕЙИН АЛАРДИК ЭНДИ 6 НОЯБРЬДАН БИЕН ГАЗЕТА КЕЛМАЯПТИ ТОХТАБКОЛДИМИЗ=ОЛДАШЕВ ХАМИЕВ КУКУТУВЧИ= ЮЛДАШ ХАМИЕВ УКУТУВЧИ ТАК
1025
НННН 1027 21.11 0010

ОЗ-ОЗ ТОМИБ ДАРЕ БУЛУР

Машойнхлар тўғри айтган эканлар: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам оз-оздан пайдо бўлади ва кўпаяди...

Таҳририятга Хонқадан ўқитувчи муштарий Йўлдош Ҳожиев, «Нега газета келмаяпти!» — деган мазмунда телеграмма йўллаган. Бундай қонуний саволга ҳафталикнинг 6 ноябр ва бугунги сонларида батафсил жавоб қилганмиз. Лекин бизни... алоқа ходими кечирсин... телеграмманинг ўзи ташвишга солиб қўйди. Давлат тилида телеграмма ёзгани учун алоқа ходимининг отасига балли! Лекин бу қадар саводсизлик, паландартишлик, тилга ҳурматсизликни ўйлаб топиш қийин.

Қачон ҳаммамиз бир-биримиздан савод талаб қилишни ўрганамиз, омон бўлгурлар!

ГАЗЕТАМИЗ ЎҚУВЧИЛАРИГА!

ҚАРЗ УЗИЛАР, ГАЗЕТА ЁНГА ҚОЛАР

Иқтисодий қийинчиликлар туфайли ҳафталигимиз тиражини кескин суратда камайтиришга мажбур бўлганимиз (газетамиз ўз харажатларини ўзи қоплаш ҳисобига нашр этилади) ҳақида газетамизда бир неча бор хабар берган эдик. 1992 йил учун тўланган 15 сўм 60 тийин қоғоз нархи ва бошқа харажатлар ортиқ даражада кўтарилиб кетгани учун йилнинг биринчи чорагигагина етган эди. Шу йил ноябр ойига қадар давлат ёрдами, ҳаммуассис ҳамда бошқа мададкорларимизнинг маблағларига ҳафталикни чиқариб келдик. Ноябр ойига ноширдан катта қарз билан кирдик. Шундай шароитда ё газетани ёпиш, ё унинг тиражини кескин камайтиришдан ўзга чора қолмади. Маданий, адабий, ижтимоий ҳаётимизда юксак салмоқли ўрин тутган ҳафталикнинг маблағсизлик важидан чиқмай қолишини тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмайди. Таҳририят тиражни камайтириш, газета нархини кўтариш ва уни чиқариб турш чорасини танлади. Ҳафталикни сотувга чиқариш ва ёз ойида қўшимча ҳақ тўлаб ёзилганларгагина етказиб беришга қарор қилдик. Бу ҳақда газетанинг шу йил 6 ноябр сонида батафсил маълумот бердик. Шунга кўра 1992 йилга қўшимча обуна бўлмаганларга газета бормай қўйди.

Табиийки, бу қийинчилик ва ўзгаришлар ҳафталикни тарқатиш билан боғлиқ ишларни бироз мураккаблаштирди. Редакцияга ташвишланган муштарийларимиз тинимсиз қўнғироқ қилиб, жойлардан хат ёзиб, нега газета келмаётганлигини суриштирмоқдалар. «Мана, иккинчи ҳафтадирки, ҳафталик келмаяпти. Биз унга шунчалик ўрганиб қолибмизки, бирор қимматбаҳо нарсасини йўқотган кимсадек сезаяпмиз ўзимизни», деб куюниб ёзади алимкентлик дўстимиз М. Муродов. Бундай сўровлар жуда кўп. Бунинг устига кўпгина муштарийларимиз, ёзувчи биродарларимиз алоқа бўлимлари ҳафталикни вақтида етказиб бермаётгани ёки қўшимча ҳақ тўлаганликларига қарамай, газетани ололмаётганликларини маълум қиладилар. Дўстлар, алоқа бўлимларидан талаб қилайлик, талаб қилишни ўрганайлик. Қинғирлик қилаётганлар сергак тортсинлар. «1993 йил учун ҳафталикка яхши умидлар билан обуна бўладик. Янги йилга ишонса бўладими? Газета чиқмай қолмайдими?» — деб ташвишланади фарғоналик отахон Раҳматилла Мелибой.

Нима дейсиз? Бундай шубҳага ўрин йўқ. Қийин бўлар, нархлар кўтарилар, лекин ҳафталик, албатта чиқади! Ишончингиз комил бўлсин! Сизнинг ишончингиз бизга куч бағишлайди.

ТАҲРИРИЯТ

АМИР ТЕМУРНИНГ ОЛТИН ҲАЙКАЛИ ВА ЕТТИ СУРАТИ



ТУРОНЗАМИН ЎЗИНИНГ беш минг йиллик маданий тарихида бир неча ҳукмрон сулолаларни дунёга келтирди. Улар Тутоннинг шон-шавкатини оламга ёйдилар. Соҳибқирон Амир Темур асос солган темурийлар сулоласи Турон тарихида алоҳида ўрин тутади. Негаки, бу сулоланинг чекига Туронни қарийб бир ярим аср давомида ўз истибдодида ушлаб келган мўғуллар зулмидан озод қилиш сингари буюк вазифа тушган эди.

Темур ва темурийзодалар тарих зиммасига юклаган бу вазифани шараф билан адо этдилар. Улар Туронни нафақат ҳур ва озод, мустақил қилдилар, айни пайтда ер юзидаги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан энг бақувват давлатлардан бирига айлантирдилар. Бобомиз Амир Темур фақат Туроннигина эмас, Эрон заминини ҳам мўғуллар истибдодидан халос қилди. Мўғуллар зулмидан тинка-мадори қуриган Русиянинг озод бўлишида ҳам буюк соҳибқироннинг улкан қўмаги борлиги жаҳон тарихчилари томонидан алланақачон тан олинган. Шу сабабли ўша даврлардаёқ соҳибқироннинг шахсига қизиқиш ғоятда катта бўлган. У ҳақда илмий ва бадиий асарлар яратилган. Шу билан бирга турли Шарқ халқлари мусаввирлари Амир Темурнинг сиймосини яратишга киришганлар.

Ҳозир жаҳоннинг энг бой кутубхоналарида соҳибқироннинг турфа даврларда турли мусаввирлар томонидан ишланган кўплаб ноёб суратлари сақланмоқда. Бу суратларда рассомлар Амир Темурни ўз халқларининг миллий кийимларида, ўз халқларининг юз тузилишларига ўхшатиб чизганлар. Масалан, XVI—XVII асрларда ҳиндистонлик мусаввирлар ишлаган кўплаб миниатюраларда соҳибқирон Амир Темур ҳинд рожаларига ўхшаб кетади. Эронлик мусаввирлар ҳам уни ўзларига яқин қиёфада тасвирлаганлар.

Амир Темур Шарқ мамлакатларида қанчалик довруғ таратмасин, унинг шоншуҳрати Ғарбда ҳам кам эмасди. Манбалардан маълумки, XVI асрга келиб Ғарбий Европада Амир Темур шахсига қизиқиш кескин даражада ошади. Дастлаб соҳибқирон билан шахсан учрашиб, мулоқотда бўлган испаниялик элчи Руи Гонзалес де Клавихо, франциялик маршал Бусико, султониялик архиепископ Иоаннларнинг Амир Темур ҳақидаги эсдаликлари чоп этилди. Сўнгра бадиий адабиётда Амир Темур образини англиялик драматург Кристофер Марло яратди. Орадан сал ўтиб фаранг тарихчиси Дў Сэнксйон Темур ҳақида биринчи илмий рисолани ёзди. Шунингдек, овруполик олимлар Амир Темур фаолиятини кенг ёритган ўша давр тарихчилари Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Низомиддин Шомийларнинг нодир асарларини ҳам ўз тилларига таржима қилдилар.

Бу борада овруполик мусаввирлар ҳам ортда қолмадилар. Улар соҳибқирон Амир Темурнинг суратларини чизишиб, халқ орасига ёйдилар. Ҳозирда бу суратлар Ғарбий Оврупонинг номдор музейларида сақлаб келинмоқда. Уларнинг айримлари Париждаги «Темурийлар даври маданиятини ва тарихини ўрганиш ассоциацияси»нинг президенти профессор Л. Кэреннинг «Буюк Темурланг» номли китобида келтирилгандир. Биз ўша суратларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Биринчи сурат италиялик мусаввир томонидан чизилган бўлиб, Амир Темур ўша даврда яшаган флоренциялик олийжаноб аслзодаларга қиёс этиб тасвирланган. Бошида ҳукмдорларга хос бош кийим, у саркарда бўлганлиги туфайли ўнг қўлида ўқ-ёй ушлаб турибди. Сурат пастида италян тилида «Тамерлано» деган ёзув бор. Иккинчи суратда Амир Темурнинг олмон мусаввири томонидан чизилган сиймоси акс этган. Унда соҳибқирон олмон императори кийимидаги «шеваліе» (аслзода зобит) қиёфасида тасвирланган. Суратнинг тагига эса «Буюк Темурланг» деб ёзилган. У кўпроқ бюстга ўхшаб кетади.





Учинчи сурат инглиз мусаввири томонидан яратилган. Унда Амир Темур бобомиз Британия лордлари қиёфасида акс эттирилган. Шунга кўра, у кўпроқ ҳарбий флот адмирали қиёфасидадир. Суратнинг тагида «Улуғ Тамерлан» деган ёзув бор. Тўртинчи суратдаги Амир Темур сиймоси фаранг мусаввири томонидан чизилгандир. Унда соҳибқироннинг қиёфаси ўша даврдаги замондоши Карл VI қиёфасига нисбат бериб чизилган. Амир Темурнинг кийим-боши ва соқоли, мулойим қиёфаси айнан қирол Карл VI га ўхшаб кетади. Бизга тарихдан маълумки, фаранг қироли Карл VI жасур, айни пайтда ўта мулойим ва олижаноб ҳукмдор бўлган. Бешинчи, олтинчи суратларда Амир Темурнинг Эрон ва ҳиндистонлик мусаввирлар томонидан яратилган сиймоси акс эттирилган. Охирги сурат эса ҳаммамизга маълум. У ҳайкалтарош-антрополог М. Герасимов томонидан соҳибқироннинг бош чаноғи асосида яратилган.

ШАРҚ МУСАВВИРЛАРИ ўртасида соҳибқирон Амир Темурнинг сиймосига қизиқиш нега кучли бўлганлиги маълум. Бироқ, овруполик мусаввирлар ҳам унинг сиймосини бу қадар катта эҳтиром ва иштиёқ билан яратганларининг боиси нимада? Бу саволга жавоб бериш учун тарихга мурожаат қилишга тўғри келади. XVI асрнинг иккинчи ярмида Оврупо осмонида уруш қўланкаси пайдо бўлди. Усмонли турклар Галлиполи, Фракия ва Сербияни босиб олдилар. 1391 йили турк султони Йилдирим Боязид I Булғория, Македония, Фессалия ва Грецияни ишғол этди. Бундан талвасага тушган можорлар, франглар, баварлар, бургунд ва поляк рицарлари бирлашиб туркларга қарши курашдилар. Бироқ ўзлари тор-мор этилдилар. Оврупо давлатларининг ҳукмдорлари қандай







ўлмасин, туркларга қарши курашиш ва ўз давлатларини сақлаб қолиш чораларини ахтара бошладилар.

XIV асрнинг охирларида Оврупо ҳукмдорларининг қулоқларига Туронда пайдо бўлган жаҳонгир Амир Темур ҳақидаги дастлабки хабарлар етиб боради. Овруполиклар Йилдирим Боязидга бас кела оладиган ягона ҳукмдор Амир Темур бўлиши мумкин деб унинг олдига ўз элчиларини турнақатор қилиб, катта совға ва саломлар билан йўллай бошлайдилар. Бу элчилар ўзлари билан Амир Темурга овруполик ҳукмдорларнинг хушомадгўйлик ҳамда тилёғламалик билан ёзилган мактубларини ҳам етказадилар.

Хуллас, овруполиклар икки турк жаҳонгирини бир-бирларига қарши гиж-гижлаб, уларни уриштириб қўйишга муваффақ бўладилар. Бу жангда турк султони Йилдирим Боязид I мағлуб бўлади. Шундан сўнг овруполиклар юракларини анчагина босиб оладилар. Амир Темурнинг олдига ўз элчиларини совға-саломлар ва миннатдорчилик мактублари билан жўнатадилар.

Шундан сўнг улар Амир Темурни «Оврупо халоскори» деб атай бошлайдилар ва ўша даврда Парижда унга соф олтиндан ҳайкал қўядилар. Ўша ҳайкалнинг сурати профессор Л. Кэреннинг китобида бор. Бу ҳайкал сўнгги марта 1900 йилда Парижда кўргазмага қўйилган. Унинг кейинги тақдири ҳозирча бизга маълум эмас.

ХУЛОСА ҚИЛИБ АЙТАДИГАН бўлсак, буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг сиймоси ҳамиша Шарқ ва Ғарбдаги иқтидорли мусаввирларнинг диққат марказларида бўлган. Улар жаҳонгирнинг улуғ сиймосини катта маҳорат билан яратганлар. Бугунги кунда бу нодир суратлар жаҳоннинг кўпгина машҳур ва йирик кутубхоналарида, музейларида сақланмоқда. Агар бу суратлар жамлаб, албом ҳолида нашр этилса, жуда хайрли иш бўларди. Халқимиз ўз даҳо фарзанди ҳақида янада кўпроқ тасаввурга эга бўларди.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори,
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,
археолог, фан* номзоди

БОШ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Алибег РУСТАМИЙ

ЎЗБЕКИСТОН ТУЗУМНОМАСИНИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА

Лойиҳаси «Ўзбекистон республикасининг конституцияси» деган ном билан халқ муҳокамасига қўйилган тузумноманинг мазмуни ҳақида оммавий ахборот воситаларида оқилона фикрлар билдирилди. Куни кеча эса бош қонун лойиҳаси янги таҳрирда эълон қилинди. Янги таҳрирдаги лойиҳада «муҳокама давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинган». Шу сабабли мен асосан бир масала, яъни бу ҳужжатнинг тили ҳақидаги фикрларимни баён этмоқчиман. Аммо бундан олдин унинг мазмуни хусусида ҳам муқаддима тарзида озгина фикр билдиришим зарур.

Элни ер боқади, ердан унумни халққа деҳқон олиб беради. Шунинг учун ҳамма ҳур ўлкаларда еру сувга давлат эмас, уни обод қилган киши эгалик қилади. Болшевиклар ҳукмронлигига қадар Ўзбекистонда ҳам шундай бўлган. Шунинг учун деҳқондан тортиб олинган ер мерос ва байъ ҳуқуқи билан деҳқонга текинга улашилиши зарур.

Маданий бойликни ҳунар эгаси яратади ва элга хизмат кўрсатади. Шунинг учун хусусий корхоналарга катта йўл очиб берилиши керак.

Элнинг маънавий савиясини муаллиму олимлар кўтаради. Шунинг учун буларнинг қадри ўз даражасида бўлиши лозим.

Жамиятнинг эркин ривожи учун ўта муҳим бўлган шартлардан бири хусусий мулк бўлиб, бу миллий иқтисоднинг асосини ташкил қилади ва унинг гуллаб-яшнашини таъмин этади. Аммо бунинг учун шахсий истиқлол ниҳоятда зарурдир. Шахсий эрксиз миллий истиқлолнинг ўзи билан мамлакатни обод қилиб бўлмайди.

Бинобарин, Ўзбекистон тузумномасининг биринчи моддаси қуйидаги мазмунда бўлиши шарт:

Ўзбекистон дахлсиз онла ва эркин шахслардан иборат, ҳукумат халқ иродасига тобеъ мустақил демократик жумҳурият бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари халқаро қоидалар асосида риоя қилинади. Унинг ҳар бир раийятининг тану жонини, мулку молини, эркин турмушу фаолиятини ҳамда моддию маънавий маҳсулотини давлат қонун билан муҳофаза қилади. Қонун барчага — оддий фуқародан тортиб жумҳурбошигача бирдир.

Кейинги моддалар мана шу моддага уйғун бўлиши, совет конституциялари таъсиридаги ортиқча моддалар матндан олиб ташланиши ва ҳар жумла ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзбекча бўлиши керак. Ҳужжат тил жиҳатидан мустақил бўлиши учун унинг русча матнидаги сўз, ибора ва жумлалар айнан ёки таркибан такрорланмаслиги зарур. Русча матнида эса ўзбекчаси бўлмаслиги табиийдир. Бу амал сўздан бошланади. Мен буни ҳужжатнинг номидан бошлашни таклиф қиламан. Тузумноманинг номи «Ўзбекистон республикасининг конституцияси» деб берилган. «Республика» сўзининг шарқча, жумладан ўзбекчаси «жумҳурийят» бўлиб, «республика» «совет социалистик» иборaси билан бирга ўзбек тилига зўрлаб киритилган эди. Шунинг учун бу ва бундан бошқа зўраки сўзлардан қутулиб, ўзбекчасига йўл бермасак, тўлиқ мустақил бўлолмаймиз. Тилимизда табиий равишда пайдо бўлган ўзга сўзлар истиқлол ҳиссига таъсир қилмайди. «Конституция» сўзи баъзи ўртоқларга муқаддас бир сўздек туюлса ҳам, Ғарб учун у **тузилиш, тузум** деган маънодаги оддий бир сўз бўлиб, у жисмга нисбатан ҳам қўлланади. Масалан, инглиз «фалончининг тани соғлом» деганда «тан» сўзи ўрнида, «жисмнинг тузилиши» деганда «тузилиш» сўзи ўрнида «конститйушн» (конституция) сўзини қўллайверади.

Мана шу оддий сўз Ғарб тарихида диний ҳукмлар, дунёвий фармон ва давлат қоидаларига нисбатан, ҳам қўлланган. Бунинг динийсининг муқобаласида исломда «фиқҳ усули» туради ва буни Ғарб ҳуқуқшунослари яхши биладилар. Ўзбекчада давлат қоидалари маъносидаги **«конституция»** сўзига муодил иккита сўз бор. Бири асли мўғулча **«йаса»** сўзи, иккинчиси **«тузук»** сўзи. Чингизхон давлатининг асосини ташкил этган ҳукм ва қоидалар «Чингизхон йасаси» деб аталади, Темур давлатиниқи «Темур тузуклари» ва «Тузукот-и Темурий» деб аталади.

Дунёда жумҳуриятлар вужудга келгандан сўнг унинг тузумномасини Ғарбда «конституция», Шарқда араблар «дустур», яъни дастур (қўлланма), эронликлар «асоснома», турклар эса мазкур «йаса» сўзига «она» сўзини қўшиб, «онайаса» деб атадилар. Биз учун тарихан ва таъбиран **«тузукот»** маъқулдир. Бинобарин, янги тузумноманинг номи **«Ўзбекистон жумҳурийятининг тузукоти»** дейилса, ҳам тарихимиз, ҳам тилимизнинг гўзаллигига риоя қилинган бўлади. Шу билан бирга, «Сизларда миллат, давлат, ҳуррийят бўлмаган, тилингиз қашшоқ» каби таъналарнинг туҳматлигини исботлаган бўламиз. «Ўзбекистон республикасининг конституцияси» деган номни эса «Ўзбекистон совет социалистик республикаси» деган номнинг қисқарган шакли деб тушуниш мумкин.

Биринчи бўлим «Асосий принциплар» деб аталган. «Принцип»нинг ўзи «асос» деган маънода бўлгани учун ибора маъно жиҳатдан аниқ эмас. Ундан ташқари «принцип»нинг «асл» (кўплиги «усул») деган ўзбекча муодили бор. «Суверенист»нинг ўзбекчаси «истиқлол»дир. Бешинчи моддада «герб», «мадҳия» деган сўзлар бор. Буларнинг биринчиси **«тамға»**, иккинчиси **«нашида»** бўлиши керак эди. Шу моддада **«қўшун»** ва **«ёрмағ»** (валюта) деган сўзлар ҳам бўлиши керак эди. Иккинчи боб «Халқ ҳокимиятчилиги» деб аталган. Бу иборадаги «ҳокимият»чилик» сўзи адабий эмас, шу билан бирга маъно жиҳатидан ҳам бу ўринда ўринсиздир. Иборанинг тўғриси «Халқ ҳукмронлиги» бўлади.

Тўртинчи бўлим «Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши» деб аталган. Бу ўзбекча таъбир эмас ва ундан ўзбек тили асосида маъно чиқариб бўлмайди. Буни «Давлат ҳудуди ва унинг маъмурий хитталари» деб тузатиш керак. Шу билан бирга, «шаҳарча» сўзини «қасаба» сўзи билан алмаштириб, шаҳар ва қасабанинг ноҳияларга бўлинишини ҳам айтиш керак. Чунки «туман» сўзи вилоят хитталарига нисбатангина ишлатилади.

Бешинчи бўлим сарлавҳаси «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» эмас, «тузилиши» бўлиши, йигирма учинчи бобнинг сарлавҳаси «Суд ҳокимияти» эмас, «Қазоват» бўлиши, йигирма тўртинчи бобнинг сарлавҳаси «Прокуратура» эмас, «Додхоҳлик» бўлиши керак.

Хулоса шуки, Ўзбекистон тузумномасининг муҳокамасига қўйилган янги таҳрирдаги лойиҳасини бошдан-оёқ, рус тили ва унинг русча матни нуқта-йи назаридан эмас, ўзбек тили нуқта-йи назаридан кўриб чиқиш лозим.

ТУРК ДУНЁСИ ЁЗУВЧИЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ

Октябр ойининг 23—25 кунлари Анқара шаҳрида Турк Дунёси ёзувчиларининг илк қурултойи бўлиб ўтди. Бир улуғ шажара, бир улуғ қавм бўлмиш туркий дунё адибларини ҳамнафас ва ҳамқадамликка, ягона мақсад йўлида ҳамкорлик қилишларига даъват этувчи шундай қурултойни чақириш хусусида икки йилдан буён сўз борарди. Ниҳоят, Туркиянинг «ИЛАСАМ» номидаги Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан барча турк жумҳуриятларидан вакиллар чорлаб, шундай катта анжуман ўтказилди. Шунингдек, қурултой ишида миллий ёзувчилар ташкилоти бўлмаган Гагаузистон, Македония, Руминия, Англия, АҚШ, Германия, Франция, Косоводан ҳам туркийзабон ёзувчилар қатнашдилар.

Қурултой қатнашчиларини қутлаб Туркия президенти

Турк шажараси

Турғут Ўзол шундай деди: «Турк дунёси истиқлолга эришганлар, энди эришадиганлар, узоқ йиллар асоратда қолганлар, иқтисодий жиҳатдан орқадагилардан иборат. Улар яхшироқ бирлашишлари учун келажакда кўп ғайрат, ташаббус кўрсатишлари зарур. Имконлари борлар ва бу ишларни биладиганлар билмайдиганларга ёрдам бериши керак. Бир-биримиз билан ўзаро самимий бўлишимиз керак. Турли хавф-хатарлар йўлимизни тўсиши мумкин. Лекин биз бирга бўлсак, ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлсак, тўсиқларни албатта енгиб ўтамиз. Маданиятимизга, тилимизга ўзимиз эга бўлайлик. Яхши, соғлом бир иқтисодга эга бўлсак, дуч келган муаммолар тезда ҳал бўлади. Энг муҳим алоқа воситаси тилдир. Ҳурриятини, ватанини йўқотганлар тилини йўқотмаслиги керак. Инсониятни ўз йўлида собит қиладиган энг муҳим унсур эса диндир. Динини маҳкам тутган одам ўз йўлини ҳеч йўқотмайди...»

Қурултой қатнашчилари ҳузурида турк тили ва тарихи хусусида сўзлаган профессор, доктор Исмойил Порлатир турк миллатлари бир-бирларини тушунмоқлари ва янада яхши англамоқлари учун ҳаммабоп имло-алифбо ва ҳаммабоп адабий тил яратиш ғоясини илгари сурди. Турк Дунёси Ёзарлар Бирлиги (Турк дунёси ёзувчилари иттифоқи)ни ташкил этиш таклифини аксарият ёзувчилар қизғин маъқулладилар.

Қурултойда ўзаро фикр олишувлар ва мунозаралар ҳамда шоир Яҳё Оқэнгиннинг умумтурк ёзувчилар иттифоқининг мақсад ва вазифалари хусусидаги нутқидан сўнг туркий жумҳуриятлардан ташриф буюрган вакилларнинг раҳбарлари қурултой қарори лойиҳасини тайёрловчи ҳайъатга сайландилар. Улар қарор муҳокамасидан сўнг Турк Дунёси Ёзарлар Бирлигини тузиш ҳақидаги ҳужжатни имзоладилар.

Қурултой ниҳоясида сўз олган Туркия Президентининг ёрдамчиси Номиқ Камол ҳаммани бу буюк воқеа билан қутлади ва Аллоҳ номига дуо ўқиди.

Йигирма уч банддан иборат қурултой қарорида туркийзабон адабиётларни барча турк дунёсида кенг тарғиб этиш, бунинг учун таржима марказлари очиш, адабий мажмуа ҳамда газета чиқариш, бу нашрларнинг инглизча ва русча нусхаларини ҳам чоп этиш; адабий-танқидий мажалла нашр этиш, турк дунёси адабиёт ва санъат қомусини чиқариш, достонлар, халқ оғзаки ижоди намуналарини бутун турк республикалари ҳамда туркий халқлар яшовчи жойларда кенг оммалаштириш сингари ишлар кўзда тутилган.

Турк Дунёси Ёзарлар Бирлигининг мувофиқлаштирувчи маркази Анқара шаҳрида иш олиб боради. Унинг хизматлари «ИЛАСАМ» Ёзувчилар уюшмаси томонидан бажарилади. Раҳбарлик имло тартибига кўра Ёзарлар Бирлигига аъзо бўлган мустақил ҳамда мухтор жумҳуриятлар Ёзувчилар уюшмалари томонидан икки йил муддат билан олиб борилади. ТДЁБнинг пленуми ҳар икки йилда чақирилади. Бирликнинг умумий жамғармаси маркази Анқарада жойлашади.

Янги тарихий даврдаги умумтурк адабиёти ва умумтурк тилини яратиш, туркийзабон халқлар ва элатларни уларнинг адабий тили ва адабиётлари орқали бир-бирларига яқинлаштириш, жипслаштириш йўлида муҳим қадам қўйилди.

УзАС ахборoти

Яқинда Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида Жумҳурият халқ амалий санъати — заргарлик, сандиқсозлик, кулолчилик, лакли миниатюра бўйича кўргазма очилди.

Кўргазмани ташкил этувчи муассис ташкилот миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни тарғиб этиб келаётган Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар марказидир. Кўргазманинг очилишида Маданият вазири муовини Насиба Иброҳимова, маданий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Рустам Ҳўжаев, Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар маркази раҳбари Деҳқонбой Ҳусанов, халқ амалий санъати усталари, ёш ижодкорлар ва хориждан келган меҳмонлар қатнашдилар.

Маданият вазири муовини Насиба Иброҳимова ушбу тадбир билан йиғилганларни қутлади. Шундан сўнг кекса уста Зокирхон Боситхоновга сўз берилди. Уста Зокирхон ака шогирдларга оқ йўл тилади.

Кўргазмага 200 дан ортиқ санъат асарлари қўйилган.

Алишер Нарзуллаев — Ғиждувонда машҳур Мулло Усмон Умаровнинг набираси. У кўргазмага ўзи ва синглиси ясаган сопол товоқ ва косаларни, ўйинчоқларни олиб келган. Боболари тўйларда келинсандиқлар ясаган, ворис усталардан бири — Убайдулла Қосимов. У михлама, қуббадор сандиқчаларнинг ниҳоятда жажжи турларини ясаб келган. Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона заргарлик мактабларини ўрганиб, ўзига хос зебу зийнатлар яратиб келаётган яна бир ёш ижодкор — Фасиҳиддин Дадамуҳамедовдир. Миниатюра санъатида лакли миниатюра йўналишини бошлаган, Тошкентда катта бир мактабга асос солиб, шогирдлар етиштириб келаётган катта ижодкор Хуршид Назиров ўзи ва шогирдлари ясаган ишлар билан қатнашди.

Уч кун давом этган кўргазма меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Зебо МИРЗАЕВА

Фарҳод МУСАЖОН, Сафар БАРНО

МАЙДОНДАГИ ГАПЛАР

ЁЗУВЧИ ВА ЗАМОН

Истаймизми, йўқми адабиётнинг барча турлари қатори болалар адабиётига ҳам эътибор сусайиб кетди. Унинг эртаси ҳақида қайғурадиган одамни топишнинг ўзи қийин бўлиб қолди.

Ҳанузки биз эътиборни унвон, мукофот, орден олишда деб билганимиз оқибатида адабиётда жиддий ўзгаришлар рўй бермаётир. Рости, асарларимизнинг яшовчанлиги ҳақида деярли ўйламаймиз. Фақат эътибор кутиб келдик. Бир ёғи, ўша ўтган йилларда тузук эди. Унвон муборак, мукофот муборак, орден муборак, деб серфайз дастурхонларнинг бир чеккасида ўтирардик. Биллур қадаҳларни уриштириб, соҳиби дастурхонлар сизларга ҳам шу кунлар насиб этсин, деб кўнглимизни кўтаришарди...

Ана шу кунларни эслаб туриб Сафар Барно ёзувчи Фарҳод Мусажон билан суҳбат қуришга жазм этган. Албатта, бу бесабаб эмас. Фарҳод Мусажон деярли қирқ йилдан бери адабиётнинг барча турида астойдил хизмат қилиб келаётганлардан бири. Тўғрисўз, ҳалол, меҳнаткаш адиб. Бу фазилатлари қанчалик яхши бўлмасин, ёзувчи эътиборлилар рўйхатига тушган эмас. Унинг битта қусури — янги асар муборак, дейдиган кунларни кутиб яшади.

Сафар БАРНО: — Болалар учун ҳикоялар ёзиб юрган пайтингиздаги кайфиятингиз қандай эди? Адабиётнинг бу турига ҳамиша эътиборсизлик бўлишини хаёлингизга келтирганмидингиз?

Фарҳод МУСАЖОН: — Аввало, болалар учун ҳикоялар ёзиш ниятидан қайтганимча йўқ, худо хоҳласа, қайтмайман ҳам. Айбим, болаларга борган сари кам ёзяпман. Дарвоқе, бу нотинч ва беҳаловат замонда ким кўп ёзяпти? Ҳозир яшаш оғирлашди, саховат ва меҳр-шафқат ўрнини тобора қаҳр-ғазаб, бетоқатлик, асабийлик эгаллаяпти. Бироқ менга, бу гапим сизни жуда ажаблантирса керак, бўлаётган воқеалар, ўзгаришлар маъқул бўлаётир. Эски тузум емирилиб янгиси пайдо бўлаётганида заҳмат чекиш табиий. Бундай пайтда яшаш ҳам қийин, ҳам қизиқ. Сабр-тоқат ва маърифат қутқаради бизни.

Энди болалар адабиётига эътиборсизлик масаласига келсак, бунга биринчи навбатда ўзимиз, ёзувчилар айбдормиз. Олма пиш, оғзимга туш деб лалайиб ўтирмай фаоллик кўрсатиш керак. Лекин имтиёзларни ундирсак, эътиборни қозонсагу бўш ва саёз асарлар яратсак, ҳамма саъй-ҳаракатларимиз зое кетади. Чунки обрў ва эътибор келтирадиган нарса энг аввало пишиқ ва пухта, бадиий юксак асарлар!

Болалар адабиётига эътибор йўқлигининг яна бир сабаби ҳар бир ёзувчи биринчи навбатда ўз манфаатини ўйлайди: йўғонроқ китоб чиқариш, унвон ёки мукофот ундириш ва ҳоказо. Орзуси ушалса, тамом, эшагим лойдан ўтди, дейди-ю бошқа билан иши бўлмай қолади. Демак, ҳамжиҳат бўлиб умумий ишга жон ачитмас эканмиз, ҳамма уринишлар беҳуда.

С. БАРНО: — Маълумки, жуда кўп ёзувчилар илк машқини шеър ёзишдан бошлайдилар. Мен бу ерда адабиётшунос, танқидчиларни назарда тутмаяпман, уларнинг йўриғи бошқа. Улар шоир ёки ёзувчи бўлолмагач, аксар қисми бу йўлни танлаган. Сизнинг носир бўлишингизда аламзадалик йўқми?

Ф. МУСАЖОН: — Танқидчи ва адабиётшунослар ҳақидаги фикрингизга қўшилмасликка ижозат этасиз. Танқидчилар бадиий асар ёзиш қўлларидан келмагани учун аламзадаликдан ўз касбларини танлаганлар дейиш, менимча, анчайин мунозарали ва ноўрин гап. Биринчидан, умумлаштириш керак эмас, негаки танқидчининг ҳам яхши, ёмони бўлади. Иккинчидан, қўлидан бадиий асар ёзиш келмайдиганларнинг ҳаммаси ҳам танқидчи бўлавермайди. Бунинг учун ҳам қобилият ва шуур даркор. Касб танлашда гап кўп жиҳатдан кишининг хулқ-атвори, табиатига боғлиқ. Биров ҳосил яратишни, биров ўша ҳосилни еб мазасини аниқлашни яхши кўради. Хуллас, танқидчиларнинг феълида озгина тайёргарлик айёрлик хусусияти бор. Бошқача айтсак, биров кўп тер тўкиб меҳнат қилади, биров оз тер тўкиб ўша меҳнатни баҳолайди. Биров кимгадир ақл ўргатишни ўзига эп кўрмайди, биров кимгадир ақл ўргатмаса, туролмайди.

Энди менга келсангиз, назмга ҳам, насрга ҳам бирдек ҳурмат билан қарайман. Менга кўпроқ қўл келгани учун насрни танлаганман. Аммо ўзим учун гоҳи-гоҳида шеърлар ҳам машқ қилиб юраман.

С. БАРНО: — Сиз ҳам носир, ҳам драматург, ҳам киносценарист, орада ҳажвчи сифатида баробар фаолият кўрсатиб келяпсиз. Сизга қолса, қай бирини танлардингиз. Ёки бу иқтисодга боғлиқми?

Ф. МУСАЖОН: — Айниқса, кейинги пайтларда мени битта муаммо жуда қаттиқ қийнаяпти. Баъзида эрталабдан кечгача бошимни чангаллаб ўтириб, ёзмаганим қандай жанр, қилмаганим қандай ҳунар қолгани ҳақида ўйлайман. Афсуски, ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман. Болаларга ва катталарга ҳикоя, қисса, роман, шеър, интермедия, ҳажвия, пьеса, мақола, хабар, эссе, илмий иш, маърузалар, радио ва телекўрсатувларига матнлар, инсценировкалар, радиопьесалар, теленовеллалар — ҳаммасида куч синаб кўрдим. Корректор, адабий ходим, масъул котиб, муҳаррир, бош муҳаррир, артист, режиссёр, муаллим, кутубхоначи, радио ва телебошловчи, шарҳловчи, бадиий ўқиш устаси — барини қилиб кўрдим.

Агар жиддий гапирадиган бўлсак, мен ўзимни энг аввало ёзувчи деб ҳисоблайман. Турли жанрларда ёзишим — ижоднинг қирралари, турли касблар эса бари санъатга дахлдор, санъатнинг турлари. Демак, туб моҳияти билан битта иш қиламан.

Энди иқтисод масаласига келсак, илгарилари унинг измида бўлишга мажбур эдим. Ҳозир белимни анча бақувватлаб олганман. У ёғини сўрасангиз, мен ҳеч қачон иқтисоддан нолимаганман, аксинча, ҳамма вақт ўзимни таъминланган одам ҳис этаман. Нолимайман, борига барака қилиб яшайман. Кўп ёзувчилар нима учундир ўзларини қашшоқ қилиб кўрсатмоқчи бўладилар, мен тескариси, ўзимни бой ҳисоблайман. Демак, дил амри билан ёзаман. Аммо қалам ортидан кун кўрар эканман, пулни ҳам ўйлайман, албатта.

С. БАРНО: — Ҳозир ҳаммаёқ аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Нашриётлар эшиги берк. Рўзномалар энди ҳафтанома, ойномалар учойномаларга айланди. Бундан кейин болалар адабиётининг аҳволи қандай кечади? Бор ижодкорлар ҳам бу соҳани тарк этиб кетмасмикан? Сизнингча, нима қилиш керак?

Ф. МУСАЖОН: — Бўлаётган ўзгаришлардан шахсан мен мамнунман. Бундан буён мард майдонда синалади. Бозори чаққон мол ва асарлар сотилади, сифатсиз, хом-хатала, тумтароқ китобларнинг бозори касод бўлади. Илгарилари мансаби, унвони бор ёзувчилар ёстиқдай-ёстиқдай бемаза китобларни давлат ҳисобига бостириб чиқараверардилар. Энди қуруқ савлатларнинг, лўттибоз корчалонларнинг куни битди — улар ҳар соҳада пул қилишлари мумкин — аммо нафис адабиётда эмас. Халқ энди ўқийдиган нарсасини ўзи танлаб олади. Қийинчиликлар вақтинча, ваҳимага ўрин йўқ. Ҳозир ёзувчилар ғалвирда эланаётган пайт...

С. БАРНО: — Бу ҳасад эмас. Устозларимизнинг китоб чиқаришларида, унвонлар олишларида армони қолмади. Мана, сиз ҳам ҳademай олтмишни қоралайсиз. Сизларнинг ижодларингизга эътиборсизлик бизнинг авлодга ҳам қаттиқ таъсир қилди. Бунинг сабабларини нимада?

Ф. МУСАЖОН: — Ҳар бир ёзувчи ижодда ўз услуби ва овозига эга бўлишни орзу қилади, негаки ўхшашлик, тақлид бошланган жойда санъат тугайди. Мен ҳам ақалли битта жиҳатим билан бошқа ёзувчилардан фарқ қилишимдан мамнунман. Тенгдош ҳамкасбларимнинг деярли ҳаммаси унвондор, мен топтозаман. Инонинг, бу ҳам фазилат экан. Ҳамма ҳам турғунлик даврида чатоқ мафкурага хизмат қилмадим, коммунистларни мақтаб шаънимга доғ туширмадим, деб мақтанолмайман.

Ҳозир халқ орасида худди ўша коммунизм, социализм, совет турмуш тарзини, компартияни улуғлашдан ўзини тия олган адиблар иззатда. Аксар унвонлар қандай олингани ҳеч кимга сир эмас: садақа сўраб, лагандардорлик қилиб, пора бериб ёки зўравонлик қилиб ундириларди. Раҳбарларнинг кўнглини овлаб олганлар унвонларни.

Шубҳасиз, тақдирланганлар ичида унвонга лойиқ ва муносиб адиблар ҳам бор ва мен уларни чин юракдан ҳурмат қиламан.

Яна бир тоифа қаламкашлар борки, улар унвонга ўч — сендан қолиб кетаманми қабилида иш тутадиган, рақобат ҳиссига берилган ғайирлар. Ўзига ишонмайдиган, қобилиятсиз ва заковатсиз бу кимсаларнинг унвонга ўчлигининг боиси шундаки, улар асари билан ёзувчи эканлигини исбот қилолмаслигини сезиб, унвон билан исбот қилишга тиришади. Дарвоқе, яхши асардан бўлак ҳам ёзувчининг қобилиятини ўлчайдиган мезон бор. Адибда қобилият қанча кам бўлса, у шунча кўп ғайир бўлади, қобилият қанча кўп бўлса, шунча кам ғайирлик қилади. Холислик, яхши асардан завқлана билиш қобилият белгиси. Яхши асарнинг қадрига етмаслик, уни тан олишни истамаслик, билингки, ичи қоралик. Ичи қора одам қандай қилиб софдил инсон образини яратолади?

Гап шундаки, мукофотларни қалаштириб ташласа-ю, халқ китобини ўқимаса — ёзувчи учун бундан ортиқ фожиа йўқ. Демак, бор куч, ғайратни унвон ундиришга эмас, яхши асар ёзишга сарфлаш лозим. Йиллар ўтади, кейинги авлодни адибнинг олган мукофотлари эмас, ёзиб қолдирган асарлари қизиқтиради, шунга қараб ёзувчига баҳо беради.

Олтмишни қоралаб қолдингиз деяпсиз, унда орттирган тажрибамдан бир шингил келтиришга ижозат этинг. Ижод қовлиқмалик, жонсараклик, беҳаловатлик, шуҳратпарастлик, югур-югурни ёқтирмайди. Ижодга вазминлик, хотиржамлик, тоқат, ҳаловат ва ёлғизлик зарур. Шундай вазиятдагина у сифатли ва самарали бўлади. Бу ҳақиқатни аксарият адиблар фақат кексайганда тушунадилар, борди-ю тушунмасалар, билингки, улар ҳақиқий ижодкор эмаслар. Винобарин, эндиликда мен учун шуҳрат, унвон ва мукофотларнинг унчалик аҳамияти қолмади.

Ва ниҳоят унвонларга муносабатим ҳақида сўнгги сўз. Одамлар менинг ҳақимда «Вой Фарҳод Мусажонга ҳам унвон бериптими, нимасига?» деганларидан кўра, «Ие, наҳотки Фарҳод Мусажоннинг унвони бўлмаса?!» деганлари кўпроқ ёқади.

Хуллас, унвонга арзимай туриб унвон олгандан кўра, арзиган ҳолда эга бўлмаган маъқулроқ.

С. БАРНО: — Ўзбек болалар адабиётининг энг сара асари деб бугунги кунда қайси асарни тан оласиз?

Ф. МУСАЖОН: — Бу саволингизга жавоб беришга қийналаман. Чунки кейинги пайтда замонавий ўзбек адабиётини ўқишга на вақт, на ҳафсала, на хоҳиш бор. Минг афсус, лекин тўғриси шу.

С. БАРНО: — Асарларингиз тарғиб қилинмаслигининг сабаби нимада?

Ф. МУСАЖОН: — Асарларимни тарғиб қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайман... Худога шукр, дўкон пештахталарида чанг босиб ётган китобларим йўқ. Мактаб кутубхоналарида эса китобларим энг кўп ўқиладиганлар қаторида экан. Бундан ортиқ яна нима керак менга? Қанақа тарғиб?! Илоҳим, тарғибга муҳтож бўлмай.

С. БАРНО: — Сиз ҳажвда ҳам ўз кучингизни синаб кўргансиз. Адабиётнинг бу турига бўлган мойиллигингиз?

Ф. МУСАЖОН: — Мен соф маънодаги ҳажвчи бўлишни истамас эдим. Ҳаёт мураккаб, у ўкинч ва истироб, завқ ва қувончдан иборат. Бас шундай экан, бадиий асар ўша аянчли ҳис ва шавқли эҳтиросларни ўзида мужассам эттира олсин. Шу туфайли мен жиддий асарларимда сатирик қолатлар, ҳазилмутойиба бўлишига, ҳажвияларим замирида эса қайғу яширинган бўлишига интиламан. Ҳажвни мен енгил, беозор кулги деб тушунмайман. Бошқа тилдаги сўзларни бузиб талаффуз қилишга, бачкана ҳазилларга қурилган ҳажвияларни ёқтирмайман. Ҳажв ижтимоий илдизли бўлмоғи, қалтис муаммоларни, чиркин тузумни, бадкор раҳбарларни, барча иллатларни беомон савалаши лозим. Тагдор гаплар, нозик қочириқлар, аччиқ киноялар, заҳарли пичинглар, ўткир кинояларсиз мен ҳажвни тасаввур этолмайман. Сўнгги йилларда асосан катта жанрларда ишлаяпман, лекин уларнинг барчасида ҳажв уруғлари бор.

С. БАРНО: — Сиз кино санъатига деярли бор кучингизни сарф қилиб келяпсиз. Нега бизда арзигулик болалар фильми яратилмаяпти?

Ф. МУСАЖОН: — Янглишасиз, мен бор кучимни ҳар доим ёзувчиликка сарф қилиб келганман. Кино ҳавас. Болалар учун арзигулик фильм яратилмаётганининг сабабини аслида шу соҳага мутасадди раҳбарлардан сўрасангиз бўларди. Менинг шахсий фикримни билмоқчи бўлсангиз, бунинг сабаблари кўп: болалар учун сценарий ёзадиган ёзувчи йўқ, фильм оладиган режиссёр йўқ, пул ва маблағ йўқ. Болаларга фильм яратиш керак деб қайғурадиган бирорта идора, бирорта раҳбар, шу ишга жон ачитадиган, ҳафсала қиладиган инсон йўқ, болаларга фильм яратадиган мутахассисларни тайёрлайдиган бирорта ўқув юрти йўқ, хуллас йўқларнинг ниҳояси йўқ. Дарвоқе, болалар адабиётига эътибор йўғу киносига эътибор бўладими?

С. БАРНО: — Қайси мавзуда кўпроқ ижод қилишни истайсиз? Сизни бугун қайси мавзулар безовта қилади?

Ф. МУСАЖОН: — Санъат асарида, мен учун, мавзу ҳеч қачон бош мезон бўлмаган. Илгарилари сифат, бадиий савия билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди, долзарб, ҳозиржавоб мавзу танланса бўлди, асар яхши деб баҳоланарди. Ваҳоланки, санъат асари учун энг асосий шарт асарнинг бадиий савияси. Мавзу эскими, янгими, фонийми, боқиймими, долзарбми, ўткинчими бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Ҳамма гап шу мавзуни қандай ёритишда, санъаткорнинг маҳорати айнан шунда — мавзуни қандай талқин қилишда синалади. Дейлик, ҳайкалтарош оддий тошдан маъбуда ясади. Тош хом ашё, бошқача қилиб айтсак, мавзу. Ҳайкалтарошда маҳорат бўлса, тошни маъбудага — санъат асарига айлантира олади, бўлмаса, тош қиёфасини ўзгартиради-ю аслида тошлигича қолаверади.

Шулардан келиб чиқиб, саволингизга, мени у ёки бу мавзу эмас, инсонлар қисмати безовта қилади, деб жавоб бераман.

С. БАРНО: — Ўз ёзганларингиздан қониқасизми?

Ф. МУСАЖОН: — Сиз-чи? Қониқасиз! Мен ҳам. Ҳамма ёзувчилар ҳам ўз асарларини яхши деб ҳисоблайдилар. Сохта камтаринликни йиғиштириб қўйиб буни тан олайлик. Қониқмасак асарларимизни чоп қилдирмасдик. Қониқиш бошқа, аммо ўз асарларида баъзи нуқсонларни кўра билиш бошқа. «Даҳо»лик касаллигига чалинган ёзувчиларгина ўз асарларида ҳеч қандай нуқсон кўрмайдилар. Ҳақиқий қобилият соҳиблари вақт ўтгач ўз асарларидан камчилик топадилар ва қайта ишлайдилар. Ўзидан мамнунлик, тўрачилик, ўқиб-ўрганмай қўйиш, ўзига талабчанликни сусайтириш ёки йўқотиш ўша «даҳо»лик касалининг белгилари, симптоми. Энди менга келсак, асарларимнинг баъзилари ўзимга кўпроқ ёқади, баъзилари камроқ. Аммо ҳамма асарларимни (босилиб чиққанларини ҳам) қайта-қайта ишлаб сайқал беришни яхши кўраман. Қизиғи шундаки, бу юмуш — қайта ишлаш менга асло малол келмайди, аксинча, завқ ва қаноат бағишлайди, кўнглим ёришади.

Китобхоннинг ҳурматини қозонмоқчи бўлган адиб ўзига нисбатан қаттиққўл бўлиши керак.

С. БАРНО: — Қайси турдаги асарларни кўпроқ ўқийсиз. Ҳозир қандай асар устида ишлаяпсиз?

Ф. МУСАЖОН: — Мен асар турини ва овқатни танламайман. Овқат мазали, асар қизиқ бўлса, бўлди. Паққос тушираверaман.

Сўнгги икки ой ичида Дюренматт билан Солженитсинниинг танланган асарлар мажмуасини ўқиб чиқдим. Қўлимда тожик халқ мақол ва маталлари. Вақти-вақти луғат титкилашга тўғри келаётгани учун анчадан бери ўқияпман. Мақолларни оз-оз ўқиган маъқул. Келажак режаларга келсак, ҳеч қандай сир йўқ: анча-мунча босилмаган ҳикоялар ва битта кичик қисса бор, ўшаларга сайқал бериб, нашрга тайёрлаш. Ундан кейин, худо хоҳласа, битта фильм суратга олмоқчиман. Ўз сценарийим асосида. Сценарий тайёр.

С. БАРНО: — Болалар китобхонлиги ҳақида фикрларингиз?

Ф. МУСАЖОН: — Катталарнинг ҳам, болаларнинг ҳам ичида китоб ўқийдиганларнинг сони тобора камайиб кетяпти. Бу жаҳолатнинг олдини қандай олиш кераклигини айтишга мен ожизман.



ДЎСТЛАР УЧРАШГАНДА. Ёзувчилар Ёқуб Яквалхўжаев, Шодмонбек Отабоев, Мирза Карим ва шоир Миҳожиддин Ҳайдар. С. МАҲКАМОВ олган сурат

АДАБИЁТИМИЗНИНГ БИР ШОҲ КЎЧАСИ

ЕХУД «САРОЙ АДАБИЁТИ» ХУСУСИДА АЙРИМ ҚАЙДЛАР

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ БОЙ ТАРИХГА ЭГА бўлиши билан бирга тараққиёт йўлини босиб ўтди, унинг шу кунгача ҳал этилмаган муаммолари анчагина. Шулардан бири «сарой адабиёти» ёки «феодал-сарой адабиёти» масаласидир. «Феодал-сарой адабиёти» деганда биз подшоҳ саройида яшаб ижод қилган, шоҳга яқин, шоҳлик манфаатларини ҳимоя этувчи, куйловчи шоирларни тушунганмиз. Лекин бу адабиётни биз умумадабий жараён билан боғлаб, холис ўрганмаганмиз. Кўпроқ бу адабиётга биз юқоридан туриб, менсимай қараганмиз, унинг вакиллари доим камситиб келинган.

Бунинг бош сабаби адабиётга синфий нуқтаи назардан қараганимиз эди. Ош, нон, сув, туз синфий бўлмагани каби ишқ-севги, дўстлик, ғўзаллик, табиат ва унга муҳаббатни синфий деб бўладими? Тўғри, масалан, дўстлик, ўртоқлик синфий қараш, манфаат асосида юзага келиши мумкин. Бироқ бундай муҳаббат, дўстлик ғаразга асосланган бўлиб чиқмайдими? Бундай дўстликни холис, самимий деб бўладими?

Биз узоқ вақт ишқ ҳақида Хоразмий, Лутфий, Навоий, Мунис, Огаҳий, Муқимий ёзган шеърий ва насрий асарларни қабул қилган; эъзозлаган ҳолда бу мавзулардаги Ҳусайн Бойқаро, Убайдий, Амирий, Феруз каби шоирларимизнинг шеърларига бепарво қараб келдик. Масалан, Огаҳийнинг «Устина» радифли ғазалига юксак баҳо берганимиз ҳолда Ҳусайн Бойқаронинг (Ҳусайний) ҳам шу радиф билан бешта ажойиб ғазал яратганини, улар Огаҳийникидан асло қолишмаслигини ғанимадик. Ҳусайн Бойқаронинг «Ўртама» радифли ва бошқа ғазаллари ўз замонида ҳам, кейинги даврларда ҳам ишқий шеърнинг юксак намуналари эканидан қўз юмдик:

Оразинг меҳрин очиб,
жисмим аро жон ўртама,
Ошкора лутф этиб,
кўнглумни пинҳон ўртама.
Барқи ҳижрон нолдек
жисмимда басдур,
сен доғи,
Ваъдан васл айлабон,
эй аҳли ёлғон,
ўртама.

Шу билан бирга биз сарой шоирларини доим бошмаишатдан чиқмайдиган, инсоний дард-аламлардан фориғ кишилар, деб тасаввур этдик ва уларнинг ҳам ўз драмалари, фожиалари бўлганини тахт деб бола отасини, ота боласини аямаслигини, вақти келса бойлар ҳам йиғлаши мумкинлигини тушуниб етмадик. Агар бошқача бўлганида эди, Ҳусайн Бойқаро мана шу шеърини ёзмаган бўларди:

Эй ажал, осуда қил
ҳижрон балосидин
мени,
Бир йўли қутқар
улуснинг
можаросидин мени.
Заҳрим ошти ҳажр
боғида сиришку
оҳдин,
Қутқар, эй васл,
ул чаман обу
ҳавосидин мени.
Эй ажал, қўрқутма
ўлтургум дебон,
ўлтургасен —
Гар тирик топсанг
фироқининг
жафосидин мени...

Албатта, биз ҳамма подшоҳлар, адолатли бўлган ва адабиёт ривожига қайишган, деб айта олмаймиз. Хоразмшоҳ Отсиз томонидан Адиб Собир Термизийнинг бўйнига тош боғлаб Амударёга чўктирилиши, Субҳонқулихон томонидан Турди Фарағийнинг таҳқирланиши, Маҳмуд Қотоғон буйруғига биноан Машрабнинг дорга осилиши, Насруллахон жаллодлари томонидан Нодиранинг сўйилиб, Хозиқнинг боши танасидан жудо этилиши — буларнинг ҳаммаси тарихимиздаги қора доғлардир.

Лекин шу билан бирга ўзбек адабиётини феодал сарой муҳитида яратилган Бобурнинг «Бобурнома»сисиз, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»сисиз, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларисиз тасаввур эта оламизми? Агар Муҳаммад Ҳўжабек Хоразмийга мурожаат қилиб, унинг шеърий истеъдодини қадрламаганда, ундан ўзи учун ҳам, замондошлари учун ҳам дунёда қоладиган бир асар ёзишни илтимос қилмаганда «Муҳаббатнома» юзага келармиди? Мана, Муҳаммад Ҳўжабекнинг адабиётни қай даражада яхши кўрганини ёрқин кўрсатиб турувчи ширин-шакар сўзларига бир эътибор қилинг:

Кўнгул баҳринда кўп
гавҳарларинг бор,
Очунда порси
дафтарларинг бор.
Муҳаббат нардини
кўплардин ўттунг,
Шакартек тил била
оламни туттунг.
Тиларменким, бизинг тил
бирла пайдо —
Китобе айласанг бу қиш
қотимда
Ким уш елтек кечар
айёми фонийг,
Жаҳонда қолса биздан
армуғони.

Муҳаммад Ҳўжабек айтган бу сўзларнинг маъносини чақмай «Муҳаббатнома» тарихини тўла-тўкис билиш қийин. Шоир халқига эътиқод, меҳрибонлик бўлса, шунчалик бўлар, деб ўйлаймиз.

Умуман, ўзбек адабиёти ва адабий тилининг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда тараққиётида сарой адабиётининг хизмати жуда катта. Сарой шоирларининг шеърларида, хусусан, қасидаларида ҳукмдор қанчалик шукр, дўкон пештахталарида чанг босиб ётган китобларим йўқ. Мактаб кутубхоналарида эса китобларим энг кўп ўқиладиганлар қаторида экан. Бундан ортиқ яна нима керак менга? Қанақа тарғиб?! Илоҳим, тарғибга муҳтож бўлмай.

С. БАРНО: — Сиз ҳажвда ҳам ўз кучингизни синаб кўргансиз. Адабиётнинг бу турига бўлган мойиллигингиз?

Ф. МУСАЖОН: — Мен соф маънодаги ҳажвчи бўлишни истамас эдим. Ҳаёт мураккаб, у ўкинч ва истироб, завқ ва қувончдан иборат. Бас шундай экан, бадиий асар ўша аянчли ҳис ва шавқли эҳтиросларни ўзида мужассам эттира олсин. Шу туфайли мен жиддий асарларимда сатирик қолатлар, ҳазилмутойиба бўлишига, ҳажвияларим замирида эса қайғу яширинган бўлишига интиламан. Ҳажвни мен енгил, беозор кулги деб тушунмайман. Бошқа тилдаги сўзларни бузиб талаффуз қилишга, бачкана ҳазилларга қурилган ҳажвияларни ёқтирмайман. Ҳажв ижтимоий илдизли бўлмоғи, қалтис муаммоларни, чиркин тузумни, бадкор раҳбарларни, барча иллатларни беомон савалаши лозим. Тагдор гаплар, нозик қочириқлар, аччиқ киноялар, заҳарли пичинглар, ўткир кинояларсиз мен ҳажвни тасаввур этолмайман. Сўнгги йилларда асосан катта жанрларда ишлаяпман, лекин уларнинг барчасида ҳажв уруғлари бор.

С. БАРНО: — Сиз кино санъатига деярли бор кучингизни сарф қилиб келяпсиз. Нега бизда арзигулик болалар фильми яратилмаяпти?

Ф. МУСАЖОН: — Янглишасиз, мен бор кучимни ҳар доим ёзувчиликка сарф қилиб келганман. Кино ҳавас. Болалар учун арзигулик фильм яратилмаётганининг сабабини аслида шу соҳага мутасадди раҳбарлардан сўрасангиз бўларди. Менинг шахсий фикримни билмоқчи бўлсангиз, бунинг сабаблари кўп: болалар учун сценарий ёзадиган ёзувчи йўқ, фильм оладиган режиссёр йўқ, пул ва маблағ йўқ. Болаларга фильм яратиш керак деб қайғурадиган бирорта идора, бирорта раҳбар, шу ишга жон ачитадиган, ҳафсала қиладиган инсон йўқ, болаларга фильм яратадиган мутахассисларни тайёрлайдиган бирорта ўқув юрти йўқ, хуллас йўқларнинг ниҳояси йўқ. Дарвоқе, болалар адабиётига эътибор йўғу киносига эътибор бўладими?

С. БАРНО: — Қайси мавзуда кўпроқ ижод қилишни истайсиз? Сизни бугун қайси мавзулар безовта қилади?

Ф. МУСАЖОН: — Санъат асарида, мен учун, мавзу ҳеч қачон бош мезон бўлмаган. Илгарилари сифат, бадиий савия билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди, долзарб, ҳозиржавоб мавзу танланса бўлди, асар яхши деб баҳоланарди. Ваҳоланки, санъат асари учун энг асосий шарт асарнинг бадиий савияси. Мавзу эскими, янгими, фонийми, боқиймими, долзарбми, ўткинчими бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Ҳамма гап шу мавзуни қандай ёритишда, санъаткорнинг маҳорати айнан шунда — мавзуни қандай талқин қилишда синалади. Дейлик, ҳайкалтарош оддий тошдан маъбуда ясади. Тош хом ашё, бошқача қилиб айтсак, мавзу. Ҳайкалтарошда маҳорат бўлса, тошни маъбудага — санъат асарига айлантира олади, бўлмаса, тош қиёфасини ўзгартиради-ю аслида тошлигича қолаверади.

Шулардан келиб чиқиб, саволингизга, мени у ёки бу мавзу эмас, инсонлар қисмати безовта қилади, деб жавоб бераман.

С. БАРНО: — Ўз ёзганларингиздан қониқасизми?

Ф. МУСАЖОН: — Сиз-чи? Қониқасиз! Мен ҳам. Ҳамма ёзувчилар ҳам ўз асарларини яхши деб ҳисоблайдилар. Сохта камтаринликни йиғиштириб қўйиб буни тан олайлик. Қониқмасак асарларимизни чоп қилдирмасдик. Қониқиш бошқа, аммо ўз асарларида баъзи нуқсонларни кўра билиш бошқа. «Даҳо»лик касаллигига чалинган ёзувчиларгина ўз асарларида ҳеч қандай нуқсон кўрмайдилар. Ҳақиқий қобилият соҳиблари вақт ўтгач ўз асарларидан камчилик топадилар ва қайта ишлайдилар. Ўзидан мамнунлик, тўрачилик, ўқиб-ўрганмай қўйиш, ўзига талабчанликни сусайтириш ёки йўқотиш ўша «даҳо»лик касалининг белгилари, симптоми. Энди менга келсак, асарларимнинг баъзилари ўзимга кўпроқ ёқади, баъзилари камроқ. Аммо ҳамма асарларимни (босилиб чиққанларини ҳам) қайта-қайта ишлаб сайқал беришни яхши кўраман. Қизиғи шундаки, бу юмуш — қайта ишлаш менга асло малол келмайди, аксинча, завқ ва қаноат бағишлайди, кўнглим ёришади.

Китобхоннинг ҳурматини қозонмоқчи бўлган адиб ўзига нисбатан қаттиққўл бўлиши керак.

С. БАРНО: — Қайси турдаги асарларни кўпроқ ўқийсиз. Ҳозир қандай асар устида ишлаяпсиз?

Ф. МУСАЖОН: — Мен асар турини ва овқатни танламайман. Овқат мазали, асар қизиқ бўлса, бўлди. Паққос тушираверaман.

Сўнгги икки ой ичида Дюренматт билан Солженитсинниинг танланган асарлар мажмуасини ўқиб чиқдим. Қўлимда тожик халқ мақол ва маталлари. Вақти-вақти луғат титкилашга тўғри келаётгани учун анчадан бери ўқияпман. Мақолларни оз-оз ўқиган маъқул. Келажак режаларга келсак, ҳеч қандай сир йўқ: анча-мунча босилмаган ҳикоялар ва битта кичик қисса бор, ўшаларга сайқал бериб, нашрга тайёрлаш. Ундан кейин, худо хоҳласа, битта фильм суратга олмоқчиман. Ўз сценарийим асосида. Сценарий тайёр.

С. БАРНО: — Болалар китобхонлиги ҳақида фикрларингиз?

Ф. МУСАЖОН: — Катталарнинг ҳам, болаларнинг ҳам ичида китоб ўқийдиганларнинг сони тобора камайиб кетяпти. Бу жаҳолатнинг олдини қандай олиш кераклигини айтишга мен ожизман.

Абдуқодир ХАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ҳамиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари доктори.

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи Муҳаббат Элбоева эндигина ўн саккиз баҳор остонасини ҳатлай деб турибди. Унинг болалик ҳақидаги тасаввурлари ҳали **«райҳон баргида кулиб турган шабнамдек»** тоза. Ўзи эса **«ғафлат уйқусини бузгудек улкан қўнғироқ топмоқ»** илинжида шеърлар машқ қилади. Энг муҳими, ҳали сайқалга муҳтож мисраларидан самимият уфуриб туради. Шу боис у кўз ёшларини **«майсанинг юзига артади»**. Шу боис **«ҳасратн битмаган туннинг қоп-қора сочларини қирқиб олгиси»** келади.



Муҳаббат қалбидаги куюнчак куртаклар йиллар оша гул очса ажаб эмас. Ҳозирча унга шеъриятнинг машаққатли сўқмоқларида фақат омад тилаб қоламиз.

Муҳаббат ЭЛБОЕВА

Наҳотки ёлғондир баҳор келгани

Туганмас булоғим — кўз ёшларимни,
Сенингмас, майсанинг юзига артдим.
Юракни тарс ёриб чиққан қўшиқни,
Йўқ, йўқ сенга эмас, елларга айтдим.
Майса юзидаги шабнам — кўз ёшим/
Кимгадир берди завқ, маъюс боқди ким.
Еллар қанотида учган қўшиғим
Кимлардир хўрсинди тинглаб туриб жим.
Сен эса барисин кўкламга йўйдинг...
Уятдан қизарди ўрик гуллари.
Бир алам ўртади осмон юрагин.
Наҳотки ёлғондир баҳор келгани...
...Наҳотки йўқ менинг сенга керагим?!

Болалигим

Болалигим — райҳон баргида,
Кулиб турган бир томчи шабнам.
Оппоқ тонгнинг ширин бўйидан,
Тўйиб-тўйиб симирилган дам.
Болалигим — кўкда тизилиб,
Мозий томон йўл олган оққуш.
Ҳайратларин тонгга топшириб,
Уйғонмоққа шайланган бир туш.
Болалигим — олис тоғларда
Лов-лов ёнган қирмизи лола
Уз исмини тинмай ахтариб
Уфқ сари чопаётган бола —
Болалигим...

Бир жуфт кўз бор остонанг узра

Бир жуфт кўз бор остонанг узра,
Чўкка тушган бир жуфтгина кўз.
Кузатаркан сени ҳар тонгда,
Тилаб қолар бир мулойим сўз.


Кетаркансан сўзсиз, паришон,
Юзларингни ўпиб қолади.
Елғизликда ўртаниб бу жон,
Сенга инсоф тилаб қолади.

Сенга инсоф тилаб қолади,
Ўзига-чи, метиндан сабр
Тошни ёриб чиққан чечакни
Ва таъзимга эгилган бошни,
Топтамоқлик... гуноҳ-ку ахир?!

●

Бир юрт бор аршдами-аълода
Қўксини чаманлар қоплаган.
Бир юрт бор бу ёруғ дунёда
Хиёнат эшигин қоқмаган.
Бир юрт бор тонгдан-да мусаффо,
Шабнамдан гўзалдир хаёли.
Тиз чўкиб турса-да пойида дунё,
Покликдур ягона аъмоли —
Туну кун сени деб яшарман
Қайдасан, о жаннат тимсоли?!.

Танишинг: ЯНГИ НОМЛАР



Раҳимжон РАҲМАТ

●

Дарахтнинг шохидан узилган япроқ
Юракни мўлжалга олиб учяпти
Ҳар куни шом пайти кўнгил боғимдан
Гала-гала қувноқ қушлар кўчяпти.
Бу дарё бағрига мисоли чўғдай
Чўкиб бормоқдаман ожиз, норизо.
«Уҳ» торта бошладим узун ва узун,
Ниҳоят жонимдан ўтди бу жазо.
Мени суяб турган тоғлар қулади,
Боғларимга ҳоким бўлиб олди куз.
Нурини бутунлай таратиб бўлди
Менга йўл кўрсатган чароғон юлдуз.
Дарёлар сувини ичиб тугатдим,
Ичимда битта ҳам кўкармади гул.
Синдирдим минг битта кишан, қафасни
Ва лекин қалб қушим ҳамон маҳкум, қул.

Узимнинг ўлигим қўлим остида
Итнинг мурдасидай қаровсиз ва хор.
Юки йўқ карвонни равон йўл бўйлаб
Бир қарич тортгувчи қудрат қайда бор?
Қариганда турмуш ташвиши эзган
Кимсадай одамга боқаман маҳзун.
Уйлайман: севгию гулларга қиёс
Одамзоднинг умри нақадар узун.
Тоқати тоқ бўлган орзу ва истак
Қўнгилни тарк этиб кетдилар бир-бир.

Қаро ер қаърини макон этмасдан
Мен нега тентираб юрибман ҳозир?
Дарахтнинг шохидан узилган япроқ
Юракни мўлжалга олиб учяпти.

●

Бир кимсанинг илиқ меҳрига
Ортиб борар экан зорлиги
Ёши ўтган сайин одамнинг.
Сокин оққан дарё сингари
Тиниқ тортиб қоларкан ўйи
Ёши ўтган сайин одамнинг.
Тану жонин тарк этиб баҳор
Кўчиб ўтар экан ёдига
Ёши ўтган сайин одамнинг.

●

Қашқир мурдасидай беозор бўлиб,
Чирик кавакдаги оппоқ қор бўлиб.
Сойда бўртиб турган тошга ёр бўлиб,
Юракка санчилган тиғ-қарор бўлиб,
Сени севдим.
Ишонган тоғларинг паст янтоқ бўлгач,
Дов-дарахт унмаган бўш қирғоқ бўлгач,
Кўлмак сув хўплаган шўр тупроқ бўлгач,
Шохидан узилган бир япроқ бўлгач,
Мени севдинг.

Бугун сизга шеърлари ҳавола этилаётган йигит, ҳатто мажбур қилсангиз ҳам, шоирликни ўзига касб қилиб олмайди. Бугунги танишувдан сўнг унинг шеърларини йил давомида бошқа ўқимасангиз ҳам, ҳайрон бўлманг. Йўқ, у ижодни ташлаб юборган бўлиб чиқмайди, балки фикр ва туйғуларини бошқа шаклларда, масалан, талабалар шаҳарчасидаги ётоқхонада уч-тўрт шеърпараст-санъатсевар дўстларига минг машаққат билан эгилиб изҳор этаётган (унинг бўйи ҳаддан зиёд баланд!) ёхуд чоп этилиши шарт эмас деб билгани серташбеҳ мақолаларига тўкаётган бўлиб чиқади.

Кўп тенгдошларидан фарқли Раҳматжон «оқ йўл» учун сарғайиб юрадиганлардан ҳам эмас. Манави шеърларни ҳам уч-тўрт жиддий талаб қилганимдан кейингина берди.

Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ

ЖИҲОД

МАНСУРА

— Сизни биров туртиб турмаса, ўз ихтиёрингиз билан бир иш қилмайсиз, — деди устозим. — Сизга нон едириш учун сариёғ керак. Сизга ош едириш учун дори керак, турп керак. Дўстни йўқлаб бориш зарурлигини кимдир эсингизга солмаса, ҳеч қачон ўз ҳолингизча йўқлаб бормайсиз. Бошига иш тушган танишингизнинг юкини енгиллатишни ҳатто хаёлингизга келтирмайсиз. Лекин кимдир унинг юкини енгиллатиш керак эди деб айтса, сиз албатта, ўрнингиздан қўзғаласиз... Ва ҳоказо. Табиатингиз шундай. Биров туртмагунча бир ишга жазм этмайсиз...

Оғир ботди устозимнинг бу таҳлили. Бу таҳлилни эшитганда, ёшим қирқдан ўтган, балки қирқ учга етган эди. Одам боласининг айни ўзгарадиган пайти. Янги дўстлар сайлайдиган, эски ошналардан айнайдиган ва кўпинча атрофдагилар уни шунинг учун танимай қоладиган палла. Буни тушунмасангиз, дўстим менга хиёнат қилди, деб куюниб юраверасиз. Ҳолбуки, дўстингиз сизга хиёнат қилгани йўқ. У янги давра, янги иш топди, холос. У маълум муддат энди шу янги даврада бўлади. Куйинманг. Бирор мучал ўтиб у яна сизнинг даврангизга қайтади. Лекин энди сиз қишнинг сувига қўл юваётган бўласиз. Асил одамларнинг қадри энди сизга тўла намоён бўлади ва ҳаддан ташқари билинади атрофингизда асил одамларнинг йўқлиги. Лекин худди шу паллада ёнингизда бир неча, йўқ деганда, биттагина асил одам садоқат билан турса, бу сизга ҳаётнинг энг буюк инояти ва совғаси деб билинг.

Одамлар кўпинча манфаатлар боис дўст тутинадилар ва бир-бирларига яқинлашадилар. Дўст тутинсаму бирор наф кўрсам, аҳволимни яхшиласам, давлатмандлик оҳурига шерик бўлсам, қулай амалга минсам, болаларимнинг тақдирларини таъминласам дейдилар. Бу нарса кўнгилнинг тубида бўлади ва одамнинг барча сайъ-ҳаракатларини йўлга солади. Бу ғоятда табиий ҳодиса. Бунинг учун одамларни айблаб бўлмайди. Ахир, бирodарлар, кимнинг яхши яшагиси келмайди. Ким ошиғи олчи, омадёр бўлиб юришни истамайди. Айниқса, қирқ ва қирқнинг ўртасига етганда бу истак қаттиқ забтга олади. Манфаатли ҳаётга эришиш турмушингизни шиддат билан ўзгартиради. Ҳатто болаларингиз тақдирларини ҳам ўз ҳолига қўймайсиз. Уларнинг тақдирларини ҳам зудлик билан манфаатли йўлга буриш пайида бўласиз. Улар ўз қобилиятлари ва хоҳишларига кўра эмас, сизнинг жўш урган манфаатларингизга кўра ўқиш ва ишнинг бошини тутадилар. Тўғрироғи, сиз уларга ўзингизча қулай бўлиб кўринган ўқиш ва ишнинг бошини тутқизасиз.

Устозим таҳлилидан сўнг, мен шу ҳақда ўйландим. Нега ҳеч бир ишни ўз ихтиёрим билан мустақил қилолмайдиган бўлиб қолганлигимнинг сабабларини қидирдим.

Нега мен доим ҳомий қидираман? Ахир, ҳамма-ҳамма нарсам бор. Худо мени беҳад бадавлат қилиб яратган. Ақлдан қисмаган, кучдан қисмаган, ер-сувдан, ҳосилдор ерлардан, хазина тоғлардан, хазина саҳролардан қисмаган. Еримнинг ярмидан кўпи саҳро деб ўксимаслигим керак. Чунки ҳали Худо беради, одам боласи учун саҳродан ҳам гўзалроқ ва бойроқ гўша йўқдир. Қўлим ҳар жойга етади.

Шундай экан, нега яна ҳомий излайман? Суянчиқ қидираман? Мени фалончи ҳимоя қилмаса, яшагандай бўлмайман? Фалончининг ҳимоясига ишонсамгина ўзимни дадил тутаман? Наҳот мен шунчалар ялангоч-ман? Наҳот фалончининг қаноти тагига кирмагунча миқ этиб оғиз очолмайман? Фалончининг қаноти тагидан ялангоч бўйнимни чиқариб қичқирмагунча қичқиргандай бўлмайман? Раббим, менга нима бўлган, ахир?

Балким менинг феълим бут, табиатим тўкис эмасдир? Вужудим ва руҳимни турли камчиликлар ва етишмовчиликлар кемириб ётгандир? Балки шунинг учун ўзимга ишончим йўқдир? Ундай бўлса, қаерда йўқотганман бу ишончни? Нимага бой берганман?

Бу саволларимга тарихимдан осонгина жавоб топаман. Ўзимни ўзим шу билан овутмоқчи ва юпатмоқчи бўламан. Ахир, мен бошимни силашларини, мени мақтаб қўйишларини, олқишлашларини жуда-жуда истайман-да. Лекин устозим менинг феълимни андак таҳлил қилгандан сўнг мен тарихдан ўзимни оқлайдиган холис ва қулай баҳоналар қидирмай қўйдим. Буни инсонлик шаънимга муносиб билмадим.

Саволларимга жавобни табиатимдан қидириб кўрсам-чи? Табиатимдан, феълимдан, ўзлигимдан топилармикин жавоблар?

Мен ниҳоятда кўп қийналиб яшадим. Қийинчиликлар бошимга дўлдай ёғилди ва охири жонимга тегди. Мен уларга алоҳа кўникдим ва жўнгина яшашга ўргандим. Ҳеч нарса ҳақида бош қотирмаслик менинг шиорим бўлиб қолди. Мени топтаб ўтсалар ҳам, ҳақорат қилсалар ҳам, устимдан ҳукм юритсалар ҳам, қандай яшашимни кўрсатиб берсалар ҳам, индамадим. Ўзимча жўнгина яшайвердим. Бора-бора мен бутунлай юрагимдаги ўтни ҳам, жанговарлигимни ҳам йўқотдим. «Қаттиқ тегманг менга, мингбошим...» деган ялинчоқ, ғурур топталган шиғирлар айтдим. Худо кечиролса, кечирсин мени. Гуноҳларим беҳад кўп. Худо кечирсин мени. Ғуфрон суйида ювсин мени. Неча юз йил ювса ҳам майли, фақат ғуфрон сувида чўмилтирсин мени!..

Мен ўзимни ўзим қоралашни ғоятда ёмон кўраман. Худо кўрсатмасин! Ўзини ўзи қоралайдиган одам жуда ожиз одам бўлади. Чунки у ўзини қоралашдан ўзга чора тополмайди. Ўзини ўзи қоралаш Яратганга ҳам ёқмайди. Чунки бу Яратганнинг яратганига ишончсизликдан бошқа нарса эмас.

Йўқ, мен ҳеч қачон ўзини қоралашни хоҳламайман. Бундай қилувчиларни тингламайман, улардан ўзимни йироқ тутаман. Ўзини ўзи қоралаш чорасизлик ва умидсизликнинг энг баттолидир.

Мен муттасил ўзимни ўзим туртиб тураман. Ўзимни ўзим муттасил огоҳлантираман. Ўзимни ўзим тирик бўлишга, ўзимни ўзим уйғоқ бўлишга туртиб тураман. Дилимда қатиққўл ва аёвсиз нозирим сергак туради.

Устозимнинг таҳлилидан сўнг мен ўз-ўзимга шу Нозирни яратдим. Нозир дилимдаги пароканда-ликни енгиб боряпти. Дилимдаги бу Нозир ташқаридан, Ердан, Самодан тўхтовсиз нидолар қабул қилади. Бамисоли буюк радиотелескоп каби барча нидоларни қайд этади. Тўғри, уларнинг ҳаммасини таҳлил этолмайди, тушунтириб беролмайди. Лекин қайд этади ва эътиборга олади, ўз билим китобига ёзиб қўяди.

Устозимнинг пандидан сўнг мен аввало пароканда-ликни ўзимга энг қаттол ғаним деб билдим. Нега дейсиз? Пароканда-лик нима ўзи?— дейсиз. Пароканда-ликни тушунтириш осон. Енгиш ва тугатиш қийин.

Биласизми, мен асли яратилишдан жўн ҳам, жоҳил ҳам, лақма ҳам, бефаросат ҳам, қўрқоқ ва ювош ҳам эмасман.

Мен, эсимни таниганимдан бери илмга, маърифатга интиламан. Ҳарф ўрганганман. Тошбитиклар битганман. Хотирамни сақлаганман. Маърифат қидириб жаҳон кезганман.

Қачон енгилган бўлсам, жўнлашган, жоҳил тортган бўлсам, барини пароканда-ликдан ортирганман. Тарқоқлик менинг кучимни қирққан. Тарқоқлик акам билан, укам билан, қавм-қариндошларим билан, дўст-ёронларим билан мени ёв қилиб қўйган, мен улардан узоқлашиб кетганман, уларнинг қулфатларидан севинадиган ва хурсандчиликларидан қайғурадиган бўлиб қолганман. Тарқоқлик ҳар қандай мағрур ва жанговар халқни ҳам енгади. Бунга ишончингиз комил бўлсин. Тарқоқлик бир замонлар яҳудийларни енгди. Ўшандан бери улар ҳамон жаҳон пучмоқларида тарқалиб юрадилар. Тарқоқлик бир замонлар арабларни ҳам енгди. Улар ҳамон ўша енгилиш машаққатидан қутулган эмаслар. Тарқоқлик форсларни ҳам, русларни ҳам енган. Тарқоқлик америкалик ҳиндулар бошларига туғанмас кулфатлар солган, тарқоқлик турк элларини эзиб ташлаган, улар мажақланган ўринларидан энди туриб келаётирлар.

Ана шу тарқоқлик...

У одамнинг руҳиятида беҳад оғир излар қолдиради. Тарқоқлик қайси халқнинг бошига тушибдики, у билади: тарқоқлик юртфурушлар, тилфурушлар, одатфурушлар ва бошқа яна бир неча турли-туман «фурушфурушлар» учун энг қулай, энг яхши шароит яратиб берган.

Тарқоқлик балосига гирифтор бўлмаган халқдан ҳеч қачон юртфуруш чиқмайди, чиқмаган...

Кеча катта бир халқнинг арбоби тушунтирипти: биз кичик элларни ҳеч қачон босиб олмаганмиз. Уларнинг ўзлари уч юз йилдан бери қулоқ-миямизни еб келадилар: бизни ўз бағрингизга олинг, ерларимизни ерларингизга қўшиб олинг деб! Мана, уларга озодлик тегди. Яна бир-бирлари билан тўхтовсиз урушаётирлар, ер талашиб, обрў талашиб! Урушиб-урушиб, ўғлонларини қириб-қириб сўнг яна бизнинг қулоқ-миямизни ейдилар: сизсиз яшолмаймиз. Энди бизни ўзингизга қўшиб олинг. Бизга пушт-паноҳимиз бўлинг! Қараб туринг, улар келажакда албатта шундай қиладилар. Биз ҳеч кимни босиб олмаганмиз. Ўзлари сўрашган, илтимослар қилишган...

Тарқоқлик ва ожизликдан келадиган жуда оғир таъна мана шу. Хўш, олдин ожизлик бўлганми ёки тарқоқлик? Қай бири олдин бошланган? Аввалда ожизлик бўлган. Аввалда ожизлик бошланган. Тарқоқлик ожизликдан туғилган. Улар замон-замонлар ўтиб ҳам ҳеч қачон бири-биридан ажралмайди, бири-бирига вафосизлик қилмайди. Лекин ожизлик шаҳзода. Тарқоқлик подшоҳ. Ожизлик тарқоқликни подшоҳ қилиб кўтарган. Улар бир-бирларидан ажралмас бўлиб боғланганлар.

Шу Ожизлик ўғли Тарқоқлик юрагимни ҳам ўймалаб ташлаган. Пароканда-лик хаёлларимга, фикрлаш йўсинларимга, миямнинг ҳолатларига кўчган. Фикрларимни бир ҳодиса устида жамлаб олишим жуда қийин. Катта ишларга жазм қилишим ниҳоятда оғир кечади. Сал нарсага бошим қотади. «Бош қотиши» ва ҳар дамда «бошимни қотирма» деб туришим ҳам тарқоқликка ўрганиб қолганимдан, тўғрироғи, пароканда-ликнинг ожиз қулайликларини бой беришдан чўчиганимдан.

Шунинг учун ҳар ишда дарров суянчиқ қидираман. Бир иш бошламасдан бурун дарров хомийнинг қошига чопаман. Худо кўрсатмасин, ҳомий мендан юзини ўгирса, нима қиламан? Қўлимдан нима келади? Шунинг учун унинг паноҳида, унинг ҳар қандай хизматларини қилиб кун кўрганим маъқул дейман. Нима қилиб бўлмасин, суянчиғим ва ҳомийнинг кўнглини олиш пайида бўламан. Нима қилиб бўлмасин... Ҳар турли устамонликларим ва ялтоқланишларим ҳам шундан.

Йўқ, бас!

Устозим дашном бергач, қидириб-қидириб касалимни топдим. Менга эндиликда суянчиқ ва ҳомий керак эмас. Менга юрагимдаги Нозир керак. Юрагим ва фикримга пароканда-лик эмас, қудратли огоҳлик керак.

Юрагимда тўла ва умумий жиҳод бошладим.

Қандай яшадим?

Қандай яшайман?

Қандай яшашим керак?

Нега умрда ҳосилдор дамлардан кўра ҳосилсиз дамлар кўпроқ бўлди?

Энди ҳар кун, ҳар соат, ҳар сония қўлим, кўзим, дилим, тилим, бошимдан сўрайман: Аллоҳнинг жаннатига келиб не ҳунар қилдинг?

Қай эзгу жиҳодни бошладинг?

Энди қўлимдан сўрасам, қўлимнинг тарихини ёзайми?

Оёғимдан сўрасам, оёғимнинг тариҳини ёзайми?

Нигоҳимдан сўрасам, нигоҳнинг тарихини ёзайми? Нималарни кўриб ўтдим, неларни кўролмай ўтдим?

Баҳор айқириб ётарди. Баҳор шамоллари гувиллар ва ўрик гули япроқларини осмонда паррон ўйнарди.

Устозимнинг ўгитларини ўйлай-ўйлай боқа кириб бордим. Сўқмоқни кесиб ўтган ариқдан сакраб ўтарда кўзимга шарр этиб ғўдир шох урилди. Хаҳ! Мундоқ қарасам, шафтолининг шохи. Навданинг бошидан оёқ, гуж бўлиб ғунчалар бўртиб турарди. Йигитчалар кўзларига қўнган говмиччалардай... Балки ундаймас. Фақат ойдай тўлган келинчакларгина чимилдиқдан шундай бўртиб чиқадилар.

— Кечир, шафтоли. Пайқамабман сенинг шонли ғунчаларингни.

Кўзимга суртаман ғаюр қорайган навдаларни. Улар ҳеч кимдан сўраб ўтирмай шунча қудрат билан гул очяпти. Бир зум бурун у мен бепарвонинг кўзимни чиқармоқчи бўлди, ахир.

— Эй хаёли тўзғиган, ўтма, ўтма пайқамай бу азал гўзалликни! Ҳатто гуллаган дарахт ёқтирмас хаёлпароканда-ни!..

Пардадаги қизлар каби бутоғида гуж жойлашган ғунчалар кўзларимга урдилар:

— Тарк айла қабоҳатни!

ТОҒАЙ МУРОДНИНГ ҚЎШИҚЛАРИ

Кечагина ёш ёзувчи, бошловчи ёзувчи, деб юрган қаламкашларимиз эндиликда насримизнинг етакчи ижодкорлари бўлиб қолдилар.

Тоғай Мурод ана шу ижодкор авлоднинг талантли вакилидир.

Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди.

Тоғай Мурод қиссалари соф миллий ўзбек қиссалари. Тоғай Мурод қиссаларида тасвирланган одамларга бошқа ҳалқ либосини кийдирсангиз ҳам ўзбеклиги билиниб турадн. Уларнинг хулқ-атвори ҳам бошқа халққа асло ўхшамайди.

Шу вақтгача қиёфаси ноаниқ, бири биридан фарқ қилмайдиган, шапка кийдирсанг рус, қоракўл папақ кийдирсанг озарбойжон, телпак кийдирсанг қозоқ, ёқасига каштa тикилган кўйлак кийдирсанг украин бўлиб кетаверадиган тахминий одамлар қиссаларимизнинг асосий қаҳрамонлари бўлиб келди. Бу ўз халқининг миллий урф-одатларини, ҳиссиётларини билмасликдан бўлди, сўқир кўнгиллик, сўқир кўзликдан бўлди.

Биз Абдулла Қодирийни салкам етмиш йилдирки, бошимизга кўтариб келамиз. Бунга сабаб, Қодирий миллий қаҳрамонлар яратди. Отабек ҳам, Юсуфбек ҳожи ҳам, Офтоб ойим ҳам, Солиҳ Махдум ҳам асло такрорланмас образлардир. Бу кишилар тўғрисида Қодирий таъкидламаса ҳам ўзбеклигини биламиз.

Тургенев, Гоголь, Толстой рус халқини бутун бор бўйи билан тасвирлаган буюк ижодкорлардир. Нехлюдовга дўппи кийдирсанг, Каренинага паранжи ёпинтирсанг, ўзбек бўлиб қолмайди. Толстой уларни қон-қони билан, ўй-хаёллари билан, гап-сўзлари билан рус қилиб яратди.

УСТОЗЛАР ШОГИРДЛАР ҲАҚИДА

Бундай асарлар яратиш учун адиб рассомдек рангларни бир-биридан фарқ қиладиган, бастакордек товушларни тиниқ эшитадиган бўлиши керак.

Тоғай Мурод ана шундай рассом адибдир, ана шундай бастакор адибдир.

Мана, у «От кишнаган оқшом»да отни қандай тасвирлайди:

«Биродарлар, ўзи, Бўз от қандай бўлади? Сурпдай оппоқ бўлади. Бордию аждодида бўлса, тўққизга тўлганда Тарлон бўлади. Тўқиз ёшида Бўзнинг баданида холдай-холдай қора доналар пайдо бўлади. Шундан бошлаб у Бўз эмас, Тарлон от бўлади. Тарлон — хол-хол от! Тарлон — отлар сараси.

Биродарлар, Тўриқ отнинг юздан бири яхши бўлади, Тарлон отнинг юздан бири ёмон бўлади!

Биродарлар, от танимасанг, Тарлон ол!..»

Талантли адиб қаламидан тўкилган ушбу сатрларни ўқирканман, хаёлимдан бир гап ўтди.

«Дом»да яшаб умрини ўтказган шаҳарликларни ўйладим. Инсон боласининг узоғини яқин, мушкулини осон қилган бу жониворни фақат циркда, кинода кўрган шаҳарлик укаларимизга адибнинг бу сўзлари қанчалик таъсир қилишини биламан. Шаҳар болаларининг табиатдан, жониворлардан қанчалик узоқлашиб қолганликларига ачиниб кетаман.

Тоғай Мурод отни шу қадар меҳр билан таърифлайдики, адиб қўшиқ айтаётибди деб ўйлайсиз. Адиб кўнгли китобхон кўнглига кўчиб ўтади. От миниб адирларда елдай учингиз, от ёлларини силагингиз келади.

«Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамга эл бўлмайди! Темирнинг юраги йўқ-да! От одамга эл бўлади! Боиси, отнинг жони бор, юраги бор-да!»

Тоғай Мурод тасвирлаган чавандозлар хиёнат кўчасига кирмаган, одамларга фақат яхшилик раво кўрадиган асл ўзбеклардир.

Тоғай Муроднинг Тарлони Толстойнинг Холстомери. Айтматовнинг Гулсариси қаторига келиб қўшилди.

Бу гапимга баъзи бир танқидчилар жиндек ғашлик қилар? На илож, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейдилар...

Тоғай Мурод ўз она тилини бениҳоя яхши билади. Билгандаям бутун ранглари билан, оҳанглари билан билади. Шу боис, соф ўзбекча битади.

Тоғай Мурод ўзбек тилини куйлатди. Ўзбек тилининг жаъми жилваларини офтобга солиб кўрсатди.

«Аё Тарлон, сен менинг акамсан. Ука деса дегулик мендайин уканг бор, ака деса дегулик сендайин акам бор, нима ғамим бор? Аё Тарлон, сен менинг биродаримсан. Менинг биродарим сенсан.

Аё Тарлон, сен менинг биродаримсан, қиёматлик биродарим...»

Ушбу сатрларни ўқиб бўлгач, хаёлга толасиз. Ҳозиргина мунгли бир қўшиқ тинглагандек бўласиз.

Бу қўшиқ олис йўл босиб, Ўзбекистонимизнинг қайноқ, жануб Сурхонидан учиб келди.

Мен Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасида Бўри полвон, Тиловберди полвон, Абил полвонларнинг курашларини завқ-шавқ билан томоша қилдим. Сурхон полвонларининг ҳалолликлари, мард, тантиликларини кўриб ғурурланиб кетдим. Ана, ўзбек полвонлари, ана, дея ғурурландим.

Тоғай Мурод тасвирлаган Сурхон полвонлари чинакам ўзбек полвонларидир.

Шарқнинг буюк достонлари «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»лар, «Тоҳир ва Зуҳро»лар неча юз йиллардан бери яшаб келади. Уларда бир-бирига етишолмай, муҳаббат йўлида жон берган бахтсиз ошиқ-маъшуқлар тасвирланади.

Тоғай Мурод ҳам достон ёзди. Отини «Ойдинда юрган одамлар» қўйди.

Қисса номини ўқишингиз биланоқ сизни аллақандай сирли-сеҳрли ойдин кеча бағрига олади. Ичингизга ажиб бир нур ўрмалаб киради. Дил-дилингизни ёритиб юборади.

Қиссада Қоплон билан Оймомо фарзанд илинжида тунни тонгга, кунни ойга, ойни йилга улаб яшайди. Қоплон хотинини Момоси деса, Оймомо эрини Бобоси, деб чақиради. Улар йўқ боланинг бобоси, йўқ боланинг момоси бўлиб, йилларни йилларга улайди. Бир-бирига мўлтираб яшайди. Улар учрамаган доктор, улар кўринмаган табиб қолмайди. Аммо на доктордан, на табибдан наф қўради.

Тоғай Муроднинг куйиб, ёниб, ўртаниб битган, баъзан фарёд уриб битган «Ойдинда юрган одамлар» қиссасини «Муҳаббат қўшиғи» деб атагим келди.

«Момо ер қўшиғи» бошқа қиссалардан фарқ қилади. Тоғай Мурод бу қиссасида бошқача йўлдан боради. Ўз йўлидан адашиб, оёғи ердан узилиб, Ғарб адабиёти сояси бўлиб қолган ижодкорларнинг типик образини яратади. Шу ижодкор образи туфайли қиссага майда-чуйда тошлар отилди. Асар ютуқларидан кўз юмиб ўтилди. Ахир, қайси соя ижодкор ўзига ойна олиб қарайди, дейсиз? Масалан, қиссада оригинал бир образ бор, бадиий бақувват бир образ бор. Мен сержант Орзиқулов образини назарда тутаяпман. Сержант Орзиқулов ўзбек адабиётида мутлақо янги образ.

Назаримда, Тоғай Мурод қисса битмайди, назаримда, бор овози билан қўшиқ айтади. Бу қўшиқда авж пардалар бор, нолишлар бор, савт бор.

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЗИЁВУДДИН ҲАЗИНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 125 ЙИЛЛИГИ

КИМДА ДАРД ЙЎҚТУР, БИЛИНГ ҲАРГИЗ ДАВОНИ ИСТАМАС,
КУРСА ЛУҚМОНИ АГАР, АНДИН ШИФОНИ ИСТАМАС...
ҲАЗИНИЙ

БАҒРИ ҚОН ДОНОЛАРДАН БИРИ

Ахмад Яссавий, Бобораҳим Машрабдек улуғ зотларнинг издоши, ўз халқининг асл фарзанди, озодлик, миллий мустақиллик, маърифат ва муҳаббат куйчиси, тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили, уста созанда ва ёқимли ҳофиз Зиёвуддин Ҳазиний таваллудининг 125 йиллиги жумҳуриятимизда тантана ва шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Ҳазиний кўп қиррали ижодкор бўлиши билан бирга ўз халқи равнақи учун курашган, бу йўлда не-не уқубатлар тортган, даштларга сув чиқариб, чўлларни обод этган, аммо чоризм зулмидан, совет жаҳонгирлиги гирдобида эзилиб «Фарғона тонг отқунча», «Тасаддуқ, ё расулаллоҳ» дебон дод-фарёд қилиб, аламда оламдан ўтган.

Буюк Ҳазиний руҳини шод айлаб 1 декабр куни Алишер Навоий қасрига тўпланамиз-да: «Эй Ҳазиний, алам уйқусидан уйғон, Фарғонада тонг отди!» деб эълон қиламиз.

Ҳазинийни севмаган ким бор. Кўплар қатори мен ҳам уни чин юракдан севаман. Унинг муборак номи болалигимдаёқ хотирамга ўрнашиб қолган. Раҳматли волидам Тўхтабиби отин кечки пайтларда биз отасиз жужукларига қишда сандал атрофига ўтқизиб олиб, ёзда ўрик тагидаги супага жамлаб, китоб ўқиб берардилар. Махсус қутичада сақланадиган «азиз баёзлар» орасида биттасини алоҳида эъзозлар, «Баёзи Ҳазиний» деб уни эътиқод ва ҳурмат билан тилга олардилар.

Волидам Ҳазинийнинг ғазаллари, мураббаълари, мухаммаслари ва мусаддасларини бош чайқаб маъқуллаб, мантиқидан руҳланиб, кўз ёши тўкмай ўқиёлмасдилар.

То етим бўлмай киши,
билмас отани қадрини,
Жону дилда тарбият
қилғон онани қадрини,
Билмагай ҳеч ким ака
бирлан уканн қадрини,
Бир неча хешу табору
ақрабони қадрини,
Ажрагай — билгай ака
бирлан уканн қадрини.

Буларни эшитгач, биз отасиз етимлар ҳўнграб йиғлардик.

Бизнинг тор кўчамизда яшовчи Абдулҳаким ва Маъруфжон исмли ака-ука ҳофизлар ҳам ҳазрат Ҳазиний баёзларини қўлдан туширмай ўқир, ғазалларини куйга солиб, ликопчаларни чолғу қилиб, катта ашула ва халқ оҳангида қўшиқ қилиб айтар эдилар.

Қувада Ҳазинийнинг шогирдлари — издошлари ҳам бор эди. Надимий тахаллуси билан ижод қилган қувалик Турсунали махсум Муқимий ва Ҳазинийнинг шеърлари, ғазалларини ёддан ўқир, Ҳазинийнинг машҳур ғазалларига мухаммаслар бағишларди.

Ҳазиний туғилиб ўсган Катта Кенагасда ажойиб шахслар яшаган. Шарқий Туркистон — Қашқар подшоси Жаҳонгирхонтўра, элда машҳур Бузрукхонтўра, Қўқон хонининг вазири Каримқули ва ажойиб халқпарвар одам Мамажон қози Ҳазинийнинг ҳамқишлоқлари ва ихлосмандлари эдилар.

Зиёвуддин Ҳазиний Фарғона вилоятининг Қўқон яқинидаги Учкўприк туманига қарашли Катта Кенагас қишлоғида 1867 йили туғилган. Унинг отаси ўзига тўқ деҳқон ва ўша замоннинг илғор киши бўлмиш Каттахўжа ўғли Зиёвуддинни ўзи ўқитиб, мулла қилган ва уни ҳар томонлама етук одам қилиб етиштиришга муваффақ бўлган. Унинг ўзи шажара тутган. Оилаларида сақланган расмий муҳрланган икки шажара бор. Бирида — ҳижрий 1287 (мелодий 1870) йили тузилган шажаранинг гувоҳлик беришича, ота томондан уруғи Ҳазрат Алининг отаси бўлмиш Абдулмуталлибга яқин уруғдир. Буни 74 расмий муҳр исботлаб турибди. Иккинчи шажарада она уруғи пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бошланади, дейилган. Буни шажарадаги йигирма икки муҳр исботлаб бераётир.

Шажаралар Ҳазиний авлодлари орасида ўқимишли, ижодкор кишилар, олимлар, шоирлар кўп бўлганини исботламоқда.

Биз буларни шоир туғилиб ўсган Катта Кенагаста боранимизда ўз кўзимиз билан кўрдик ва уни билган одамлар билан суҳбатда бўлдик.

Афсуски, Ҳазиний мероси тарқоқ ҳолда юрибди, айримлари ҳофизлар, хонандалар оғзидан тушмай айтилмоқда. Ҳануз бизга етиб келган, маълум нашрларда чоп этилган асарлари оз бўлса-да соз бўлиб, кўплари ҳозирги куннинг оғзаки адабиётига айланиб кетган.

Шу йилнинг август кунларида шоир туғилган қишлоқда бўлиб ўтган тантаналарда қатнашган ҳар бир киши — пахтачи, чорвачи, боғбон ва ўқувчи унинг кўп асарларини ёддан зикр қилганини эшитдик.

Мавлоно Ҳазиний шеърият оламида Муҳйи, Нисбатий, Муқимий, Фурқат, Насимий, Шайдоий, Ножий, Завқий, Камий, Хислат билан басма-бас ижод этган. Улар билан мулоқотда мутолаа, мунозараларда камол топган. Ҳазиний яхши мусиқачи бўлиб, дутор ва танбур чертишда музофотда ном чиқарган. Ҳофизликда у машҳур Ҳамроқул қори, Эрка қори, Муллатўйчи, Содирхон, Умархонлар билан беллашган. Ўзи ёзган ғазал ва мухаммасларни куйга солиб, ўзи ижро этгани учун халқ муҳаббатини қозонган. Унинг «Ё ҳаёт ан-набий» радифли ғазали асосида Ҳамроқул қори ижро этган қўшиқ граммофонга ёзилиб бутун Туркистонга тарқалган.

Ижоди қайнаб, жўш урган пайтларда ҳам Ҳазиний деҳқончилик касбини ташламаган, дейдилар. Ёр-сув камчилигидан Бағдод яқинида у қум босган саҳроларга сув чиқариб ер очган, боғ яратган, чўлда ҳовуз қаздириб, атрофини гулзор қилган. Тегирмон ва бошқа қурилишлар қилиб юрган пайтида Бағдодлик Қумрихон исмли гўзал қизга ишқи тушиб, унга уйланган. Айтишларича, унинг шарафига Қоровултепада катта масжид бино этган.

Яқинда Бағдодликлар боғбон ва шоир хотирасига катта сайил ўтказишди. Ҳазиний номидаги жамоа хўжалиги деб аталган жойда шоирнинг номига етмиш гектарли боғроғ барпо қилинган, чаманзору мевазорда тонгдан қуёш ботгунча ғазалхонлик, ҳофизлар мушоараси, ўйин-кулги янгради.

Тантаналар Учкўприк туманига — шоир туғилган қишлоққа кўчди. Шоир дафн этилган «Даҳма» мозори унинг мухлислари қўли билан ажиб зиёратгоҳ қилиб қайта тикланибди. Махсус ҳужра ясалиб, Ҳазинийнинг ҳаёти ва ижодига оид яхши кўргазма очилди. «Даҳма» зиёратгоҳи Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов, ҳазрат Ҳазинийнинг зурриётлари, мухлислари билан лиқ тўлган эди. Шоирни улуғловчи мадҳлардан кейин Ҳазинийнинг кенжа ўғли Сотволдихон эшон қўлига

Барчадин кетди адолат,
динимиз бўлди ғариб,

деган мухаммаси ёқмаганмиш. Негаки, Ҳазиний ғайридинлар мусулмон динини хароб қилди, деганмиш. «Нега шундай дейсиз?», деб сўрасалар, Ҳазиний:

Хонақода зикри ҳақ монеъ, шарорат ошкор,
Барча нокаслар ҳукуматда сайиддир, хожа хор,
Олиму шайхи замон
хилватда йиғлар зор-зор,
Ҳар қаёнда бўлса доноларни бағри қон,
Бу фалак рафтори каж
дастидан айлар фиғон,
Бехабар турма, Ҳазиний,
анқариб охир замон...—

деб жавоб қилганмиш. Шунинг учун эркпарвар Ҳазиний исёнкор шахс деб эълон қилиниб, унга бир кечада Фарғонани ташлаб чиқиб кетиш буюрилганмиш. Ўшанда Ҳазиний она юрти гўзал Фарғона ҳижронида машҳур «Фарғона тонг отқунча»ни битганмиш.

Қадриятлар оёқ-ости қилинган кунларда Ҳазинийлар «реакцион» деб эълон қилинди, аммо уларни миннатдор халқ дилидан чиқариб юбормади. Шоирнинг овози бутун Туркистон элида жаранглаб турди.



ЗИЁВУДДИН ҲАЗИНИЙ. (1867—1923)

«МЕН ВОМИҚУ УЗРО—СЕН»

Ҳижрон ўтига бағрим
сўзона тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, жисмим
бирёна тонг отқунча...

САМИМИЯТ УФУРИБ ТУРГАН бу равон мисралар истеъдодли шоир Зиёвуддин Каттахўжа ўғли Ҳазиний қаламига мансуб. Ўқилишидан содда, мазмун ва ташбиҳларига кўра эса, кўп жиҳатдан анъанавий бўлган бу мисралар айниқса хушовоз хонандалар ижросида алоҳида сирли мазмун, кучли жозиба касб этади. Қўшиқ садолари қулоқларга чалиниши ҳамоноқ биз доимо ўзгача бир руҳий ҳолатга тушгандек бўламиз. Бу руҳий ҳолатни оҳанг-наволар билан эшитиш, қалбан ҳис этиш, хаёлан тасаввур қилиш мумкин, аммо сўз билан таърифлаш ёки ранглар билан тасвирлаш имкондан ташқари.

Ҳа, фақат мафтункор халқ қўшиқларию роҳатбахш миллий мусиқамиз, Қуръони карим тиловатию мусаффо тонг насими, она алласининг сеҳрли оҳангларию жўшқин «ёр-ёр»ларнинг жаранги ана шундай ҳузурли, кўтаринки кайфият уйғотиши, бизни ширин орзулар оламига кўчириши мумкин. Гарчи, қарийб 80 йил давомида, бу ғазал матни матбуотимизда босилган бўлмасада деярли барча уни ёддан билади:

Раҳм айла бу ҳолимға,
эй кўзлари хуморим,
Ҳажрингда бу кўнгуллар
вайрона тонг отқунча.

Ҳеч кимға деёлмасман
арз ила бу ҳолимни,
Қонға жигарим тўлди
гирёна тонг отқунча...

Мазмунан айрилиқ азобларидан ўтли ҳасрат, дардли нола-фиғон бўлган қўшиқ, таажжубки, бизда ғамқайғули ҳолат, тушкун кайфият қўзғамайди. Аксинча, қўшиқ оғушига чўмаркамиз, ҳаёт жумбоқларидан, кундалик турмуш ташвишларидан, бир лаҳзага бўлса-да, узоқлашамиз, ўзимизни бахтиёрроқ, шафқатлироқ, меҳрибонроқ ҳис этамиз, чор-атроф кўзимизга гўзал, ҳаёт завқли, кишилар эса ғам-ғуссасиз кўрингандек туюлади. Қўшиқ янграгани сари борлиғимизни тобора кучлироқ чулғаб олади, тасаввуримизда янгиянги манзаралар чизади, тарихий ва афсонавий лавҳаларни тиклайди, ёшлигимиздан таниш эртак-достонлар қаҳрамонларининг руҳий кайфиятини қиёсламоқда. Катта ва мураккаб мазмунни қисқа ва лўнда етказиш имконини берадиган бу бадиий санъат ўқувчилар билимини ҳам назарда тутади. Вомиқ ва Узро ўртасидаги оташин севги, вафо ва садоқат тарихидан, висолга етишиш учун улар босиб ўтган машаққатли тўсиқлардан бохабар ўқувчигина Ҳазиний мисралари замиридаги чуқур мазмунни тўла англайди, ўзини Вомиқ деб атаётган лирик «мен»нинг дардини, ички кечинмаларини ёркин тасаввур этади.

Байтдаги «остонадаги қароргоҳ» образини ҳам Ҳазинийнинг нозик дид ва юксак шоирона маҳоратини кўрсатувчи далиллар қаторига, ғазалнинг эса шуҳратини таъминловчи унсурлар жумласига қўшиш ўринли бўлади. Севимли ёр остонасини қароргоҳ этиш Вомиқ ва Узро тимсоллари билан тўла уйғун ҳолда ўқувчи (тингловчи) хаёлини тарихий ўтмиш воқеаларига элтади. Ана шу романтик кўтаринкилик бошқа байтларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва натижада бутун ғазалга мафтун этувчи жозиба бахш этади:

Мен Вомиқу Узро — сен,
васлингга етолмайман,
Ҳар кеча қароргоҳим
остона тонг отқунча.

Ўрни келганда айтиш керакки, талмеҳ Ҳазинийнинг энг севимли бадиий санъатларидан бири. Шоир ўз ижодида бу санъатга тез-тез ва доимо ўринли мурожаат этади. Шоир мухаммасларининг биридан олинган қуйидаги бешлик бу фикримизга ёркин далил бўла олади. Унда Ҳазиний талмеҳ санъати бўйича халқимиз орасида машҳур бўлган тўрт ишқий достон қаҳрамонларини, жумладан биз эслаган «Вомиқ ва Узро» достонини тилга олади. Шу диққатга сазоворки, бу ўринда ҳам, худди ғазалдаги каби, севимли маъшуқа васли иштиёқида унинг остонасини лирик «мен» қароргоҳ этиши лавҳаси деярли айнан чизилади:

Мисли Мажнундек фироқи
Лайлида ováраман,
Кўҳкан янглиғ Ширинни
ҳажрида дилпораман,
Остонинг ёстониб Вомиқ
киби ёлбораман,
Ҳамчу Тоҳирким қазонинг
дастида бечораман,
Ёрнинг васлиға етмоққа
ўлар ўлдум, нетай?!

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Ҳусайн Бойқаро девонига кирган ғазалларни таҳлил этар экан, ўз қадрдон дўстининг етук шоирлик иқтидорини алоҳида мамнуният билан таъкидлайди. Навоий Ҳусайний шеърияти фазилатлари саноғида хусусан илгари шеъриятда ишлатилмаган радифларни кашф этиш ва ниҳоятда ўринли қўллаш қобилиятига таҳсинлар ўқийди. Улуғ шоирнинг ҳақли таъкидича, ғазалнинг ғоявий-бадиий баркамол бўлишида радифнинг ўрни ва хизмати бениҳоя каттадир. Бу ҳақиқатга Ҳазинийнинг биз сўз юритаётган ғазали мисолида ҳам яна бир бор қаноат ҳосил қиламиз. Ғазалнинг бутун латофати, сеҳри ва мафтункор жозибаси «Тонг отқунча» радифига асосланган, десак хато қилмаймиз. Тўғри, Ҳазинийга қадар истеъдодли ижодкор Амирий девонида худди шу бирикма радиф бўлиб келган ғазал учрайди. Аммо, бизнингча, Ҳазинийга Амирийнинг вазни, оҳанги, мазмуни ва қофияси бошқача бўлган бу ғазали эмас, балки, Нодира тажрибасининг таъсири кучлироқ бўлган. Гап шундаки, атоқли шоирамизнинг суюкли умр йўлдоши вафоти билан ёзган дард-ҳасрат тўла марсия-мухаммасида бу бирикма моҳиятан Ҳазиний ўз ғазалида юклаган маъновий вазифани ўтаб келган. Чиндан ҳам, қуйидаги мисраларга диққат қилайлик, уларнинг мазмуни ва оҳангига эътибор берайлик:

Кулбан эҳзон аро султон
Умарнинг доғида,
Шаъмдек ҳар кеча тонг
отқунча ўртаб ёнаман.

Бу мисралар Ҳазинийга илҳом бергандир, дилида пишиб етилган ҳис-туйғунинг узил-кесил шаклланишига бир туртки бўлгандир. Нодира марсиясидаги қадрдон инсон «доғида шаъмдек ҳар кеча тонг отқунча ўртаб ёниш» ғояси тўлалигича Ҳазинний ғазалига кўчган, ҳатто айтиш мумкинки, бутун ғазалнинг бош ва ягона устунига айланган. Аммо марсия учун «қонуний ва табиий» бўлган қайғу-ғам ва йўқлов оҳанглари ўрнига эндиликда ғазалда маъшуқа томон талпиниш, висолга умидворлик, севгига садоқат ва ҳижрон азоб-уқубатларидан шикоят олд ўринга чиқади. «Тонг отқунча» бириккаси эса ҳар байтда мураккаб ҳис-туйғуларни турлича жило ва талқин билан таъкидлаб келувчи радифга айланади.

Дарвоқеъ, Ҳазинийнинг ғазалида ҳам мунг бор, аммо у Нодира марсиясида бўлганидек, мотам, азадорлик кўриниши эмас, балки илинж, ёлбориш, умидворлик белгиси, кўнгли қаттиқ маъшуқани меҳр-шафқатга чақириш, илтифотга ундаш воситаси:

Оқшомда жамолингнинг
шаъмини мунаввар қил,
Айтай сенга ҳолимни
парвона тонг отқунча.

Найлайки, иложим йўқ,
ҳар гўшада йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга
Фарғона тонг отқунча.

Бизнинг тахминимизча, бу ғазални шоир асримизнинг бошларида ёзган. Бу даврга келиб Зиёвуддин Ҳазинийнинг ижодкор сифатида бутун Туркистонда кенг танилган эди. Шоир асарларининг турли баёз ва мажмуаларидан ўрин олиши, халқ ҳофизлари томонидан ижро этилиши ана шу довруғдан дарак беради.

Айрим имо-ишоралар бўйича Ҳазинийнинг девон ҳам тузган, деб тахмин этиш мумкин. Ғазалларидан бирида мана бу мисраларда, масалан, девон ҳақида ҳам сўз борадики, бу оддий тасодиф бўлмаса керак:

Найларам, дарду алам
тортмоқдин ўзга чора йўқ,
То Ҳазинийнинг топмасам
васфини девон ўхшамас.

Аммо шоирнинг ҳозирча бизга маълум адабий мероси унчалик катта эмас. Асримизнинг ўнинчи йилларида бир неча бор чоп этилган «Баёзи Ҳазиний»да шеъриятнинг ғазал, мураббаъ, мухаммас каби турларида яратган асарлари, наът, муножотлари ўрин олган. Инсон гўзаллиги ва ишқ-муҳаббатни улуғлаш, исломий иймон-эътиқод ва покдомонликни тарғиб этиш, тоат-ибодат ва одоб-ахлоққа, сабру қаноат ва меҳр-шафқатга даъват Ҳазинийнинг асарларида етакчи мавзу сифатида бадиий юксак ифодасини топди. Шоир инсон қадр-қимматини шарафли деб билади, унга абадий бахт-саодат тилайди:

Бу жаҳонга ким келибдур
— бўлмасун бахти қаро! —

деб ёзади у мухаммасларининг бирида ҳамда умум бандаларни шундай алқайди:

Раҳмати Ҳақ доимо
инсонидин айрилмасун!

Шоирнинг шеърияти худди шу фазилатлари билан кенг омма дилига йўл топган. Ҳазинийнинг давр адабиётидаги кўринарли ўрнини шундан ҳам белгилаш мумкинки, унинг кўп ғазалларига ўша йиллардаёқ назиралар ёзилди, тахмислар боғланди. Хусусан, биз сўз юритган «Тонг отқунча» радифли ғазали адабиёт мухлислари ўртасида катта шуҳрат қозонган. Унга наманганлик шоир Ҳайрат Тўрақўрғоний (1845—1915):

Фурқатда куйиб бўлдум
сўзона тонг отқунча,
Жисм ичра бўлуб жоним
бирёна тонг отқунча —

байти билан бошланадиган 8 байтли назира ёзган. Асли пискентлик шоир Абдулборий Шермуҳаммад Ҳожи ўғли Дилафгорнинг мероси да эса шу қофия, радиф ва вазндаги ўхшатмадан ташқари, Ҳазинийнинг ғазалига боғланган тахмини ҳам учратамиз. Мана унинг бошланма банди:

Ҳажрингда фиғоним кўп,
жонона, тонг отқунча,
Орому қарорим йўқ
ҳижрона тонг отқунча,
Мажнун киби ишқингда
ҳайрона тонг отқунча,
Ҳижрон ўтига бағрим
сўзона тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, жисмим
бирёна тонг отқунча.

ЁЛ ГЎЗАЛЛИГИ, ота-шин ишқ-муҳаббат, севгига садоқат, висолга талпиниш ва ҳижрон уқубатларидан нола, толеъ пастлиги ва қадр фалак ғанимлигидан шикоят мавзуида шеъриятимизда асрлар давомида минглаб ғазаллар яратилган. Уларнинг ҳар бирининг адабиётимизда ўз ўрни, ўз латофати, ўз «мазаси» ва оҳанги бор. Аммо шу ҳам ҳақиқатки, ана шу минг-минглаб ғазаллар жумласидан фақат энг етук — шоҳ намуналаригина шеърият мухлислари дили ва халқ ҳофизлари тилига кўчиб, мустаҳкам ўрнашиб олади, авлодлардан авлодларга худди азиз ёдгорликдек ўтиб, ҳар бир давр учун замонавий янграйди, ҳақиқий завқ-шавқ бағишлайди. Зиёвуддин Ҳазинийнинг биз сўз юритган «Тонг отқунча» радифли ғазали, шубҳасиз, худди шундай ғазаллардандир.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ

Ниҳад Сами БАНАРЛИ

БАҲОР ВА ТУРКЧА

Ниҳад Сами Банарли (1907—1974) таниқли турк адабиётшуноси ва ёзувчисидир. У турк тили ҳақидаги гўзал мақолалар муаллифи ҳамдир. Бу мақола адибнинг «Турк тилининг сирлари» рисоласидан олинди.

БАҲОР ВА ТУРКЧА. Бу икки пўзал сўзни ёнма-ён ёзишимиз янгилик бўлмай, туркчанинг баъзи буюк мутафаккирлари қадимқадимданоқ уларни бир бутун ҳолда тасаввур этмишлар.

Туркчанинг ҳам табиат каби ўз кўклами бўлишини истаган у кўнгиллар буни фақат бир тилак ёки орзу дебгина қолмасдан, аслан шундай бўлиши учун курашганлар ва шунга эришганлар.

Баҳор ва туркча... Биз бу икки пўзал сўзни туркчанинг бугунги изтиробларидан бир оз кўз юмарок, уни оғир кўйга солганларни унутароқ ва эътибор бермаган ҳолда кўклам субҳи қавосининг умидбахш гўзаллиги ичинда, тўё баҳор қуёши қадар пок ва беғубор бир туйғу ила яна ёнма-ён кўришни истаймиз. Биз уларни ёнма-ён кўрмак баҳонасида улар ўртасидаги яқинлик ва монандликни илк бор тушуниб етганларни тил ва адабиётимиз тарихининг олтин саҳифаларида ҳурмат билан эслаб ўтмоқчи бўламиз. Чунки бизнинг тил ва адабиётимиз тарихида турк тили учун, ҳеч бир шахсий манфаатини кўзламай, ҳеч бир сиёсатга, ҳеч бир ёт мафкурага қурол бўлмасдан курашган, унга меҳр қўйган буюк номлар бордир. Бу ўринда уларнинг номларини яна бир бор санаб ўтар эканмиз, эзгу руҳлари, тоза кўнгиллари ва буюк қизматлари олдида бенихоя таъзим бажо айлаган аорларнинг бедор шамоллари қаршисида турмоқ истаймиз.

Булардан бири XV аср Туркистон шоири Алишер Навоийдир.

Навоий Кошғарли Маҳмуддан ва Фахриддин Муборакшоҳдан сўнг турк тили учун буюк ҳиммат кўргизган холис бир туркчачи (туркшунос), туркчанинг тарихдаги буюк ошиқларидан биридир. Биз туркчачи, дер эканмиз, бошқа маданият тиллари билан алоқани узган, бугунги «асл туркча» афсунгарлиги туфайли боши берк кўчага кирган, тил ва дунёга қарашлари тор, майда тушунчаларни назарда тутмаётирмиз.

Навоий ўз даврида туркчани менсимай форсча шеър ёзиб юрганларга (туркийларга) рўбарў келди. У даврда Шарқ мумтоз адабиётида форсча (Оврупо адабиётидаги франгичадек) шеър тили сифатида барча тиллардан устун эди. Шарқ адабиёти форсчани «мантиқ ут-тайр» деб атайди, унга қуш тили ғўзаллигини ва тасаввуф тили мақомини беради. Бу асрлар давомида буюк назм форсчада ёзилгани ва шунга кўникилганидан эди. Бу ўша замонда туркчага ола кўз билан қараганларнинг бир ғафлати эди. Демак, Навоий замондошларини бу ғафлатдан фориғ этишга бел боғлади ва шунга эришди. Навоий турк шоирларининг фақат форсча шеър ёзишларига қарши бўлиб, ўзи шеърларини асосан туркчада ёзар ва лекин у туркчани ҳозирги «асл туркча» дейилувчи турқча каби сунъий бир тил деб билмас эди. Аммо ўша давр ислом маданиятига, жумладан туркчага ҳам, хос калималарни жуда кўп бор туркчанинг ўз сўзлари каби табиий ва гўзал бир тусда қўллар эди.

Навоий араб тили устун бир тил эканига тан берарди. У Қуръондан ва ҳадислардан намуналар келтириб, бу тилнинг устунлигини холис бир тилшунос назари ила исботлаб берди. Яна у турк ва форс тилларини ана шундай холислик ва кенглик билан ўзаро қиёслаб, туркчанинг устун ва афзал томонларини баён этди ва ўз кузатишларини «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида исботлашга ҳаракат қилди.

Туркчанинг бир феъл бойлиги, бир шакл завқи ва бир қофия анъанаси бор эдики, булар унинг шеър тили бўлиб юксалиши учун кифоя қиладиган гўзалликлар ва имкониятлар эди.

НАВОИЙНИНГ НАЗАРИДА туркий сўзлар гўёки бир баҳор гули эди. У туркчанинг бағрига теран кириб борар экан, унинг жозибаси ҳақида шундай дейди: Бу оламнинг гул боғчаларига кирдим. Гулларни фалакнинг қуёшидан-да порлоқ эди. Ҳар ёнида кўз тушмаган, қўл тегмаган яна нелар ва нелар бор эди. Аммо бу махзаннинг илони қон тўкувчи ва гулларининг тикони саноқсиз эди. Буларни кўргач, тушундим ва, дедимки, демак, бизнинг турк шоирлари бу кўркувли ва тиконли йўллардан чекинганлари учун туркчани тарк этмишлар. Мен туркчанинг фазосинда табиатим отини қўштирдим, хаёлим қушини қанотлантирдим. Виждоним бу хазинадан бениҳоя қийматсиз тошлар, лаълар, инжулар олди, кўнглим бу гул боғчасининг турфа чечакларидан беҳадду ҳудуд анвойи ҳидлар ҳидлади...

АВВАЛ ЎЗ-ЎЗИЧА ёлғизликда яшаган баҳор ва туркчани бир-бирига янада равшан, янада шеърийроқ, янада маънолироқ ифода ила яқинлаштирган тағин бир буюк шоир Фузулийдир. Бу муқоясада Фузулий Навоий билан тенглашади. У шундай дейди:

Ул сабабдин форсий лафз ила чўҳдир назмким,
Назми нозук турк лафзи-ла ирғон душвор ўлур.
Менда тавфиқ ўлса бу душворк осон айларам,
Навбаҳор ўлғач, тикандан барги гул изҳор ўлур.

Форс тили билан туркчага қараганда кўп шеър ёзилган. Бунинг сабаби турк тили ила гўзал шеър ёзишнинг жуда қийинлигидир. Фақат Оллоҳ ёрдами билан мен бу қийинчиликни енгаман, осонлаштираман. Илк баҳор кунлари тикондан қандай гул япроғи пайдо бўлса, мен ҳам тикон каби ҳунук саналган туркча ила гул япроғи каби гўзал шеър айтгумдир.

МАЪЛУМКИ, ошиқ йигитга баҳор ҳам, гуллар ҳам, ранглару саслар ҳам, боринғки, пўзал кўринган нарсаларнинг барчаси севгилисини эслатади, ўйлатади, излатади. Худди, шунингдек, севгилисининг исми Турк тили бўлганлар ҳам дунё пўзалликлари қаршисида ўйга ботадилар, уларни ўз севгилиси — турк тилига ўхшатадилар. Баҳор уларга туркчани эслатади, сўзлар уларга гўё баҳор гули пўзаллиги билан жилва қилади. Туркчанинг инжаликлари билан айтилган ҳар бир сўз, ҳар бир шеър улар учун бир гулдастадир.

Туркчанинг ўтмишдаги ўша буюк ошиқлари баҳор ва гуллар қаршисида шуларни ҳис этишган, шуларни хаёлга келтирган бўлсалар не ажаб! Улар маҳбубаларини қадар суюкли бўлган ўз тилларини ҳар нарсадан ва ҳар тилдан афзал деб билишар эди.

Яна туркчани гуллар-ла, баҳор-ла жуфтлаштирган бу икки турк тили ошиғининг ҳар иккаласи ҳам ўз гапларининг устидан чиқишди ва уларнинг заҳматлари шарофати ўлароқ адабиётимиз тарихида гўзал туркча шеърий намуналар пайдо бўлди. Кейинги авлод Туркистон туркларининг туркчани асрларча

Ўзбеклар ва дунё

Навоий тили дея атаганлари ул зотнинг меҳнатларига берилган бир мукофот эди. Кейинги асрларда бутун Туркия заминида етишган шоирларнинг Фузулийга эргашиб шеър ёзишни буюк шараф деб билганларининг боиси ҳам шулдир.

ЎЗИ ТУРК БЎЛСА ҲАМ асарларини форсий тилда ёзишга мажбур бўлган буюк Эрон шоири ганжалик Низомийга Ширвон шоҳи бир мактуб ёзади ва уни «Лайли ва Мажнун» маснавийсини форсчада ёзишга даъват этади. Унга: «Лайли ва Мажнун» қиқоясини форсий ила сайқаллагайсан. Билурсанким, мен фақат форсчага тушунаман», дейди ва яна: «Ҳикояни туркча ёзма! Зеро, туркча гаплашмоқ бизга ярашмагай. Юксак сулоладан туғилган одамга юксак сўз керакдир!», деб илова қилади.

Ажамда ҳунармандлик қилмоқ учун форсча билмоқ бир нарса бўлса, масаланинг моҳиятини унутиб, форсчани туркчадан устун деб билмоқ бутунлай бошқа бир нарсадир. Навоий каби, Фузулий каби туркий тилли шоирлар ўз муҳитларида давом этмоқда бўлган бундай ачинарли қарашлар ила келишмадилар.

Шу ўринда усмонли султонларининг ўз теварагидаги шоирларни туркча ёзишга тезтез даъват этиб туришларини миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтиш лозимдир. Ҳали Ироқ усмонлилар қўл остида бўлган XVI асрда унинг теварагида Фузулий «Лайли ва Мажнун»ни янгидан ёзар экан, кўнглида анчадан буён туркча ёзишга асл иштиёқ туйғуси бор эди. Ниҳоят, у ўзига шундай дейди:

Лайли-Мажнун Ажамда чўҳдир,
Атрокда ул фасона йўқдир.
Таҳрира гетур бу достони
Қил тоза бул эски бўстонни.

«Лайли ва Мажнун» қиқояси Ажамда кўп ёзилган. Туркчада бу афсона ёзилмаган. Сен бу достонни сўйла, бу эски ва гўзал исли бўстонни тозала», деган.

Фузулий Онадўли шоирларининг ташвиқи билан «Лайли ва Мажнун»ни қўпол тил дейилган туркчада Шарқнинг энг гўзал «Лайли ва Мажнун»и даражасига етказиб ёзди. Бу асарни туркчада бу қадар гўзал мақомда фақат Фузулийдек ошиқ бир шоиргина ёза олар эди.

УЛАР ҲАР ҚАНДАЙ ТЎСИҚЛАРГА қарамай турк тили учун ана шундай Муҳаббат ила курашдилар. Баҳор тулларига қараган чоғларида фақат маҳбубларининг гул юзини эмас, туркчанинг гул каби туркча ва туркчалашмиш калималарини хаёлга келтирдилар.

Биз тилимизни улар каби севамизми? Ҳозир туркчанинг бу буюк ошиқларига керагича ҳурмат ва муҳаббатимиз борми?

Қайдам... Кўпчилик туркча ёзмадилар деган хаёл билан қатто уларни билишни ҳам истамайди. Ўзларининг тилларини оғир жаҳолат ила усмонлича, дерлар. Бошқа бир нарса деёлмайдилар.

Асрлар сўнгида туркчага бу қадар хизмат қилганларгаки, бундай муносабатда бўлинса, бугун туркчани йиқмоқ бўлаётганларни келажакда нелар кутар экан?

Жаҳолат келажакни қайдан ҳам тушунсин.

Ўзбекчалаштирганлар:
Муртазо ҚАРШИБОЙ,
Азимбек УСМОН

Сиз ҳам айтманг, мен ҳам...

ПОПОВНИНГ ЯНА БИР ИХТИРОСИ

ҒАНИЖОН ТОШМАТОВ БИЛАН Радио кунига бағишланган кечада ўтирардик. Саҳнада Александр Поповнинг катта сурати осиғлиқ турарди. Ғанижон ака мендан сўраб қолди:

— Убайжон, ана шу кимнинг сурати?

— Поповнинг, радионы ихтиро қилган ана шу одам-да.

— Ҳа, ҳа, энди эсладим. Зап одам экан-да, радио туфайли оламда нима гап бўлаётганини билиб турамиз. Ўзи ҳам кеча-кундуз жағи тинмайди-да.

Мен кулдим-да:

— Домла Абдулла Қаҳҳорнинг гапларини эшитмаганмисиз? У киши ҳазиллашиб радионы «гап заводи» дердилар, — дедим.

— Хўп топиб айтган эканлар-да, лекин радио бўлмаса яшайолмаймиз,— жиддий тусда гапини давом эттирди Ғанижон ака, — мен дунёда нима бўлаётганини кимдан биламан денг?

— Кимдан?— савол назари билан Ғанижон акага қарадим.

— Келин ойингиздан, билмаган, эшитмаган гапи йўқ. Ошхонага радио ўрнатиб берганман, гапиргани гапирган, ҳеч чарчамайди. Келин ойингиз радионинг мусиқасини эшитиб турмаса, овқатни ҳам бузиб қўяди. Лекин Поповнинг яна бир ихтиросига қойилман.

Мен яна қанақа ихтироси бор экан, деган хаёлда ҳайрон бўлиб Ғанижон акага қарадим.

— Радиоприёмникнинг мурвати бор-у, гоҳида ўчириб қўядиган...

— Хўш?

— Ана шу мурвати бўлмаса нима қилардик.

МУҲР

МЕН РАДИОНИНГ БАДИИЙ эшиттиришлар муҳарририятида бош муҳаррир бўлиб ишлардим. Ана шу йиллари домла Абдулла Қаҳҳор Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романини таржима қилмоқда эдилар. Биз шу романдан айрим бобларини эшиттириб борардик. Муҳарририятда Абдулла акани радиога таклиф қилиб, Лев Толстой, унинг «Уруш ва тинчлик» романи ҳамда таржима жараёни ҳақида гапириб беришларини илтимос қилиш фикри туғилди.

У кишининг оиласи Жуковский кўчасининг муюлишидаги бир кўрада турарди. Ҳовлига кириб борганимда Кибриё опа тандирда нон ёпаётган эканлар. Мени очиқ чеҳра билан кутиб олиб, уйга таклиф қилдилар. Абдулла ака таржима устида ишлаб ўтирган эканлар. Кибриё опа бир даста иссиқ бўрсилдоқ нонни дастурхонга қўйдилар. Бирга чой ичдик. Самимий суҳбатда мен «Уруш ва тинчлик» романи тингловчиларга манзур бўлаётгани ҳақида гапирдим-да, асосий гапга кўчдим.

— Роман ва уни қандай таржима қилаётганингиз ҳақида радио тингловчиларга гапириб берсангиз. Майли, сўзингизнинг матнини ёзиб қўйсангиз, олиб кетаман.

Домла бироз ўйланиб қолдилар-да, сўнг:

— Ҳозир ёзиб ўтиришга вақтим йўқ, кўриб турибсиз-ку, иш бошимдан ошиб ётибди. Шундай бориб гапираверамаи,— дедилар.

— Сўзингизни матни бўлмаса, цензор ўтказмайди. Назорат кучли,— деб қатъий туриб олдим.

У киши мийиғида кулди-да:

— Толстойнинг бундан салкам бир аср муқаддам ёзган бу асарининг нимасини текшираркин? — дедилар.

Мен нима дейишимни билмай қолдим. Ноқулай вазиятда қолганимни сезиб, мени юпатишга ҳаракат қилдилар.

«ОТЕЛЛО»

РАДИОГА ИСОҚ ЎКТАМОВ раис ўринбосари бўлиб келди. Ўзи жуда беғубор, хушфеъл, хушчақчақ, халқ таъбири билан айтганда, «бир қоп ёнғоқ» инсон эди. Биз ўша вақтда, айниқса, бадиий асарларни инсценировка қилишга ружу қўйган эдик. Ёзувчиларимиз нимаики ёзса, радиомонтаж қилиб ташлайверардик. Айниқса, бу ишда марҳум адибимиз, радионинг жонкуяр заҳматкашларидан бири Туроб Тўла устаси фаранг эди. Бу ишда ҳеч ким у кишининг олдига тушолмасди. Ҳар бир бадиий асарни ўқиб чиқиб, машинка хонасига кириб, тўппа-тўғри айтиб туриб ёздираверарди, гоҳо қаламкаш дўстлари у кишини ҳазиллашиб, «Туроб монтаж» деб ҳам аташарди.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

Бир кун Исоқ Ўктамовда ҳам инсценировка қилиш орзуси туғилиб қолди. Осилсанг, баланд дорга осил деганларидек, у киши Шекспирнинг «Отелло»сига қўл урди. Машинистка қизлар ҳамма ишни тўхтатиб, «Отелло»ни кўчиришга тушиб кетдилар. Ҳатто шошилинч ёзиладиган «Ахборот» хабарлари ҳам тўхтади. Ҳеч ким бу ишни тўхтатишга журъат этолмасди. Мен адабий-драматик эшиттиришлар муҳарририятида ишлаганим учун ҳамма менга дашном берарди. Иш эса қизғин давом этарди. Исоқ ака Аброр Ҳидоятовни кўндиришни менга топширди. Одоб юзасидан гапини қайтаролмадим.

Аброр Ҳидоятов оиласи шундоққина радионинг эски биносидан бир неча юз метр наридаги катта бир ҳовлида яшарди. Мен кириб борганимда Аброр ака қўлида тоққайчи, ҳовлидаги гулларнинг сўлиганини кесиб юрган эканлар. Ўша қоп-қора жингалак сочлар, чақноқ кўзлар... Мени пешайвонга таклиф қилдилар. У киши қалпоқча тагида турган чойнакдан бир пиёла иссиқ кўк чой қуйиб узатди. Буюк актёр қўлидан чой оларканман, мени ҳаяжон босди, қўлларим ҳам қалтирарди. Бироз ўзимни йиғотиб қўйдим, гапни нимадан бошлашимни билмай:

— Сизни ишдан қўйдим-да, — дедим.

— Йўқ, йўқ,— деди Аброр ака. Бу сўз худди «Йўқ-йўқ Яго, фикр қатъий, ўзгармайди», дегандек қулоғим остида шанғиллаб кетди. У бутун вужуди билан Отелло эди. Бу образ бутун жисмига, унинг мағзи-мағзига сингиб кетганди.

Сора опа ош сузиб келдилар. Мен овқат устига келиб қолибман-да, деб яна ҳижолат чекдим. Буни сезган Сора опа:

— Убайжон, уялманг, дастурхонга яқинроқ ўтиринг, қайнонангиз суйган экан. Ошни Аброр акангиз қилган, девзирадан, еб кўрингчи, мазаси қандай экан,— деб лаганни суриб қўйдилар.— Бизнинг оиламизда ошни Аброр акангиз қилади, чойхона палов, олинг.

«Йўқ» деб қўймасмикинлар деган ташвишда ошни қандай еганимни ҳам, мазасини ҳам билмадим. Ниҳоят, айтишга жазм этдим:

— Аброр ака, розилик берсангиз, радиода «Отелло» спектаклини ёзиб олмоқчи эдик,— дедим-у қизариб кетдим.

Аброр ака қўлидаги аччиқ чойни бир хўплади-да, Сора опага қаради:

— Мана, хоним нима десалар шу, биз тайёрмиз...

Ўша пайтларда Аброр ака билан Сора опа орасидан оламушук ўтиб қолган, Сора опа буни менга сездирмасликка ҳаракат қилиб, Аброр ака қилган ошни зўр бериб мақтаётган эканлар. Мен буни кейинроқ билиб қолдим...

Аброр ака енгил-елпи ўйнашни, шартли ижрони, сохталикни билмасди, саҳнадами, радиодами, қаерда бўлмасин, ҳар гал Отелло қиёфасида қайта туғиларди. Бу забардаст актёр шу қадар ҳолатга кириб кетдики, ҳатто микрофонни унутиб, студияда саҳнадаги каби ҳаракат қилар, югурар, гоҳ студиянинг у ёғига, гоҳ бу ёғига кетиб қолар, гоҳ Ягога ташланар, гоҳ бошини чангаллаб шердек ўкирарди.

Ана шундай ҳолатда ҳар гал Анатолий Тимохин ёзишни тўхтатишга, яна бошқатдан ёзишга мажбур бўларди. Бу ҳол айрим актёрларнинг асабига тега бошлади. Ишни тўхтатишга мажбур бўлдик. Шундай кескин вазиятда ҳам Анатолий Тимохин ўзини вазмин тутди, қизишмади, ҳеч кимнинг дилига озор бермади. Аксинча бошқа бир тадбир ўйлаб топди. Студиянинг турли томонига бир неча микрофон ўрнатди, ҳатто осма микрофонлар ҳам қўйди.

«Отелло» спектакли шу қадар маҳорат билан ижро этилдики, у ҳаммамизга худди саҳнада ўйналгандек туюлди. Бадиий кенгаш юксак баҳо билан қабул қилди. Бу хайрли ва ниҳоятда шарафли ишга Исоқ Ўктамов сабабчи бўлди.

Энг муҳими, икки буюк актёр ана шу спектаклни радиога ёзиб олиш баҳонасида бир-бирлари билан ярашиб кетдилар.

ПИЛИГИНИ КЎТАРИНГ

БИР КУНИ ИШДА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИДА Исоқ Ўктамов чақириб қолди. Тортмадан шахмат тахтачасини олиб, стол устига ёзди-да, доналарини тера бошлади.

— Ўтиринг, Убайжон, бир ўйнаб ташлайлик,— деди.

— Мен бунга сал нўноқман,— дедим.

— Шунақами, эй аттанг, жамоа орасида шахматни яхши ўйнайдиганлардан борми?— деб сўради.

Мен қишлоқ хўжалиги муҳарририятидаги Ҳаким Тўраевнинг олдига тушадигани йўқлигини айтдим. У радиода қишлоқ хўжалик соҳасини сув қилиб ичиб юборган истеъдодли журналистлардан бири эди. Хонадан чиқиб йўлакда Ҳаким Тўраевни учратиб қолдим.

— Ҳозир сизни Исоқ Ўктамов чақиради,— дедим.

— Нега, тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик, ўзининг бир зарур иши бор экан-да,—деб турган эдим, қабулхонадаги қиз келиб, уни олдига солиб кетди.

Танаффус тугади. Мен ишлаб ўтирган хонани еб бўлгач, Сора опадан сўрадим:

— Сора опа, сиз ҳам борасиз-а?

Опа қўлларини артиб:

— Борамиз, Убайжон, хотиржам бўлинг, борамиз, — деди қатъий.

Аброр ака Сора опанинг розилигини эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлиб кетди. У киши мени эшикқача кузатиб қўйдилар. Мен бу хушхабарни айтгани идорага чопдим. Икки кун ўтар-ўтмас радиода «Отелло» спектаклини ёза бошладик. Уни Анатолий Тимохин деган овоз режиссёри ёзди. Бу одамни ҳамма актёрлар севар ва ҳурмат қиларди. Чунки у ўзбек тилини, унинг ўзига хос миллий хусусиятларини тушунарди.

Радиода спектакл ўйнашнинг ўзига хос қонуниятлари, қийинчиликлари бор. Актёр воқеани, образни, бутун ҳолатни фақат микрофон олдида ифода этиши керак. Яъни образнинг бутун моҳиятини овоз орқали талқин этиши лозим.

Убай БУРҲОН



СУРАТДА: Убай Бурҳон ва Бурҳон Зиёев

нага оғзи қулоғида Ҳаким Тўраев кириб келди. Оғзининг бир чеккасида чандиқ бор эди. Бу уруш асорати бўлиб, гапирганда ёки кулганда ийманиб, кафти билан ўша чандиқни беркитиб турарди.

— Исоқ Ўктамовни шахматда қолдириб чиқдим. Икки марта ўйнадик. Иккаласида ҳам қолди,— деди хаҳолаб.

— Оббо, тоза фиғони фалакка чиққандир. Қалай, ўзлари яхши ўйнар эканларми?— деб сўрадим.

— Жон-жаҳдлари билан ўйнар эканлар. Нима қилай, кези келганда отангни ҳам аяма деганларидек, икки марта ютиб олдим.

Эртаси куни тушки овқат пайтида яна Ҳаким Тўраевни чақирди. Хуллас, йиқилган кўрашга тўймас, деганларидек Исоқ Ўктамов чақиришини қўймасди, Ҳаким Тўраев ютиб олишни.

Бир неча кун ўтгач, хонамга яна Ҳаким Тўраев кириб келди.

Тарвузи қўлтиғидан тушган одамдек, хомуш ва маъюс кўринарди.

— Ҳа, тағин нима бўлди, кайфиятингиз бузуқ,— деб сўрадим.

— Қалам ҳақи ёзилган мана бу ҳужжатларга қўл қўйдиргани Исоқ Ўктамов олдига кирган эдим.

— Хўш?

— Ия, мулла Ҳакимжон, пилигини жуда кўтариб юборибсиз-ку, бу эшиттиришларни ўқиганман, ўртамиёна эшиттиришлар бўлганди,— деб қалам ҳақини қисқартириб ташлади.

Мен уни қойиб кетдим:

— Ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Ахир, у киши раис ўринбосари бўлса, сиз нима қилаяпсиз ўзи.

— Нима қилай?

— Ютқазиш керак.

Эртасига у худди шундай қилди. Иккала ўйинни ҳам ютқазиб берди. Бир неча кун ўтгач, мен Ҳаким Тўраев ёзган «Пахта усталари» радиожурнали ҳужжатларига қўл қўйдиргани Исоқ Ўктамов олдига кирдим.

— Келинг, келинг, Убайжон,— у кишининг руҳи равшан, кайфияти чоғ кўринарди.

— Мана бу ҳужжатларга қўл қўйиб берсангиз.

— Нима экан бу?

— Ҳаким Тўраев ёзган радиожурнал.

— Ҳа, ҳа, ўқидим, ўқидим, мароқ билан эшитдим ҳам. Жуда яхши ёзилибди. Неча пул қўйдингиз? Эй, Убайжон, мунча хасислик қиласиз. Жуда кам қўйибсиз-ку. Пилигини кўтаринг, пилигини,— деди.

— Ўзингиз кўтариб қўя қолинг пилигини, Исоқжон ака,— дедим.

Ўктамов қаламдон ичидаги бир даста найзадек очилган қаламлар ичидан қизилини топиб олди. Ҳужжатда турган «150» сўм рақами устидан шартта чизди-да, тепасига «200» сўм деб ёзди, ёнига чиройли қилиб имзо ҳам чекиб қўйди.

ЛАПАРНИНГ ҒАМЗАЛАРИ, КАРАШМАЛАРИ, ШЎХЛИКЛАРИ

Ўша куни «Баҳор» концерт зали у қадар гавжум эмасди. Бугунги иқтисодий аҳвол ва кеча программаси кенг шов-шув қилинмаганлиги инобатга олинса, бу ўзўзидан тушунарли. Қолаверса, зал тирбандлиги санъаткор маҳоратига доим ҳам мезон бўлавермайди. Бунинг устига мазкур концертда ансамблнинг янги дастури мухлислар синовига ҳавола этилган эди.

Хуллас, залга ёшлардан тортиб катталаргача — ҳақиқий мухлислар тўпланишди. Дастурни олиб борувчи қиз Шаҳноза Собирова илк чиқишдаёқ самимияти, юракларга яқинлиги билан эътиборни тортди: Бугун таниқли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Гулшод Отабоева раҳбарлигидаги «Лапар» ансамбли концерт беради!

...Кўп кузатганмиз. Турмуш аччиқ-чучугини тотган



катталар вазмин ва дардли классик ашулаларни хуш кўришади. Умрнинг гуркираган фаслини кечираётган ёшлар эса шўх, жўшқин ва шаддодроқ ашулаларни ёқтиришади.

Лапар ижросида мана шу ҳар икки тамойил уйғунлашиб кетгандек. Кексалар лапардаги халқнинг ўзидай оддий ва соҳир, нозик ва қочиримли ботиний маъноларидан завқ олишса, ёшлар ижродаги жўшқинлик ва қизғинлик, нозу адою карашма, ғамзали нигоҳлардан жунбушга келишади. Зотан, лапар ижросида сўзни рақсдан, рақсни сўздан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Лапар — бу қўшиқ, рақс, карашма санъатидир.

Гулшод Отабоева концерт дастурини лапар ашулаларини ҳаёт йўлларидан опичлаб ўтган атоқли санъаткорлар, устозлари Лиза Петросова ва Тамарахонимга эҳтиром каломидан, бу жанр ривожига ҳисса қўшган санъаткорлар Муҳиддин Қориёқубов, Карим Зокиров, Лутфихон ая, Мукаррам Турғунбоева шаънига илиқ сўзлар айтишдан бошлади. Улар сафида Тўхта Назарова, Раҳима Ҳакимова, Равшаной Мўминова, Манзура Мўминова, Клара Жалиловаларнинг номи тилга олинди.

Кейин бир ўзида ҳам қўшиқ, ҳам рақс, ҳам жозиба санъатини мужассам этган ашулалар жаранглади.

Мухлислар санъаткор қаршисида турган хаёлий кўзгуга ўхшайдилар. «Ҳа, баракалла!», дейди сочига оқ оралаган мухлис лапардаги таъсирчан маънони уқиб. «Жонидан!» — деб юборади сел бўлиб ўтирган жувон рақсдаги ғамзали ҳаракатлардан юраги тошиб. Ёнидаги шунқор йигитнинг лапар таъсиридаги ҳазилларидан ийманган қиз сезилар-сезилмас ҳаракат билан, беозоргина чимдиб қўяди уни. Қай бир мухлиса қаторлар оралаб рақсга тушиб кетади ҳаяжони ўзига сиғмай. Кейин энг самимий эҳтиром — қарсаклар янграйди.

...Шарқ аёлларининг юзлари жозибали. Улар анъанавий одатга кўра танларини гулдай либос ичра асрайдилар. Гул ўз танасини ғоят эҳтиёт қилади — тиконлари бор. Гулнинг бутун жозибаси ғунчани ёриб очилганида намоён бўлади. Шарқ аёлларининг юзлари гулга ўхшайди. Бутун нафосату эҳтирос, ғамзаю карашма, уларнинг юзларида — қийғоч ва ўтли кўзларида, қалдирғоч қанотларидек чарх урган қошларида, бир текис терилган марваридларни бир зум кўз-кўз қилган майин табассумларида мужассам.

Лапар ижроси ўзбек аёлининг ана шундай гўзал чеҳрасини сўзнинг ботиний маъноларига уйғун тарзда намойиш эта бошлайди. «Ту тўра дийдам», «Ғижвона ғижвон», «Мен бир куни туш кўрсам», «Ишқ дафтари», «Биринчи ваъда»...

Коптогим қолди боғда,
Ер кузатган қирғоқда.
Бунча ҳам ширин экан
Оҳ, биринчи ваъда!

Саҳна ўзгаради. Мухлислар кўз ўнгида Гулшод Отабоеванинг ёшлик йиллари намоён бўлади. Самбитдай қоматли, мажнунтолдай назокатли, булбулдай сайроқи қизлар лапар айтишади. Бу уларнинг биринчи чиқиши эмас. Аллақачон мухлислар ишончини қозонишган бу дугоналар Гулшод Отабоеванинг суюкли шогирдлари — Инобат Жониева ва Шоҳиста Парпиева. Уларни Гулшод опанинг ўзи топган. Ў пайтда Инобат ҳам, Шоҳиста ҳам театр институти талабалари эдилар. Эндиликда уларни бутун Ўзбекистон танийди. «Ёшлигимда», «Андижонга борай девдим», «Ёлворма», «Ёр нималар деди сизга» каби кўпчиликка манзур бўлаётган лапарларни шогирдлар устозларидан ўргандилар.

Опанинг нисбатан ёш шогирдлари Шаҳноза Собирова ва Бахтиёр Мусаев куйлаётган лапарлар ҳам ижро ўзига хослиги билан диққатга сазовор.

...Дастур намойиши якунида Гулшод Отабоева мухлислари ва шогирдлари эҳтиром рамзи сифатида тақдим этган гуллар оғушида қолди. Гулшод Отабоеванинг санъат йўлида кечаётган 35 йиллик фаолиятида қувончли дамлар кўп бўлган. Аммо унинг бугунги қувончи бошқача эди. Таниқли санъаткор узоқ йиллар орзу қилган мақсадига эришди: мутахассислару мухлислар лапар жанр сифатида ҳаётийлигини, опа тузган ансамбл бугун фаолият кўрсатаётган номдор ансамблар қаторида ўз ўрни, ўз қиёфасига эга эканлигини эътироф этишди.

Шу ўринда Гулшод Отабоева билан бўлган суҳбатимизда кўтарилган бир масалага эътиборни қаратишни истардим. «Лапар» ансамбли аслида расман тузилган эмас. Тўғрироғи, бундан бир неча йил муқаддам жумҳурият Маданият вазирлиги Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси қошида «Лапар» ансамбли тузиш ҳақида филармонияга кўрсатма берган эди. Лекин муҳим иш номаълум сабабларга кўра қолиб кетди. Бу ҳақда ёзиш кераклигини айтганимда, Гулшод Отабоева «Шарт эмас» дегандек гап қилди. Опа мулоҳазага бориб шундай деганини тушундим. Иқтисодий аҳволимиз ўзимизга аён. Қачон бир фидойи ё ҳомий топилиб марҳамат кўрсатади, ёлғиз худога аён. Яна шу нарса ҳам аниқки, «Лапар»ни шаклланган ансамбл сифатида саҳнага қайтариш, халқ оғзаки ижоди дурдоналари манбаи бўлган қўшиқларимизга қайта ҳаёт бахш этиш ёлғиз санъат мухлислари истаги эмас, балки миллий қадриятларимиз тикланаётган ҳозирги даврда ғоят хайрли ва эзгу ишдир.

Саъдулла ҲАКИМ

«БОЛАЛАРДАН ИЛҲОМ ОЛАМАН»

Икки оғиз дил сўзи

Кўпинча актёрларнинг таржимаи ҳоли бир-бирига ўхшаб кетади. Бу, албатта, сиртдан қараганда шундай кўринади. Аслида-чи? Аслида, ҳар бир актёр санъат оламига фақат ўз йўли билан кириб келади ва ўзигагина хос ижодий китоб битади. Худди шу маънода Нодира Аҳмедова ҳам санъаткорлар оиласида дунёга келди. Отаси Аҳмаджон Отақулов — режиссёр, онаси Лазокат Диёрова актриса эди. Табиийки, Нодира театр билан жуда эрта ошно бўлди, ҳатто баъзи спектаклларда кичик роллар ижро этарди. Масалан, «Юрак сирлари»да отаси Сатторни, Нодира унинг қизи Лолани ўйнарди. Спектаклларни қайта-қайта томоша қилганидан, деярли ҳамма қўшиқларни ёддан биларди. Мактабда ўтказилган кечалар, концертларда қатнашиб, тенгдошлари ва устозлари олқишига сазовор бўларди.

Ўрта мактабни тугатгач, 1960 йили Тошкент Театр ва рассомлик санъати (ҳозирги М. Уйғур номидаги Санъат институти) институтининг мусиқали драма театри актёри факультетига ўқишга киради. Бу ерда у ажойиб санъаткор Тошхўжа Хўжаев курсида таҳсил олади. Ўқишни тугатгач, йўлланма билан Оҳунбобоев номидаги Андижон мусиқали драма театрига ишга келади. Н. Аҳмедова бу даргоҳдаги устозлардан санъат сирларини янада чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилади ва шу саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ ўттиздан ортиқ спектаклларда турли характердаги бош қаҳрамонлар образларини яратишга муваффақ бўлади. Зуҳра, Лайли, Холисхон, Нурхон, Гули, Жамила, Назокат, Дилбар, Гул каби образларни маромига етказган актриса томошабинлар орасида ўз мухлисларига эга бўлади.

Албатта, агар худди шу тарзда давом этганида, Нодира опа бугунгача яна қанча ажойиб образлари билан мухлисларни хушнуд этган бўларди. Бироқ ҳаёт кутилмаган қувончу йўқотишлари билан қизиқарли. Н. Аҳмедова 1975 йили Ўзбек давлат филармониясига яккахон хонанда сифатида ишга келди. Энди у халқ орасида яхшигина қўшиқчи сифатида танила бошлади. Ҳозирги кунда радио орқали йигирмадан ортиқ қўшиқлари янграб туради. Улар орасида «Соғинмадингму интизорингни» (К. Комилов мусиқаси, Ҳ. Муҳаммад шеъри), «Сезмадинг нечун?» (С. Тўхтасинов мусиқаси, Ҳ. Муҳаммад шеъри), «Висол айёми» (К. Комилов мусиқаси, З. Обидов шеъри) каби қўшиқларни, «Чаманда танҳо», «Пахтакорларга» каби дуэтларни кўрсатиш мумкин.



Агар театрда дастлаб иш бошлаганида Аббос Бакиров, Ойсар Иброҳимов, Қамара Бурнашева каби санъаткорлар кўмаги, маслаҳати унга мадад бўлган бўлса, қўшиқчилик фаолиятида Муҳаммаджон Мирзаев, Комиссар Комилов, Салоҳиддин Тўхтасинов каби устозлар ёрдами катта бўлди. Филармониядаги фаолиятининг фойдали томони шунда бўлдики, у асосан сафарларда юриб, бевосита меҳнаткашлар ҳузурида қўшиқ куйлади. Нодира опа 1986 йили республика Ёш томошабинлар театрига ишга келди. Албатта, катталар билан болаларга томоша кўрсатишнинг ўзига хос фарқли томонлари бор. Ўз ишини севган актриса фаолияти мазмунини шароитга қараб ўзгартиришга муваффақ бўлди. Бутун театр жамоаси, айниқса, Манзура Ҳамидова ва Муҳаббат Йўлдошева кўмагида ижодий гуруҳ фаолиятига тезда мослашиб кетди. Энди Н. Аҳмедова кичкинтойларнинг севимли қаҳрамонлари образларини маҳорат билан ижро эта бошлади ва кўп ўтмай болалар меҳрини қозонишга эришди. «Қизил шапкача»да онаси, «Сирли сандиқ»да эртакчи аёл, «Паҳлавоннинг ўғирланиши»да Малика, «Карра-карра»да жодугар... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

— Тақдир мени болалар театри билан боғлаганидан жуда хурсандман, — дейди актриса. — Чунки бола қалби беғубор, ишонувчан бўлади. Сени фақат тўғри сўзлашга, самимийликка, сидқидилдан рол ижро этишга ундайди. Саҳнадан болажонларнинг чақноқ, қизиқувчан кўзларига қараб туриб илҳом оламан, яшариб кетгандек бўламан.

Дарҳақиқат, бугун Нодира опани ярим аср тенгдоши демайсиз. Биз у кишига ҳамиша шундайин ёшлик, бегуборлик ҳамроҳ бўлишини, ижод саҳифалари бойиб бораверишини тилаб қоламиз.

Г. УМАРОВА

ХОНАНДА ВА МУРАББИЙ

Ривоят қилишларича, Худо одамзодни яратиб, унга ризқ улашганда, санъаткорга ризқ ажратиш эсдан чиқиб қолган эмиш. Шунда бошқалардан бир чимдим олиб, санъаткорга ризқ ато этибди. Санъаткорнинг эл орасидан ризқини териб ейиши шундан қолган экан. Лекин санъатнинг нонини ейиш ҳар кимга насиб этавермайди. Бунинг учун туғма истеъдод керак. Раҳим аканинг ризқи санъатда экан. Бўлмаса, Норин билан Қорадарё бўйларида чопқиллаб, опа-сингилларига эрка, ота-онасига арзанда бўлган якка ўғил Тошкентга азимга интилиб, Санъат институтига ўқишга кирармиди! У институтни битиргач, Раззоқ Ҳамроевдек улуғ санъаткорнинг назарига тушиб, Муқимий номидаги театрга ишга таклиф қилинади. Театрда Лутфихон ая, Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаевдай буюк санъаткорлар билан бир қозондан ризқ ейишга муяссар бўлади. Кейинчалик Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясида хушовоз хонанда сифатида эл назарига тушди. Қарийб ўн етти йилдан буён эса Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида саҳна нутқидан сабоқ бериб келмоқда.

Ҳа, хушовоз хонанда, тажрибали муаллим Раҳимжон Исмоиловга қутлуғ эллик ёшида ҳам санъатнинг нонини ейиш насиб қилган экан, демак, у санъати билан халқимиз орасида ардоқланаётган инсонлардан бири.

Нафсиламрини айтганда санъатнинг нонини ейиш учун аввалambор кенг феъл, улкан сабр ва бардош, изланувчи юрак, ўткир зеҳн, ҳаловатлардан кеча олувчи матонатли қалб, муҳими, муҳаббат керак. Институтни битириб, Муқимий театрига ишга таклиф



этилишидек бахтга муяссар бўлган Раҳимжон, Тошкент билан Наманган ўртасида қатнаб, не қийинчиликларни бошидан кечирмади. Лекин у санъаткорона заковат билан, ўзи туғилиб ўсган Чужа қишлоғида интизорлик билан кўз тутган ота-оналарининг ҳам, санъатнинг ҳам кўнглини ола билди. Шу боис қутлуғ ёшга яхшигина ижодий ютуқлар билан кириб келди.

Бугунги кунда Раҳимжон Исмоиловна халқимиз Ўзбекистон радиоси орқали янграб турган «Камтарлик билан» (П. Мўмин), «Атиргулнинг тикони» (Т. Тўла), «Тинч-омон бўлса» (Шуҳрат), «Тинчлик мадҳияси» (Уйғун), «Одам ва атом», «Малика» (Н. Нарзуллаев), «Ўзбегим» (Э. Воҳидов) ва бошқа қалбга яқин қўшиқлар ҳамда қатор классик ашулаларни маҳорат билан куйловчи хонанда сифатида яхши танийди.

Маданият институтида ундан таҳсил олган, бугунги кунда мустақил жумҳуриятимиз санъати ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшишга ҳаракат қилаётган шогирдлари Раҳим аканинг ғайратига, касбига садоқатига ҳавас билан қарайдилар. Биз ҳамкасблари эса уни яхши санъаткор ва инсон сифатида ҳурмат қиламиз.

Дилингиздаги барча яхши ниятларингиз амалга ошсин. Дилнавоз қўшиқларингиз билан қалбларимизни сайд этиб, доимо эл ардоғида бўлинг. Санъатнинг қутлуғ нонини ейиш юз ёшингизда ҳам қасиб этсин.

Сайфиддин ОДИЛОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг ўқитувчиси



ЭЪЛОН

«Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидаги китобларга обуна эълон қилади:

1. Мажид ҲАСАНИЙ. «ТУРКИСТОН БОСҚИНИ». Баҳоси 10 сўм.
2. Эркин ВОҲИДОВ. «ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ». Шеърлар. Баҳоси 10 сўм.
3. Шуҳрат УМАРОВ. «АРМОН». Шеърлар. Баҳоси 6 сўм.
4. Амир Темур КЎРАГОН. «ЗАФАР ЙЎЛИ» (таржимаи ҳол). Баҳоси 20 сўм.
5. ЗИРОАТНОМА (Деҳқонлар китоби). Баҳоси 10 сўм.

Бу китоблар «Мерос» кичик корхонаси томонидан тарқатилади. Муштарийлар мазкур кичик корхона жорий ҳисобига пул ўтказгач, китоблар маълум қилинган манзилга жўнатилади.

Почта орқали пул ўтказганингизда манзилингизни аниқ кўрсатишингиз лозим.

МАНЗИЛИМИЗ: 700113, Тошкент, Чилонзор даҳаси, Қатортол кўчаси, 60-уй, 6-қават.

«МЕРОС» КИЧИК КОРХОНАСИНИНГ ЖОРИЙ ҲИСОБИ:

000609539, Миробод туман саноат-қурилиш банки. МФО 172682312.

ОРОМГА ИЛИНЖ БОРМИ?

Боши биринчи бетда

Пешонага битта уриб майдонни тарк этайми ё?
Киссасига қўлни суққон тулки, қуён ботир бўлди.
Умид билан узғон гулим қолди қўлдан қўлга ўтмай,
Пули борни кўтар-кўтар дарҳол олур-тошур бўлди...

Абдимурод бундан бешолти йил бурун ижод аҳлига, марказга яқин бўлиш тилагида тоғдаги Мачай қишлоғини тарк этиб, чўлга кўчиб келди. Бир гала фарзанд. Еярман, ичарман, киярман. Турмуш кечириш оғирлашди. Яна қадрдон қишлоғига, хели-хешти қучоғига қайтиб кетди. Унингдек сарсон-саргардон ижодкорлар камми? Вилоятимизда тожик тилида ижод қиладиган талайгина ёшлар бор. Қўшни Тожикистон нашриётларида қалин-қалин китоблари чоп этилган. Бозор иқтисодиёти, қоғоз муаммоси туфайли бу тоифанинг ҳоли ҳам хароб бўлди. Кимга, қайга мурожаат қилиш, китоб чиқариш йўлини йўқотиб қўйишди.

Бир аламзада донишманд айтганидек, ҳар қандай шароитда ҳам, ҳозиргиси ҳам бундан мустасно эмас, барибир, чинакам истеъдод соҳиблари ёрдамга муҳтожлик сезишаверади, истеъдодсизлар эса йўлини топиб кетаверади. Балки бунда ҳам қандайдир қонуният бордир. Хуллас, асар саралаш китобхон ихтиёри. Аслида-ку, шундай, лекин баъзан адабиётнинг кечаги куни, бугуни тўғрисида гап кетса, ер чизиб қоладиган пайтлар ҳам бўлиб туради. Бир мунозара-учрашувда қилни қирқ ёрар бир китобхон, сизлар пахта, темиртақа, буюм ёзувчилари, одамга, унинг ахлоқу одобига хиёнат қилгансизлар, деганида роса изза бўлганмиз. Бундай китобхон билан тортишиб, бирон нарсани исботлашга уриниб ўтирманг, уялиб қоласиз. Аччиқ таъналарига бардош бериш қийин.

Илгарилари вилоятдаги адабий жараён хусусида гап кетса, тилимиз қисиқ бўларди. Чунки ижодкорнинг меҳнат маҳсули, пировардида ўзининг ҳам тақдири юқоридаги нашрларга боғлиқ эди. Бу тўсиқ бора-бора барҳам топади. Шубҳасиз, келажак жараён тўғрисида ҳам иккиланмасдан баралла — вилоятларда ўзига хос адабиёт, адабий жараён, оқимлар, мактаблар юзага чиқади, деб айтса бўлади. Бу истовлар узоқ келажакда. Ҳозир эса аччиқни ҳам, нордонни ҳам татиб турибмиз.

КИТОБ ДЎКОНЛАРИНИ КЕЗАМАН — одамлар сийрак. Китоблар қиммат. Учрашувларда қатнашиб турамиз. Эски анъаналарга ҳурмат важидан таклиф этишади. Ёшларнинг қулоғига ижодкорларнинг сийқа машқлари ёқмайди. Кутубхона, қироатхоналарга бош суқаман — бўм-бўш. Башарият заковати мероси-мевалари ўқувчисига мунтазир. Илм-маърифат уруғлари, инсон ҳаётида муқаддас бўлмиш барча қадриятларга замин ва озуқа бўлмиш бу мангу бебаҳо хазина меросхўрларини топиш қийин... Заколар ҳиммати, ҳикмати шунчалар беэътибор экан бизнинг ҳасратларимиз кимга керак. Қадр ва ҳурмат қўмсаш жоизми?..

Тақдир тақозоси билан ўзимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, кейинги икки-уч йил қизғин ҳаётдан четлашиб кетдим. Дўхтирлар кўп нарсадан чеклаб қўйишди. Асаб, ҳаловатни бузманг, ғалвалардан йироқроқ юринг, кўпроқ сайр қилинг, дейишди.

Термизнинг номи баланд бўлгани билан ўзи кичик шаҳар. Қаерга ҳам борасиз. Диққинафас хонада ҳадеб ўтиргандан фойда чиқмайди. Даштларга чиқаман. Даштлар овлоқ, эркин. Чучварани хом санаганимни «Гулбаҳор» қишлоғига етаретмас англайман. Бир томони Аму, афғон ҳудудларига, иккинчи тарафи қўшни Тожикистоннинг Хатлон (эски Қўрғонтепа) вилоятига туташ. Йўлтўсарни (шлагбаум) қуролланган милиция, ҳарбийлар қўриқлаб турибди.

ОДАМ ЗАҲРИНИ ОДАМ олади. Гавжум дўконларни кезаман — хунобим ошади. Одамлар мендан баттар асабий, жиртаки, сиркаси сув кўтармайди. Бозор — ғам-ҳасратни ёзар. Бозор — ҳуррият. Бозорларни томоша қиламан. Мева-чеваларнинг нарх-навосини бошида сўраб кўрдим. Кейин бундан воз кечиб, кўпинча қувончимни кўзларимга тўпладим. Мени булар эмас, одамлар, уларнинг ўзаро муомалари, олди-бердилари, гап-сўзлари қизиқтиради.

Бошига оқ чорси ташлаган бир нуроний кампирга кўзим тушди. Икки кўзи атрофда. Қандай харидор излаяптикан? Яқин бориб қарасам, сурп халта тўла тутқоқи. Ҳидлайман. Ўткир, ачқимтир шотут бўйини ва нордон-тахир лаззатини туяман. Сезгиларим бундай антиқа ҳидларни унутганидан шундай бўлади. Бир донасини оғзимга соламан. Шўрттак, ширин. Тоза, битталаб териб қуритилгандек.

— Олинг, болам, шотутнинг қоқи. Юракка даво.

Юрагим оғришини бу кампир қаердан билади.

— Еб кўринг, Аттанг, емагансиз-да. Тишларингиз милкларига ёпишади. Қўрқманг бундан, бол боғлаб кетган. Таъмини ҳам, ҳидини ҳам кейин сезасиз. Пушаймон бўлмайсиз... Болам, қулоғингизни беринг.

Мен энгашаман, кампирга қулоғимни тутаман.

— Биласизми, буни саралаб терганман. Ўғлим жуда яхши кўрарди. Оғзига солиб, шимиб юрарди.

— Ўғлингизга атаб қуритган бўлсангиз, нега?..

Калимам оғзимда қолади. Кампир шивирлайди:

— Ҳалок бўлди у. Отиб кетишди. Шўрлик бир гала қароқчи безорига бас келаман, деб жувонмарг бўлди. Шаҳарда милиса эди. Яқинда ажралдим ундан. — Кампир, ҳатто кўзларига ёш ҳам олмади. Тамшаниб, хўмрайди, кейин:

— Кўпга келган ташвиш экан. Осмон йироқ, ер қаттиқ. Додимни кимга айтаман. Ким эшитади? Ҳеч ким... Ана шу ўғлим шотут қоқи деса ўзини томдан ташларди. Мен бўлса ёзда ўғлимга деб анча-мунча тутқоқи ғамловдим. Ундан бўлак бизда тутқоқини ҳеч ким емайди. Тураверса, қуртлаб кетади. Увол. Бозорга олиб чиқаман. Шу баҳона милиса қийим қийган йигитларни кўраман. Ўғлимни кўргандек бўламан.

Эҳтиётлаб юрган юрагим гупиллаб ура бошлайди.

— Онахон, айтинг, ҳаммаси қанча бўлади?

— Болам-ей, сотармидим. Олинг, енг, ош бўлсин. Ўғлимнинг руҳига дуо қилсангиз бас.

Мен шотут қоқидан бир сиқим оламан. Карнай қоғозга соламан.

— Ҳаммасини олинг, болам.

— Йўқ, онахон, раҳмат. Тутқоқининг таъмини бошқалар ҳам туйсин.

— Қани эди, ҳаммага етса. Савоби бир олам бўларди, — дейди кампир.

— Сабоғи ҳам, — дейман онахонга қайишиб.

Дилхасталарни, айниқса, ижодкорларни эҳтиётлаб сақлаш керак, деган эски чўпчакка астойдил ишонган дўхтир ҳолатимни кузатиб туриб, хайфсинади: асабни сақланг, дунё ташвишларига кўп ҳам эътибор берманг, дегандим-ку, дейди. Устоз Хайём шивирлайди, у ҳам насиҳат қилади:

Дил мулкида бўлмоқ керак кўп ҳушёр,
Жаҳон ишида-чи беуну бекор.
Икки кўз, тил, қулоқ омон чоғида,
Кўз, тил ва қулоқсиз бўлмоқлик даркор.

Дала-даштларга боқ, она табиатга қулоқ бер, дейди у яна:

Гул бағрини насим тилди, тўкилди,
Саболарга роз ўқиди, сўкилди.
Фалак ишига боқ,
бир ҳафтада гул — Чиқди, ғунчалади, кулди, тўкилди.

Аму соҳилларида савағич ғижжажор, юлғинзор кўп. Ғижжанинг попуклари чамбарак, оғирлигидан эгилиб турибди. Унинг пойида юлғинлар шох ташлаб гуллаб ётибди. Нилий, напармон, пушти гуллар гулхан бўлиб ёнади. Ёр шўрхок, пўрсилдоқ, муз ёрилгандек парча-парча синиб ётибди. Ўзимча ўйлайман, ахир шулардан андаза олсак бўлади-ку. Аҳли қаламкаш ижод остонасидан хатлаб ўтдими, юлғин ўзини шўрхокка мослаштиргани сингари, у ҳам ўзини турмуш тўсиқларига ҳозирлаши зарур. Мурувватга умидворлик нодоннинг иши. Йўлини қилганлар давраларнинг тўрига ўтиб олишади. Маънавият ривожига анча-мунча панд берса-да, маддоҳликдан жирканмаслик керак, дейди кимдир. Эҳтимол. Мен антик маданият обидаси Холчаённи қазишда иштирок этганман. Деворларга чизилган суратлардаги шоҳлар ҳузурида сарой аёнлари орасида шоирлар, масхарабозлар, чолғучилар ҳам кўп эди. Улар орасида қанчаси маддоҳ бўлган. Демак, маддоҳлик ҳам энг кекса касб, одат...

Қаранг-а, дўхтирнинг ўгитлари яна хаёлдан кўтарилибди.

Куз фаслининг поёни кўриниб қолди. Баҳору ёзда сизу бизни мафтун этган у кўклар, бўёқлар, шууру тилаклар сўнг бор туҳфа рангда товланиб, хазонрезликка юз тутмоқда.

Ҳамма тинч ухлаб ётганида машинага ўтираман-да, шаҳардан чиқаман-кетаман. Олисларда куз аёвми, файз. қут сочган далалар, ҳосили йиғиштирилган афтода ангаралар, қишолди барқут гилами-сепини ёйган бедазорлар қучоғида ҳаловат топгандек бўламан. Сирдошларим менга муштоқ, ҳамроҳ. Замин ва осмон. Ораликда эса мен, қушлар, кўкатлар, ҳашаротлар, хазонлар.

Сочилган, тўкилган, еллар келтирган хазонларни тўплаб гулхан ёқаман. У тутаб-буруқсиб, вишиллаб ёна бошлайди. Аланга тиллари кўтарилгани сайин ёрдуга ўч ҳашаротлар учиб келади. Шошқалоқ парвоналар дабдурустдан ўзларини аланга-га ташлайди. Бир зумда куйиб, жизғаноғи чиқади. Дилда яна шарпа қўзғалади. Эҳтиёткор ҳашаротлар айланишиб юришади. Тун совуғида қақшаган қўлларимни оловга тоблайман. Атроф жимжит. Йироқларда итлар, тўқайзорларда шоқоллар ҳуради, увлайди.

АЛАНГА ЁЛҚИНИГА ТИКИЛИБ хаёл сураман. Бир замонлар Искандар Зулқарнайн юришларини битган тарихнавис Квинт Курцийнинг шоирона бир хитоби тилим учида айланади:

«...Кафонтеп тоғларида (Боботоғ) кечалари машъалалар ёнур... Тунда йўлга чиққан карвонлар, йўлдан адашган қўшинлар бу сирли машъалаларни узоқлардан четлаб ўтишади...».

Боботоғда, Аму соҳилларида тунлари ёнаётган гулханлар тобора кўпаймоқда. Гулханлар ҳушёр бўлишга ундайди. Мен ҳам бу тун ўз гулханимни ёқдим. Зора, таранг, ожиз асабларим илиса, хаста дилим ором олса. Айтинг, бугунги кунда оромга илинж борми?



ҚЎШИҚ ВА РАҚС ШАВҚИ.

Эшитмадим деманглар!

«ИПАК ЙЎЛИ»— ЯНГИ ГАЗЕТА

Мустақил Ўзбекистоннинг оммавий матбуоти яна бир янги нашр билан бойиди. Ўзбекистон Маданият жамғармаси таъсис этган «Ипак йўли» газетасининг илк сони ўқувчилар қўлига тегди. Ижтимоий-иқтисодий, адабий-бадиий ва маърифий йўналишда ҳар ойда икки бор нашр қилинадиган янги газетага «Эътиқод — дунёнинг таянч нуқтаси» деган сўзлар бош шиор қилиб олинган.

Газета Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг бугунги осойишталиги, ишончлиги келгусида Туркистоннинг бир бутунлигига асосдир!» — деган сўзлари ҳамда улуғ соҳибқиронимиз Амир Темур Кўрагонийнинг «Бизким, мулки Турон, амири Туркистонмиз. Бизким, миллатларнинг энг қадимги ва энг улуғи — туркнинг бош бўғинмиз...» деган ажойиб сўзлари билан очилади. Шунингдек, илк саҳифадан «Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори ҳам ўрин олган. Буюк Ипак Йўлининг харитаси берилган. «Бугун биз маънавий тарихимиз алифбоси билан юзма-юз турибмиз. Муаллимлар керак, ўқиб-ўқмоққа қодир журъат, муносиб ўринбосарлар керак. Бу улкан мушларнинг аввалини «Ипак йўли» газетасини нашр этишдан бошладик. Биринчи қадам, эзгу ният Сиз билан биз... ёрдамингизни аяманг, фикрлашайлик, меросимиз, маданиятимиз, миллатимизнинг нақни жону дили, балки байроғига айланайлик» деб муштарийларга мурожаат қилади газетани таъсис этувчи Ўзбекистон Маданият жамғармаси Бошқарувининг раиси ёзувчи Мамадали Маҳмудов.



Шу сонда туркиялик олим ва ёзувчи Ўрхон Қовунчининг «Гўзал Туркистон» сарлавҳали мухтасар мақоласи ҳамда «Ипак йўли» муҳаррирятининг «Баҳоуддин ўтган йўллар бўйлаб» деб аталган кичик экспедиция ўтказиш хусусида Бухоро вилояти ҳокимига таклиф-мактуби ҳам ўрин олган.

Тўрт саҳифалик газетанинг ички ва охирги бетларида «Бош шиор шарҳи», «Бобурнома»дан парча ва «Заҳириддин Муҳаммад Бобур фармони», профессор Малик Мурадовнинг «Туркон эл қадриятлари» мақолалари, Василий Бартольд қаламига мансуб «Темурнинг дафн этилиши» мақоласининг бош қисми, шоир Тилак Жўранинг «Рўёбга чиқаётган рўёлар» сарлавҳали мақоласи, шеър ва ҳикояга мавзулар, бошқа ранг-баранг мавзудаги чиқишлар, хабарлар билан таништасиз.

Газетанинг бош муҳаррири ёзувчи Ражаббой Ота Турк.

«Ипак йўли» — йўлинг ойдин, манзилларинг нурафшон бўлсин!

Ўз мухбиримиз.

ИЖОДКОР ТЎЙИ

Жумҳуриятимиз адабий жамоатчилиги таниқли адиб, олим ва таржимон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад **Алининг** ярим асрлик тўйини кенг нишонлади. Ўтган жума куни Тошкентдаги «Баҳор» концерт кошонасида ана шу воқеага бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил **Ёқубов** олиб борди. Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон **Умрзоқов** Президент Ислом Каримовнинг шоирга йўллаган табригини ўқиб берди ва Президент Фармони билан Муҳаммад Алига берилган «Халқ ёзувчиси» унвони нишонини унинг кўксига тақиб қўйди.

Шундан сўнг адибнинг ижодий йўли, қаҳрамонлари, она тарихимизни бадиий тадқиқ этишдаги муносиб хизматлари ҳақида адабиётшунос олим Бегали **Қосимов** мухтасар сўз айтди. «Тарихий мавзу унинг биринчи тўплами — «Фазодаги ҳислар»дан охирги китоби — «Ошиқ бўлмай, Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас»гача етакчи мавзу бўлиб келди, — деди нотиқ. — Муҳаммад Али қулликни бўйнига олмай, тақдирга қарши исён қилган Муқанна ва Спитамендан сўзлади. Кечмишнинг гирдобли тубига боқишга, ўтмишнинг бекиқ дарчасини очишга ҳаракат қилди».

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси номидан уюшма биринчи котиби Жамол **Камол**, Адиблар иттифоқи номидан ёзувчи Саид **Аҳмад**, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси номидан Абдураззоқ **Юнус** ўғли, Андижон вилоятидаги Бўз тумани меҳнаткашлари номидан туман ҳокими Ҳабибулла **Янгибоев**, Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек тумани ҳокими муовини Илҳом **Расулев**, А. Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси номидан унинг директори Тўра **Мирзаев**, Ўзбекистон республикаси Нашриёт ишлари давлат қўмитаси ва «Шарқ юлдузи» ойномаси номидан Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёт бирлашмаси бош директори Бобохон **Шариф**, Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси номидан Ботир **Норбой**, шунингдек наманганлик адиб Абдулла **Жалил**, қашқадарёлик ёзувчи Муҳаммад **Очил**, андижонлик шоира Турсуной **Содиқова**лар ярим асрлик тўйини нишонлаётган шоир шаънига қутлов сўзларини айтдилар.

Кеча аҳли Ўзбекистон халқ шоири Абдулла **Орифнинг** дил сўзларини тўлқинланиб тингладилар. Абдулла ака Муҳаммад Али билан ижодий дўстлиги, унинг юртига, халқига, она тарихимизга куюнчак ижодкор эканлиги ҳақида сўзлади. Афғонистонлик олим ва адиб Абдулҳаким Шаръий **Жузжоний**, шоирнинг узоқ-яқиндан ташриф буюрган дўстлари уни қутладилар, тошкентлик санъаткорлар М. Али шеърларидан ўқишди, куй, қўшиқ ва рақслари билан кечага файз киритишди.

Ниҳоят ярим асрлик тўйини нишонлаётган адибнинг ўзига сўз берилди. У шундай қутлуғ кунларга етиб келганимга шукурлар қиламан, деди. Ижодий меҳнатини юксак қадрлаганликлари учун миннатдорчилик билдирди, «Гумбаздаги нур» достонидан улуғ бобомиз Амир Темурга бағишланган бобни ўқиб берди.

Тантанали кечада Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. **Самандаров**, жумҳурият Президенти девонининг масъул ходимлари **О. Матжон** ва Ш. **Яҳёев** иштирок этишди.

БИЛДИРИШ.

Ўзбек классик адабиётининг намоёндаси, халқимизнинг севикли шоири ҲАЗИНИЙнинг 125 йиллик юбилейи шу йил 1 декабр куни Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театри биносида соат 17.00 да очилади. Кечада таниқли шоир-ёзувчилар, хонанда ва созандалар иштирок этадилар.

Юбилей тантаналарига марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲАЗИНИЙ ЮБИЛЕЙИНИ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, шоир

Эргаш ЁНДОШ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чин дилдан ҳамдардлик билдиради, таъзия изҳор қилади.

Аллоҳ раҳмат қилсин!

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ



ОЛТИН ТОЖЛИ ХЎРОЗИМ...

С. МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси

Муҳаммад ОЧИЛ

ОҲ, МАРИАННА, ВОҲ, МАРИАННА

ЕХУД
«БОЙЛАР ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ» ТЕЛЕСЕРИАЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР НАЗДИДА

«Исм — одамнинг ҳусни» деганларига унча ишонмасдим. Аммо, яқинда бу ҳикматнинг чиппа-чин эканини ўз бошимдан ўтказдим. Товуғимга Марианна деб ном бергандим, ўша куниёқ ўғирлаб кетишди, сигиримни эса Сара деб чақирувдим, лаънати сут бермай қўйди...».

Б.БЕГАЛИЕВ,
нафис адабиёт ўқитувчиси

●

ЭЪЛОН

«Ҳурматли шаҳримиз гўзаллари, нафосат ва севги маликалари! «КАФОЛАТ» фирмаси ижодий жамоаси «Жимминнинг кўз ёшлари», «Охунжоннинг мўйлови», «Изаура», каби материалларни бир кийишдаёқ шарманда қиладиган «Воҳ, Марианна» деб номланган кузги ва ёзги кўйлак моделини сизларнинг дидингизга ҳавола этади. Либос баҳоси, шунингдек бир маротаба ушлаб кўриш келишилган нархда. «Марианна»ни эгнига лоақал бир маротаба ташлаганлар дунёда ўзини бой ва бахтиёр инсон сифатида ҳис қилишларига «Кафолат»чилар кафолат беради. Шошилинг, буюртмалар йил охиригача қабул қилинади, холос.

«КАФОЛАТ» ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

●

«Бойлар ҳам йиғлайди»даги «бойлар»нинг бойлигига **шубҳам бор. Исбот керакми, марҳамат: Айтайлик бир** эпизод: Луис Альберто не машаққатлар чекиб, ўлай-нетай дея севган ёри Марианнага уйланди. Хўш, деб туринг. Энди, шунчалик орзиқиб кутилган «бойларнинг тўйи»га бир эътибор беринг. 10-15 меҳмон, еганлари пирожное, ичганлари эса... Э, баччағар Луисбой, тўй қиларкансан, иккита жонлиқнинг қонини оқизиб, беш яшик бўйни узундан қўялмасанг, қани бойваччалигинг? Кинодан хулоса чиқарганим шу: Яшасин «камбағал» **ўзбек халқи!**

Эркин ТЎРАЕВ,
усто

●

Подумаеш, Марианна «приятный ва гўзал!» Бўлса бордир, аммо, между прочим, ўша артистка жудаям древняшка экан. Ҳалиги кинони бошида подмузика билан клиентларини ботинкасини чистка қилади-ку... Ўшанда, этагини тортиб, тиззасидан юқорисини спрячит қиладими-ей! Что за артист?! Улай агар не поняла!

РАЯ (Райҳон),
руслит студенткаси

●

...Иш соати 6.00 да тугайди. Бироқ «Бойларнинг йиғлашини» томоша қилиш учун ходимлар соат 5.00 дан қуённинг расмини чизишмоқда. Натижада Бойларга қўшилиб «Бошлиқлар ҳам йиғлашмоқда».

А. НИЁЗОВ,
бошқарма бошлиғи

●

Савдо соҳасида тер тўксакда ҳаётдан орқада қолмаслик учун, газит-пазит ўқишга вақт тополмасам ҳам, кино-пинони постоянно кўриб бораман. Ёшлигимдан индийский киноларни кўп кўрган учун индийсий қизга уйланишни ният қилгандим, аммо орзуимга етолмадим. Шунинг аламига уч маротаба хотин олиб, хотин қувордим... Хуллас, яқинда тўртинчисига уйланиш тўйим бўлади. Телевизордан ўзим кўрдим, Марианна «Йиғлаш»дан ташқари қўшиқ айтишни ҳам қийиб қўяркан. Тўйимга келармикин-а? Айтганини бермаган номард!

Яхшимурод БОЛТАЕВ,
«ОРЗУ» савдо-акционерлик жамияти сотувчиси

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ТЕЛЕСЕРИАЛ

АҲМАД ОҒА

БОЙЛАР ЙИҒЛАБ БЎЛДИ

АДОЛАТ ТИКЛАНМОҚДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Пойтахт маркази. «Ми» вертолётига яхшилаб ўрнашиб олган тасвирчи аввалига Олой бозори, сўнг Чорсу бозори устидан учиб ўтар экан, расталарни такрор-такрор кўрсатади. Гўшт ва картошканинг бозори, айниқса чаққон. Вертолёт бекатларда тизилишиб турган таксиларни, темирйўл вокзалининг ғала-ғовур ҳовлисини ортда қолдириб отчопар майдонига яқинлашади. Ана бозору, мана бозор. Ҳаёт қизғин.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Троллейбус навбатдаги бекатга келиб тўхтайди. Эшиклар очилади. Оломон ўзини ичкарига уради. Турт-сурт. Бақир-чақир. Бир мўйсафид қоп орқалаб олган. Аёлнинг қўлида тоғора.

Ҳайдовчи асабий: «Ҳой мусулмонлар, нима, эшик синса ҳисобми?...»

Мусулмонлар парво қилишмайди. Бир неча киши эшик тутқичига осилган, кимнингдир шляпаси учган ҳолда, троллейбус ўрнидан базўр қўзғалади.

Осилиб кетаётганлар орасида зиёли бир киши эътиборимизни тортади. Қўлида қора чармли семиз портфел. Шу алпозда бурнига тушиб кетаётган кўзойнагини бир неча бор тўғрилайди.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ.

Олий ўқув юртларидан бири. Ўқув аудиторияси. Талабалар. Тижорат магазинининг намойишлар залини эслатувчи турфа ранг кийимлар. Қўнғироқ чалинганига афтидан бир неча дақиқа бўлган, аммо домладан дарак йўқ.

Тасвирчи жажжи ойначасига қараб лабини бўяётган чиройли қизни, аудитория бурчагида, эҳтимолки, севгилиси қулоғига аллаюмаларни шивирлаётган мўйловли йигитни кўрсатади. Бошқа бир талаба радиоласини қулоғига тутиб, нимани-дир мириқиб тингламоқда.

Эшик очилиб, хонага домла кириб келади. Бу — бизга биринчи кўринишдан таниш, троллейбус эшигига осилиб келаётган зиёли. Қўлида семиз чарм портфел.

Домла бироз кеч қолганига узр сўрайди. Лекция бошланади: «Шундай қилиб, жамиятимизда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Биз ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бормоқдамиз. Чуқур илдиз отган иллатлар аста-секин барҳам топмоқда. Яъни, социал адолат тикланмоқда. Бу ғоят муҳим, ўртоқлар...».

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Олийгоҳда сафоқлар тугаган пайт. Талабалар тўп-тўп бўлиб бино ичкарисидан чиқмоқдалар. Кўпчилик автобус, троллейбус бекатлари томон йўл олади.

Олийгоҳ ҳовлисида турфа ранг, турфа хил машиналар. Иккинчи кўринишдаги талабалар кўзга ташланади. Улар кўзни қамаштиргудек ялтираб турган машиналарига бирин-кетин ўтира бошлайдилар. Магнитофонда «Ламбада» мусиқаси янграйди.

СЎНГГИ КЎРИНИШ

Серқатнов кўча. Таниш талабаларнинг машиналари бир-бирлари билан қувлашмачоқ ўйнашгандай елдек учиб бормоқда.

Троллейбус. Одам тирбанд. Ҳайдовчи асабий. Таниш зиёли эшик тутқичини ушлаган ҳолда аранг осилиб бормоқда. Кўзойнаги бўлса ҳадеб бурнига тушиб кетади.

Ходимлар рўйхатга қўл қўйиб пул олмоқдалар. Улардан бири дасталанган бир ҳовуч пулни олиб салмоқлаб кўради. Бошини сарақ-сарақ қиладию, кадрдан узоқлашади.

Кассага Сўпиев яқинлашади.

— Ассалому алайкум, холажон, бой бўладиган кунимиз экан-да, а!

Сўпиев рўйхатда йўқ, унга пул ёзилмаган.

— Нега ёзилмаган? — жанжал кўтаради Сўпиев, — кечани кеча, кундузни кундуз демай ишласагу нега ёзилмас экан?

— Мен қаёқдан билай, бошлиққа учрашинг, — дейди кассир аёл парво ҳам қилмай.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Сўпиев бошлиқ хонасига ҳаяжон билан кириб боради. Бошлиқ бош ҳисобчини чақиради.

— Хўш, — дейди бошлиқ муғомбирона, — ўртоқ Сўпиевга нима учун маош ёзмадингиз?

— Ўртоқ Сўпиев уч кунлик командировкага кетиб роппа-роса ўн уч кунда қайтиб келди, — жавоб беради бошбух. — Топшириқ бажарилмаган. Бунинг устига...

— Хўш, нима, бунинг устига, — дейди бошлиқ.

— Мана, ўртоқ Сўпиевнинг ҳисоботи. — Бош ҳисобчи шундай деб стол устига бир даста ҳужжатларни қўяди. Бошлиқ уларни кўра бошлайди.

— Ие, ўртоқ Сўпиев, ҳаммаси жарима бўлиб кетибди-ку?

Сўпиев бирдан мулойимлашади.

— Энди, хўжайин, шунақа бўлиб қолди-да...

— Нима бўлиб қолди?

— Шу десангиз, шошилиб поезд паттасини уйда қолдириб кетибман. Поездга паттасиз чиққансан, деб жарима солишди.

— Шунақа денг, унда мана буниси нима?

— Хўжайин, шу десангиз, бегона шаҳар эмасми, йўлдан шундоқ ўтаётган эдим, инспектор келиб, «Ўртоқ гражданин, йўл ҳаракати қоидасини буздингиз», дея жарима солса бўладими?

— Шунақа денг, майли, аммо мана бунисига баҳона топа олмасангиз керак?

— Э, хўжайин, нимасини айтасиз, омадинг бир кетмасин экан. Кечаси чой ичадиган одатим бор. Чой ичмасам бошим тарс ёрилиб кетади. Шу десангиз, кечаси чой қайнатиб ичмоқчи бўлдим. Чойни қўйибману ухлаб қолибман. Озроқ ёнғин чиқиб десангиз... Йўқ, йўқ, катта талафот бўлгани йўқ. Барака топгур, ўт ўчирувчилари хўп азамат йигитлар экан, бирпасда тинчитишди-қўйишди. Бор бутимни тўладим, қолганига тилхат ёзиб бердим.

— Хўп, бунисини ҳам тасодиф дейлик, ўртоқ Сўпиев, мана бунисига бало борми?

— Қайсиниси хўжайин? — Сўпиев ҳужжатни қўлига олади ва бирдан яйраб кетади.

— Э, хўжайин, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, маст эмас эдим. Ҳушим жойида эди. Бирдан танца бошланиб қолса бўладими? Биттаси назаримда, мени таклиф қилгандай бўлди. Ўртага тушиб энди белига қўлимни қўйганимни биламан, барзанги хуштори ёнида экан, ҳе йўқ, бе йўқ, ҳақорат қилиб қолса бўладими? Қўлим билан тушунтирмоқчи эдим, у фаросатсиз тушунмай, юзимга тарсаки тортворди. Қараб туролмадим. Аммо хўжайин, бу ёғини қойил қилдим.

— Нимани қойил қилдинг, Сўпиев?

— Нимани бўларди, хўжайин, ўн кун станцияда кўмир туширдим. Виждонан ишладим. Баъзиларга ўхшаб ишдан қочмадим.

— Ҳой, Сўпиев, ҳаммаёқни расво қилибсан-ку. Ҳатто командировка билетига муҳр ҳам бостирмай келибсан-а?

— Э, хўжайин, шунисига келганда айбдорман. Бўйнимга оламан. Шошилиб Наманган поездига ўтираман, деб Қаршига кетворибман-да. Ўлай агар...

— А?..

ШИША

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Баҳор. Чор-атроф ямяшил. Қир-адирларда лолақизғалдоқлар қийғос очилган. Шаҳарликларнинг шаҳар ташқарисига саёҳатлари айни авжида.

Катта, серқатнов йўл. Икки ён — бепоён далалар. Мовий осмон. «ГАЗ—24» машинасида 4—5 улфат «маёвка»га кетишмоқда. Озиқ-овқат шу қадар мўл олинганки, машинанинг орқа қопқоғи ёпилмаган. Машина устида шолча, кўрпача, ёстиқ.

Улфатлар чақчақлашиб, ҳазил-мутойиба айтишиб боришмоқда. Биттаси афанди латифаси айтади. Қолганлари қотиб-қотиб кулишади.

Улфатларнинг қўлларида «Тошкент суви». Сувини ичиб, шишасини машина ойнасидан йўл четига улоқтиришади. Хурсандчиликлари чексиз.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Тоғ ёнбағри. Пастда шарақлаб сой оқмоқда. Кадрда пурвиқор чўққилар. Шу пайт қаердандир ўрлаётган тутун кўринади. Улфатлар кабоб пиширишмоқда.

Қаҳрамонларимиз мириқиб дам олишмоқда. Кабоб жағиллаб пишиб турибди. Дастурхонда ноз-неъматлар мўл. Дастурхон ёнида, қўра атрофида ароқ ва минерал сувдан бўшаган шишалар уймалашиб ётибди.

Дам олувчилардан бири қўлига ов милтиғини олиб 20 метрча нарига қўйилган бўш шишани варанглатиб отади. Қолганлари «Офарин, хўжайин», деб қийқиришади.

Бу воқеа икки-уч бор такрорланади. Бошлиқдан илҳомланган бошқалар ҳам мерганлик қилишади.

СЎНГГИ КЎРИНИШ

Шаҳар. Озиқ-овқат дўкони.

Пештахта устида «Тошкент сув»лари териб қўйилган. Сотувчи аёл магазин ичига ёпирилиб келаётган оломонни аранг тўхтатиб турибди.

— Минерал сув шишага берилади, — дейди у қатъий оҳангда.

Аммо ҳеч кимда шиша йўқ. Харидорлар ялина бошлашади. Ҳаммаларининг қўлларида пул. Бир-бирларини туртиб-суртиб, навбатсиз суқилаётганларни итариб пештахта ёнига тобора яқинлашиб кела бошлайдилар.

Овозлар:

— Жон опа, иккитагина узатворинг, юраклар ўртаб кетди-ку.

— Бериб юборинг, опа, шу ерда ичаман, ўлай агар.

Ғала-ғовур авжига чиқиб турган бир пайтда кимдир бирданига «Ана», деб бақириб юборади. Ҳамма эшик томонга ўгирилади. Томошабин ҳам.

Магазин ичига соч-соқоллари ўсиб-тўзғиб кетган, ранг-рўйи бир аҳволда бир киши қалтираб-қултираб кириб келади. Қўлидаги тўр халтада 10—15 та бўш шиша.

Оломон шишага ташланади. 10, 25, 50 сўмлик пулларни узатиб бир зумда шишаларни талаб кетишади.

Шиша олиб келган киши пулларни ғижимлаб ҳамёнига жойлар экан, дейди:

— Жаноблар, шиша — бу ҳаёт-мамот дегани. Уни кўз қорачиғидек асрайлик!

Парда
Тамом

«ШЧ» ИЛМГОҲИ

кулгИми, кулгУ?

БАЪЗИ ВАҲИМАЧИЛАР ва мафкуравий тарғиботчилар миллий маънавиятнинг, миллий нафосат ҳамда миллий ахлоқнинг қандайдир тезкор инқирози (шовинизмнинг ҳамда Ғарбнинг тарихий зарбалари туфайли) ҳақида оғиз кўпиртириб гапираётган ҳозирги иқтисодий танқислик, қимматчилик шароитларида олтин водий Фарғонанинг қадимий пойтахтида — кулгу шинавандаларининг марказий шаҳрида боз устига, ажойиб мумтоз ҳажвнавис шоиримиз Муқимий номидаги истироҳат боғида кулгу ижодкорларининг танлов баҳси ўтказилганлиги ғоятда ибратли ва мароқли ҳодисадир. Кулгу санъаткорларининг Қўқондаги бу ижодий мулоқоти аслида ҳар қандай ва ҳар қанча капиталистик ёки империалистик зулмларга қарамай, ҳар қандай шовинистик ҳуқуқий чеклашлар ва маън этишларга, иқтисодий ва моддий мушкулотларга қарамай, ўзбек халқи ўз тарихий мавқеларида мунтазам ва мустаҳкам фаолият кўрсатиб, ўз миллий маънавиятини улкан умид ва комил ишончлар билан тўплаб, асраб, кўпайтириб, ҳамда тадрижий равишда юксалтириб бораётган яшовчан ва тарихий миллатлардан бири сифатида барқарор бўлиб келаётганлигининг эътиборли намойишидир. Зотан, кулгу ижодкорлиги бизнинг миллатимизга хос бўлган гўзал эстетик фазилатлардан, беназир миллий қадриятлардан биридир. Кулгу ўзининг самимий, ҳаётий, боҳаё, халқона кўринишлари мужассамлашган шаклларда миллий заковатнинг енгилмас қудратидир.

Миллий руҳнинг кулгудаги ана шу тамойиллари, қирралари, фазилатлари, аския, қизиқчилик, муқаллидбозлик (мутлақо тақлидчилик эмас, чунки тақлидчилик ноижодий амалдир, муқаллидбозлик эса асл ижодий фаолиятдир) ва масхарабозлик сингари шаклларда ва жанрларда намоён бўлиб, қайта яратилиб туради. Шу боисдан кулгу ижодкорларининг умумжумҳур танлов-кўригида ҳамма вилоятлар ва туманларнинг иштирок этиши фавқулодда муҳим миллий аҳамиятга молликдир. Бинобарин, қайси вилоятнинг мутасадди раҳбари, қайси ҳоким халқ ижодкорлигининг бу турини, бу ҳар йиллик танлов кўрикни назар-писанд қилмаса, ё шунга етарли эътибор бермаса, у жиддий танбеҳга лойиқдир.

ХЎШ, МАЗКУР МИЛЛИЙ ИЖОДКОРЛИК намуналарини «кулгу» деб ёзиш тўғрими ёки «кулги» дейиш маъқулми? Менимча, бунда «кулгу», яъни «у» товуши билан ёзиш халқ эстетикасининг тарихий-миллий мазмунига кўпроқ мос келади. Тўғри, ўзбек тилининг икки жилдлик изоҳли луғатида (Москва, 1981 йил, I жилд, 404-бет) «кулги» сўзига икки моддали изоҳ берилиб, уларнинг биринчиси умумий ижобий мазмун сифатида, иккинчиси эса калака, мазах маъносида талқин этилган. Афсуски, бу талқинлар ўта чекланган бўлиб, унда ўзбек тилидаги «кулгу» сўзининг бутун тарихий-эстетик бой мазмунлари, шунингдек, турли шевалардаги ўзига хос нафис моҳиятли хусусиятлари қамраб олинмаган. Мазкур изоҳли луғатда, ҳеч бўлмаганда, Ҳазрат Алишер Навоий ижодида мужассамлашган «кулгу» кўринишлари ва маънолари ҳам ҳисобга олинмаган. Чунончи, ўзбек тилида оҳу — оҳи, жоду — жоди, асру (ғоят, бениҳоя, талай) — асри, инжу — инжи, эзгу — эзги сингари жуфт сўзларни муқояса қилиш бизнинг бу мулоҳазамизга муайян далиллардир. Тўғри, кўзгу—кўзги, қайғу — қайғи, уйқу — уйқи сингари жуфт сўзлар муқоясаси «кулгу»ни «кулги» деб аташга ҳам имкон борлигига ишорадир. Аммо Ҳазрат Навоий ижоди ибрати биз учун бир хил ишоралардан беқиёс табаррук далилдир. Масалан, «Арбаин»да шундай байт бор:

Асру кўп кулмаким, ўлар эрмиш,
Зинда дил кўнгли кулгу касратидин.

Навоий «Ғаройиб ус-сиғар»да ўз маҳбубининг ёқимли жилмайишини «кулгу» сўзи билан ифода этади:

Сенда тер, менда ашкдур кз уза,
Инғласам мен, сенга келур кулгу.

Навоий лирикасида улуғ халқнинг, шунингдек, ҳар бир шахснинг маънавий ҳаётидаги икки буюк ҳодиса — йиғи ва кулгу залворли ҳамда зиддиятли икки эстетик мазмун сифатида мужассамлашади:

Ул париваш ҳажридинким,
йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, они
кўрганда кулгу келмади.

Хуллас, «кулги» ёки «кулки» миллатимизга хос бўлган кулгунинг фақат бир қиррасини, яъни унинг мазақ қилиш ва калака сингари салбий маъноларинигина ифода этиб келади. Бинобарин, у сўз халқимизга хос бўлган кулгу ижодкорлигида тарихан акс этиб келган улкан ижобий эстетик мазмунни мутлақо қамраб ололмайди. Ҳар ҳолда миллий қадрият бўлмиш кулгулилик (комическое)нинг ўзига хос зиддиятли моҳиятини очиш учун эстетик атама сифатида «кулгу» сўзидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни махсус таъкидлаб ўтиш зарурки, миллатнинг кулгуси ва кулгу нафосати соҳасидаги эстетик ижодкорлиги жуда кўп қиррали, бой ва хилма-хил бўлиб, бу муаммо миллий эстетиканинг «кулгулилик» муаммоси («комическое» категорияси) деган бобида баён этилади. Шунингдек, бу масала фолклоршунослар, адабиётшунослар, санъатшунослар, тилшунослар, тарихшунослар, қаламкашлар томонидан ҳам ўз тадқиқотлари нуқтаи-назаридан ўрганилиши мумкиндир.

Худди шу жиҳатдан бу йилги кулгу ижодкорларининг кўрик танловида айрим ташкилий камчиликлар кўзга ташланди.

Биринчидан, кўрикнинг ҳакамлар ҳайъатида 4—5 адиб ва мутасадди ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар, холос. Ҳолбуки, бу хил умумжумҳур миллий ижодкорлик намойишида манфаатдор файласуфлар, нафосатшунослар, адабиётшунослар, тилшунос ва санъатшунос олимлар ҳам албатта иштирок этиб, илмий мезонлар билан иш тутилиши адолат нуқтаи-назаридан заруррдир.

Иккинчидан, халқ ижодкорлигининг турли хилларини, масалан, бадиий адабиёт, кино, театр, телевидение, рақс, қўшиқчилик, меъморлик, тасвирий санъат турлари матбуотда ҳар доимо ёки вақти-вақти билан таҳлил этилиб турилади-ю, аммо халқнинг кулгу соҳасидаги санъаткорлиги матбуотимизда ниҳоятда кам ёритилади. Бунда фақат қаламкашлар ва олимлар эмас, шу билан бир қаторда кулгу ижодкорларининг ўзлари ҳам фикр-мулоҳазалари билан чиқсалар, айни муддао бўлур эди.

Учинчидан, мазкур танлов кўригини бу йилдагидек «Бегим кунлари» (яъни пайшанба, жума ва шанба кунлари) ўтказмай, балки жума, якшанба кунлари (ёки шанба, якшанба, душанба кунлари) ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.


Кўрикда миллий кулгунинг барча турлари ва жанрлари) аския, муқаллидбозлик, қизиқчилик, масхарабозлик) бўйича голибларнинг ҳар йили бир марта Тошкентдаги бирор санъат биносида пуллик катта концерт уюштирилмоғи, халқдан талаблар тушиши кучайиб кетса, бу концерт моддий манфаатдорлик асосида вақти-вақти билан такроран намойиш этиш зарур деб ўйлайман.

Тўртинчидан, аския халқ кулгу ижодкорлигининг энг нозик, энг баравж, энг баланд ҳамда нисбатан муста, қил айни чоғда ўзига хос туридир. Донишмандона нозик фикрлаш (мантиқ илми), муайян сўздаги турли маънолардан энг кулгулисини кашф қила билиш (нафосат илми, яъни эстетика ҳамда тилшунослик, суханшунослик) миллий тилдаги турли сўз маъноларини ажиб бир тезлик билан топиш ва ўткир маҳорат билан ўйната билиш (нафосатшунослик ва ҳозиржавоб санъаткорлик фазилатлари, рақибини «мот» қилишга қаратилган фавқулодда фикрни халқона одоб қоидаларига мос тушадиган сўзлар билан ифода этиш (ахлоқшунослик) ўзбек аёлининг ибоси ва ҳаёсини муқаррар суратда назарда тутиш (Одобнома. Бу йилги кулгу ижодкорлари кўригида хийлагина миқдорда аёллар ҳам томошабин сифатида қатнашдилар) — ана шулар аския санъатининг асосий хусусиятларидандир. Аския кўпинча катта ашула билан алмашиниб (бирин-кетин) ижро этилган. Мана шу нафосатли тарихий шаклни сақлаган ҳолда ҳар йили Тошкентда, алоҳида аския ва катта ашула бўйича умумжумҳур кўрик концерти ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу йилги кулгу ижодкорлиги кўригида турли жанрлар орасида бу муҳим жанрнинг кўламдор салмоғи дуруст намойиш этилмай қолди. Аскияга ва катта ашулага атаб, Тошкентда ҳар йили уюштириладиган арзон баҳодаги пуллик кўрик концерт ана шу камчиликни тугатишга имкон бериши мумкин.

МОДОМИКИ КУЛГУ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ умумжумҳур танлов кўригида ёш истеъдодларнинг иштирок этиши табиий ҳол экан, бинобарин, энг истеъдодли ёш санъаткорларни турли техникум ва олий билимгоҳларга (худди турли фанлардан бўладиган олимпиада голибларига ўхшатиб) ўқишга киришда кўрсатиш учун тегишли тавсияномалар бериш ҳуқуқи ҳам худди шу ҳакамлар ҳайъатининг расмий мақомига айлантирилиши зарур.

Маҳмуджон НУРМАТОВ,
филсафа фанлари доктори, профессор







Рассом И. ЗОИРОВ

Рассом Ш. СУБҲОНОВ

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЁҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАҚИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИЎЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.10
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64593. Буюртма № Г-461 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12